

ЎЗБЕК
ХАЛҚ
ИЖОДИ

қўшиқлар:



КЎП ТОМЛИК

Гулёр



ФАРҒОНА ХАЛҚ
ҚЎШИҚЛАРИ

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ БАДИИЙ АДАБИЕТ
НАШРИЕТИ

1967

РЕДКОЛЕГИЯ

ОЙБЕК, ГАФУР ҒУЛОМ ЯШИН, САРВАР АЗИМОВ,

Ҳ. ЗАРИФ, М. АЛАВИЯ, РАМЗ БОБОЖОН

Тўпловчи:

ҲОШИМЖОН РАЗЗОҚОВ

Рассомлар:

К. АЛИЕВ, Г. МАҚОВСКАЯ

Муҳаррир:

ҲАБИБ ПЎЛАТОВ

Индекс 7 =4=3



КЎНГИЛНИНГ
КЎЙИГА
ҚИРСАНГ

* * *

Боғинг бўлса тераклик,
Иморатга кераклик.
Ёринг бўлса чиройлик,
Юр базмингга кирайлик.

Боғинг бўлса қўра қил,
Ўғлинг бўлса, мулла қил.
Муллаликка кўнмаса,
Сатангларга жўра қил.

Сув келар гулдир-гулдир,
Суйганим қизил гулдир.
Суйганим топилмаса,
Ўлганим ўшал кундир.

Андижонга борай дедим, боролмадим,
Роҳатлар қилай, дедим, қилолмадим.
Бозор боши лой экан, бормасам бўлар
экан,
Хасис бойнинг қизини олмасам бўлар
экан.

Кўчада қатор толлар,
Ҳар шоҳида маржонлар.
Қиз олмаган йигитлар
Ҳар кўчада сарсонлар.

Олма отгим келади,
Беҳи татгим келади.

Суйиб олган ёримни
Олиб ётгим келади.

От минсам ҳам ўйнайман,
Минмасам ҳам ўйнайман.
Севиб олган ёримга
Минг боқсам ҳам тўймайман.

Ёрим келади яшнаб,
Зар кокилини ташлаб,
Хипча белини ушлаб,
Шакар лабини тишлаб.

Атлас кўйлагим енги,
Менинг юрагим кенги.
Дунёни гир айланиб,
Топмадим ўзим тенги.

Рўмолимни совурдим.
Тол ёғочга илдирдим.
Ёлғизгина ёримни
Қароқчига олдирдим.

Бизнинг боғда бир каклик,
Оёқлари попуклик.
Бизга бир ёр учради,
Лафзи ширин қўқонлик.

Олма гулин тўқади,
Юрсам отам сўжади.
Кўп койиманг, отажон,
Беш кун умрим ўтади.

Айланаман, ёрларим,
Ургиламан, ёрларим.
Кел деганда келмаган,
Асқотмаган ёрларим.

Андижонда бир чинор,
Акам отин қамчилар.
Ая деган тилинган
Қанду новвот томчилар.

Токка солдим новдани,
Оппоқ экан бадани.
Оппоқ бўлса бадани,
Кечга қўйманг ваъдани.

Олма пишганда келинг.
Тагига тушганда келинг.
Орқа сочи жамалак,
Белига тушганда келинг.

Том бошида йўнғичқа,
Ака белим ингичка.
Ингичка деб койиманг,
Энди кирдим ўн учга.

Алвон дўппим бор эди,
Бошгинамга тор эди.
Ёр-жўрамни сўрасанг,
Бир кўришга зор эди.

Сув айланиб оқмайди,
Ёр қайрилиб боқмайди,
Ёр қайрилиб боққанда,
Бир қилиғи ёқмайди.

Олмани берсам олмайсан,
Беҳини берсам емайсан.
Қайси бойнинг ўғлисан,
Ўлдирмоққа чоғлайсан.

Ариқ бўйини ўйдим,
Қўлимга хина қўйдим.
Бевафо ёр дардидан
Азиз жонимдан тўйдим.

Томга чиқдим тол учун,
Чумчуқ бола бор учун.
Шу кўчага йўл солдим,
Суйган ёрим бор учун.

Юр деганда юрмангиз,
Тур деганда турмангиз.
Ота, онадан кечиб,
Жаҳонгашта бўлмангиз.

Сойгузарга бормайман,
Қассобингдан қарзим бор.
Хотиним ташлаб кетди,
Қайнотамга арзим бор.

Мен боғингга бормайман,
Анорингга тегмайман.
Энди ақлим кирибди,
Ёмон билан юрмайман.

Том бошида турган қиз,
Сочини майда ўрган қиз.
Маржонини йўқотиб,
Ҳайронликда қолган қиз.

Бундан бордим поездга,
Отим тойилди музга.
Тийгонгани муз яхши,
Уйнагани қиз яхши

Биз Қашқардан чиққанда,
Ўрдалари бўш қолди, ёро.
Қашқар деган шаҳрингда,
Ёрим қора қош қолди.

Гулдай очилгин, ёрим,
Ерга сочилгин, ёрим.
Қуйганимдан айтаман,
Соғ-омон бўлгин, ёрим.

Қизил гулнинг чечаги,
Нима бўлди кечаги.
Нақш олмадай юзига
Ярашибди гажаги.

Бошингдаги дуррани
Косиб аканг тўқиган,
Овозингдан ўргилай,
Дутор чалиб ўқиган.

Овозиму овозим,
Овозимга жўр созим.
Овозимга ярашар —
Бир пиёла чой лозим.

Ариқ буйида ялпиз,
Ялпизнинг шохи ёлғиз.
Уйланмаган йигитлар
Қандай ётади ёлғиз?

Ака, отинг кўкмиди,
Кўк бедаси йўқмиди?
Мунча менга қарайсан,
Қора кўзинг йўқмиди?

* *

*

Сен сой чумчуғи бўлсанг,
Сойларга қараб учсанг.
Мен тоғ каптари бўлиб,
Орқамдан қувиб борсам,
Ёр, унда на қилгайсан?

Сен тоғ каптари бўлсанг, ёр,
Орқамдан қувиб юрсанг.
Мен тез учар лочин бўлиб,
Чангалга олиб қолсам,
Ёр, унда на қилгайсан?

Тез учар лочин бўлиб,
Чангалга олиб қолсанг.
Мен мерган овчи бўлиб,
Милтиқда отиб олсам,
Ёр, унда на қилгайсан?

Сен мерган овчи бўлсанг,
Милтиқда отиб олсанг.
Мен боғда анор бўлиб,
Қизариб пишиб турсам,
Ёр, унда на қилгайсан?

Сен боғда анор бўлсанг,
Қизариб пишиб турсанг.
Мен юрган боғбон бўлиб,
Битталаб узиб олсам,
Ёр, унда на қилгайсан?

Сен юрган боғбон бўлсанг,
Битталаб узиб олсанг.

Мен боғда узум бўлиб,
Сарғайиб пишиб турсам,
Ёр, унда на қилғайсан?

Сен боғда узум бўлсанг,
Сарғайиб пишиб турсанг.
Мен юрган ари бўлиб,
Шакар лабингдан сўрсам,
Ёр, унда на қилғайсан?

Сен юрган ари бўлсанг,
Шакар лабимдан сўрсанг.
Мен боғда гулнор бўлиб,
Очилиб, кулиб турсам,
Ёр, унда на қилғайсан?

Сен боғда гулнор бўлиб,
Очилиб, кулиб турсанг.
Мен булбули гўё бўлиб,
Сайраб шохингга қўнсам,
Ёр, унда на қилғайсан?

* * *

Эшик олди майда тол,
Майда толга пайванд сол.
Эсинг бўлса, самоварчи,
Меҳмон келди, тўшак сол.

Томга тариқ сочилган,
Ҳай бола, бола, омон ёр.
Оғзи қурсин очилган,
Ҳай борайин, йўрғалайин.
Остонада туриши,
Кифтини қоқиб юриши,
Ҳай бола, бола, омон ёр.

Ярманкада қизлар бор,
Ҳай бола, бола, омон ёр.
Яхшисини танлаб ол,
Ҳай бола, бола, омон ёр.

Ошқовоқни қайнатиб,
Чойнакка чой дамлатиб,

Хушторни қон йиғлатиб,
Энди қачон уйғонасиз?
Дўст, дўст, яланг даврон.

Сим деган хўп жой экан,
Тевараги гулзор экан,
Сўлкавойинг бор бўлса,
Жононлари хуштор экан.
Дўст, дўст, яланг даврон.

Андижону Марғилон,
Солган иморатинг қани?
Ҳаммани барбод бериб,
Жамбул билан райҳон қани?
Дўст, дўст, яланг даврон.

Бир келиб, икки келиб,
Вақтимни чоғ қилган қимор,
Орқасидан «чув» тушиб,
Гўлоҳга ҳайдатган қимор.
Дўст, дўст, яланг даврон.

Ҳой менинг ёримсан,
Бўйнимда туморимсан,
Қоронғу кечаларда
Ендирган чироғимсан.

Ёш болалар ўйнайди,
Тол ёғочдан от қилиб,
Ошиқ йигит йиғлайди,
Суйганини ёд қилиб.

Боғ айланиб боғингдан,
Ўлдим сенинг нозингдан.
Кеча-кундуз йиғларман,
Мунгли чалган созингдан.

Ҳилпиллайди ёра,
Ҳилпиллайди.
Аравага тушсам,
Орқа сочим ҳилпиллайди-я.

Дарёларнинг ул юзида минораман,
Миноранинг ёнидаги чинориман,

Ярми олтин, ярми кумуш пиёламан,
Ерим билан ўйнашгани уяламан,

* * *

Икки булбул сайрошади, тоғу чўлларда юриб,
Чанқаса сувлар ичоди боғу бўстонга келиб.

Сув тиниғи бунда қолди, бориб ичди лойини,
Бош эсон бўлса, кўрармиз севиб олган ёрини.

Севиб олган ёрингиз, мунча чиройлик ёр экан,
Қўлларимга сув беролмас, сурати ҳайвон экан.

Қора шолдан кўйлагим, қонларга тўлди юрагим,
Зарга тўлди билагим, зардобга тўлди юрагим.

Оқмиди билакларим, кўпмиди тилакларим,
Етти қат ер остида чириди суякларим.

Ёр агар ўлтирсалар аввал қўлимни боғласин,
Дўстларим ғамгин бўлиб, душманларим шод айласин.

Ёргинам очиқ чирой, ишқингда мен қандоқ қилай,
Сен ётиб оромни олгин, мен юриб юлдуз санай.

Қизил гул тагида ширчой ичиб мастоналар бўлдим,
Сенинг ойдек жамолингни кўриб девоналар бўлдим.

Қизариб тўнга сиғмасман, агар кўрсам жамолингни,
Жаҳон оламга бермасман сенинг бир жўра холингни.

Адо бўлдим, адо бўлдим, адо бўлганга йиғларман,
Бировнинг юртига бориб жудо бўлганга йиғларман.

Баланд тоғ устига чиқсам кўринди ошно қизлар,
Баҳосига етай десам, баҳосиз — бебаҳо қизлар.

Қизориб чиқсанг уйингдан, аканг айлансин бўйингдан,
Маҳалланг ҳаммаси хуштор ўзингни феълу ҳуйингдан.

Сув бўйида туриб олиб сувни лойлатманг, йигит,
Ҳар замонда бир келиб, юракни ўйнатманг, йигит!

Музни тешдим, сувни ичдим, лой эканин билмадим,
Кўпни кўрдим, бирни севдим, ёри борин билмадим.

Кўпни кўрган, бирни суйган, кимни олдинг ёнингга,
Биз тағи бир ёр тутиб, ўтлар ёқайлиқ жонингга.

Қизил гул тагида турсам, тикони санчилиб кетди,
Бўйингдан ўргилай, ёрим, сенинг қадринг ёмон ўтди.

Бўйингдан ўргилай, ёрим, қўлингга сув қуяй доим,
Қўлингга сув қуёлмасам, фидо бўлсин менинг жоним.

Чой дейди, чой дейди, чойга мен қайга борай,
Ичи лаъли, тоши ёқут чиннига қайга борай?

Чиннини заргарга бердим, кимиё қилгайми деб,
Чин кўнгилни ёрга бердим, ошно бўлгайми деб.

Дарёдан оқиб келади шода-шода марварид,
Рўпарамда ўлтироди қош қаро барно йигит.

Қош қаро барно йигит, хурсанд этолмайсан мени,
Кокилим қиймат баҳо ташлаб кетолмайсан мени.

Кўҳиқофдан келади шаршаранинг овозаси,
Бўлар-бўлмас ёр учун бўлдим жаҳон овораси.

Сакрабон боғингга тушдим бир қизил олма учун,
Бир қизил олмангни уздим, сен қаландар ёр учун.

Сен қаландар ёр учун зиндонга солдилар мени,
Азройил келмай туриб, жонимни олдилар мени.

Қиладан келган шамол гул шохини қайирдим,
Ўртадан чиққан ғаним суйғонидан айирдим?

Субҳи дамда сувга чиқсам оҳ уроди бир йигит,
Ўлтириб ҳолини сўрсам, ёрдан айрилган йигит.

Ёрдан айрилган йигитга ошно бўлсаммикан,
Бир пиёла чой бериб ҳам кўнглини олсаммикан?

Чақмоқ ўти толга тушди, толни кесганда чиқар,
Ёрнинг ўти дилга тушди, то қиёматда чиқар.

Ёрдан айрилган ёмон, дилдордан айрилган ёмон,
Ишқ ўти қолса дилингда дўзах ўтидан ёмон.

Қора қошим бор менинг, қайрилма қош даркор эмас.
Бир адошим бор менинг, икки адош даркор эмас.

Қоралар, қоп-қоралар, ошиқни маъшуқ моралар,
Икки ошиқ бирга бўлса, қўймайди бахти қоралар.

Ҳавода парча булут ёмғир ёғиб ўтгони йўқ.
Дунёда ошиқ киши муродига етгони йўқ.

Кет десанг, Қашқар кетарман, йўлда ёлғизлик ёмон,
Ёлғизликда ким ўлибди, ҳаммадан хўрлик ёмон.

Мен сени кўрмабмидим Ганжиравон кўчосида,
Қўлингда бир даста гул ул бевафо ҳужросида.

Боғаро қўйсанг қадам, хандон урар гулғунчалар,
Ҳасратингда йиғлашоди бир неча ёш баччалар.

Соча-соч, дарёга соч, ёр, мен борай қўйнингни оч,
Агар сен жаллод бўлсанг, бошим кесиб, қонимни соч.

Тошга ёмғир кор қиларми муттасил ёққан билан,
Давлатингиз кам бўларми бир қиё боққан билан.

Бир қиё боқдим, тутилдим тўтининг занжирига,
Ҳеч илож тополмадим парвардигор тақдирига.

Тақдирингга ўт тушиб, куйса нима, ёнса нима,
Ҳар киши ўз ёрини урса нима, сўкса нима?

Кетарингни билсам эрди, кузатиб қўймасмидим,
Панжаралик кўпригингни тузатиб қўймасмидим.

Кичкина чорбоғ ичида айланур бошим мени,
Ёра юрган кўчаларда тўкилур ёшим мени.

Ёра юрган кўчаларни супирай сочим билан,
Чанги чиқса сув сепай кўзимдаги ёшим билан.

Оқ илон, оппоқ илон, ойдинда ётгонинг қани,
Мен ёмондан айрилиб, яхшини топгонинг, қани?

Кичкина чорбоғчага жойни солиб, сувни сепинг,
Мол билан жон садқадир, кўнгилдаги ёрни топинг.

Ёр экансан билмадим, дилдор экансан, билмадим,
Кашмири тилинг билан алдор экансан, билмадим.

* * *

Қибладан келган шамолга барча одам қарашур,
Ҳандалакдек бўйларингга шоҳи-шалпар ярашур.

Ҳандалак бўйликкинам, сиз унда зор, биз бунда зор,
Тўти қушнинг боласидек иккаламиз интизор.

Интизорлик торта-торта танда тоқат қолмади,
Йўл чибиндек саргайиб, учарга ҳолат қолмади.

Йўл чибиннинг ҳолини юрган йўловчидан сўранг,
Биз ғариб бечорани ақли расо ёрдан сўранг.

Биз ғариб бечорани ақли расо ёр билмаса,
Кўз ёши дарё бўлиб, оққан балиқлардан сўранг.

* * *

Ёргинам ҳовли олибди девори паст-пастгина,
Ичига гуллар экибди, кўчати ёш-ёшгина.

Гулидан олаёй десам, бир ёнида ғунчаси бор,
Ёр билан ўйнай десам, оҳ, ёнида баччаси бор.


Музни тешдим, сувни ичдим, лой эконин билмадим,
Бошида чақмоқи телпак, кал эконин билмадим.

Кал эконин билганимда ошно бўлмас эдим,
Даста-даста гул юборса, қайрилиб боқмас эдим.

Боришингни боғда кўрдим, келишингни кўчада,
Арзи ҳол айтай десам, учрамадинг тол кўчада.

Ёра дейди, ёра дейди, ёридан кўрмай вафо,
Ёр дейди, ёра дейди, солди бу бошимга жафо.

Нариний ўтди, келди, ёри билан,
Кўнги билан, ўз ичига ёри билан!



Боққа кирсам боғ шамоли ҳайдаримни ёзади
Уйга кирсам ғариб онам юрагимни эзади.

Мен сени ёрим десам, орқангда ёринг бор экан,
Икки бетинг қип-қизил, лабингда ҳолинг бор экан.

Қоп-қора қўй кўзлим, жонлар фидо бўлсин сенга,
Жонидан тўйган сатанглар ошно бўлсин сенга.

Ёргинам, нодонгинам, рўёнга бўёйин сени,
Чор тарафдан ёр тутиб, кўзингни ўёйин сени.

Шам чирогни ёнганидан ёнмағони яхшироқ,
Бевафо ёр бўлганидан бўлмағони яхшироқ!

Булбулим учди қўлимдан, қайда меҳмондир букун,
Булбулимни соғиниб, кўнглим паришондир букун.

Қаро қуш қичқириб ўтди, уёсида илон кўрди,
Балиқ кўксини чок айлаб, азим дарёда қон кўрди.

Ой бўлойин, бўлойин, туйнугингдан боққали,
Оби замзам сув бўлойин анҳорингдан оққали.

Ойга ўхшайди юзинг, Чўлпонга ўхшайди кўзинг,
Шунча ҳам иссиқ бўларми эл ичида юлдузинг.

Мен кетар бўлдим, ёрим, арзим баён айлаб кетай,
Меҳрибоним қолди деб, чўлларда қон йиғлаб кетай.

Меҳрибоним кетди-ю, меҳри кўзимдан кетмади,
Меҳрибонимдан кейин ҳеч ким мени ёд этмади.

Мен кетарман бош олиб, икки қўлимга тош олиб,
Меҳрибоним қолди деб, икки кўзимга ёш олиб.

Шодмонлик истасанг, охир бошингга ғам келур,
Ҳар кишининг дарди бўлса, дийдасидан нам келур.

Марғилоннинг йўлида турна қатор бўлди киши,
Бир чеким томоқи деб жондан кечар бўлди киши.

Бир чеким томоки деб кирдим губирнинг¹ боғига.
Бир гулин узмай туриб, қолдим қиёмат доғига.

Қибладан келган шамолга соябон тополмадим,
Камбағаллик дарди қурсин ҳеч илож тополмадим.

Гули сафсарни кўринг, сувга қараб қайрилади,
Бевафо ёрни кўринг, ўлмай туриб айрилади.

Кўчадан ўтиб бороди ёргинамнинг улфати,
Ранги рўйим заъфар этди ёргинамнинг кулфати.

Дарёдан оқиб келоди ранда солган оқ ёғоч,
Оқ ёғочнинг устига гулхона солган қалдирғоч.

Қалдирғоч қаро экан, қанотидан айрилмасин,
Ҳар киши ўз даврида суйғонидан айрилмасин.

Тол ёғочнинг бошига какликни қўйинг сайрасин,
Кимнинг майли кимда бўлса, қўйворинг, ўйнасин.

Дуторим тинг-тинг этоди, ичида мош бормикин,
Бизни ёр ташлаб кетоди, кўнглида ғаш бормикин?

Боққа кирсам боқади, қушлар қанотин қоқади,
Бевафо ёрни кўринг, сийнамга ўтлар ёқади.

Қошгинамнинг қораси, киприкка тушди сояси,
Менга бир ёр учради — икки жаҳон овораси.

Мен сени хўп биламан, кўнглинг менга мойил эмас,
Ўлтираб қон йиғласам, сендан мурод ҳосил эмас.

Сакрабон томингга чиқдим, қолди ковушимнинг изи,
Ваъда айлаб келмади ул номусулмоннинг қизи.

Қора қош, қайрилма қош ўсма анга даркор эмас,
Уйда ёрим бор менинг бегоналар даркор эмас.

Хаёлим, ёр, умидим кунда юз кўрсам жамолингни,
Яна кўрсам жамолингни, фидо қилсам бу жонимни.

¹ Губернатор.

Сонидим бешидоят, бир кўришаникка иложим йўқ,
Насажим бўлса эрди кунда минг кўрсам жамолингни.

Куйиб-сшиб фироқингда қаландар бўлганим хўбми,
Сен унда базм эт, мей бунда йиғлаб юрганим хўбми?

Асра қизил гулни, эгам, сақла қизил гулни, эгам,
Воясига етмагунча узма қизил гулни, эгам.

Қибладан кўрсат юзингни Маккадай айлай тавоб,
Сен лабингдан бўса берсанг, мен қилай бағрим кабоб.

Боққа кирсам, боқасан, имлаб қошингни қоқасан,
Қоқма десам, қоқасан, сийнамга ўтлар ёқасан.

Чаманда гул очилибди, чакангга тақ, чакангга,
Икки кўзи хумори, акангга боқ, акангга.

Ёргинам келди, найлайин, белим ешилди найлайин,
Ёрга ўрганган бошим ёлғиз туролмас найлайин.

Ота-онанг рози бўлса, ўнг қўлингдан ушласам,
Олмазорингга кириб шаккар лабингдан тишласам.

Эй пари юзли йигит, сен бирла ўйнашгим келур,
Кеча-кундуз тинмайин бўйнингга чирмашгим келур.

Уртанарман ишқида, ёр билмайди ҳануз,
Сен нечук жоноҳасан, бир раҳм қилмайсан ҳануз.
Йиғлашар ўртоқларим бу ҳоли зоримни кўриб,
На гуноҳ қилдим келиб ҳолимни сўрмайсан ҳануз.

Ўғдаги барра қиёқдек қошларингдан ўргилай,
Силкиниб турган кийикдай кўзгинангдан ўргилай.
Қош қоқиб, киприк сузиб, олдимга келсанг, нозанин,
Садарайҳон дастадек мен бўйгинангдан ўргилай.

Оқариб ойдинда ётсам, ой меңинг қўйнимдадир,
Сесканиб кўзимни очсам, ёр қўли бўйнимдадир.

Оҳ урарман, оҳ урарман, оҳларим тутгай сени,
Кўз ёшим дарё бўлиб, балиқлари ютгай сени.

Эрта бирлан сувга чиқсам, турна қатор жўжалар,
Байт айтиб чой бераркан бир-бирига хўжалар.
Сен ўзингга хўжа бўлсанг, мен ўзимга эркатой,
Эркатойни эркалатиб, сен хўжани йиғлатай.

Сен қачон келдинг эшикка, мен билиб оҳ урмадим,
Чиққани хилват тополмай ўлтириб қон йиғладим.

Эй фалак, чархинг бузилсин, кимга хор этдинг мени,
Гоҳи бору гоҳи йўққа интизор этдинг мени.

Лайлининг томига чиқсам, ғозлари ғавғо қилур,
Энди чиқмайман десам, ишқи мени шайдо қилур.

Мен ўзим усто бўлиб, солдим ёғочга рандани,
Бевафо ёр дардидин кийдим кулоҳу жандани.

Дардманднинг дарди ортар, кўз ёши оққан сари,
Беақлнинг нози ортар кўнглига боққан сари.

Тонг саҳарнинг салқини сўлдирди гуллар баргини,
Кимга айтиб, кимга йиғлай бевафо ёр дардини.

Шафтоли пишди, тўкилди, тергали келдингми, ёр,
Мушки анбар кокилингни ўргали келдингми, ёр.

Богимизда чанқоғинг қондиргали келдингми, ёр,
Учган ўтимни яна ёндиргали келдингми, ёр!

Ёргинам мендан безиб, том устига солди ватан,
Не гуноҳим бор эди, ошиқни қилди беватан.

Оҳ уриб бу йўлга чиқсам, ким мени ёд айлағай,
Дўстларим ғамгин бўлиб, душманларим шод айлағай.

Дарчадан олма отай боғингдаги гулдастага,
Мен ўзим ошно бўлибман бўйлари барвастага.

Қошгинангни қораси, киприкка тушди сояси,
Менга бир ёр учради икки жаҳон овораси.

Тоғдаги юрган кийикка мен нечук занжир солай,
Сен кишининг ёри эсанг мен нечук кўнгул қўяй.

Бу чинор ёлғиз чинор, чиқмай туриб шохи синар,
Шохи синса бу чинор, булбул келиб қайга қўнар?

Олмалик боққа кириб, шафтолини ерму киши,
Ўз ёри бўла туриб, бегонани дерму киши.

Кўзгинамнинг ёшига ўрдак сузади, на қилай,
Юрагимнинг тафтига тандир қизийди, на қилай?

Сим¹ деган вайронага бормаё десам боргим келур,
Бу шароб-аччиқ шароб, ичмай десам, ичгим келур.

Гулни гул дерму киши гулнинг тикони бўлмаса,
Ёрни ёр дерму киши ёрнинг вафоси бўлмаса.

Гул дебон суйдим сени, қулдан баттар қилдинг мени,
Энди суймасман сени, охир гадо қилдинг мени.

Оқу ойдин кечалар, оппоғу ойдин кечалар,
Гул билан райҳон бурайди ёра юрган кўчалар.

Ёр юрган кўчаларни супурай сочим билан
Чанги чиқса сув сепай кўздаги ёшим билан.

Ёра юрган кўчаларнинг чанги бор, тупроғи йўқ,
Бормикан дунёда ошиқ дилда асло доғи йўқ!

Марвариддек ялтирайди янги ёр олган киши,
Заъфарондек сарғаяди ёридан айрилган киши.

Бир гала турна келоди гул шохига қўнғали,
Гул шохи ларзон уроди турналарни қўндирғали.

Турналар, қўнманг гулимга шохлари қайрилмасин,
Ҳеч киши ўз даврида суйгонидан айрилмасин.

Қош қаро барно жувон, қошингда бир йил қишлайин,
Пиёзи чакман кийиб, олдингда симкор ишлайин.

Қош қароси менда деб, қошингга мағрур бўлмагил,
Барча давлат менда деб, давлат заволин кўрмагил.

¹ Ҳозирги Фарғона шаҳрининг бурунги номи.

Қўш қанотли дарвозангни чертиб ўтсам билмадинг,
Томга чиқиб кесак отсам, уйқудан уйғонмадинг.

Ёргинам, нодонгинам, кўп уйқу қарзинг бормиди,
Энди кетиб бораман, айтарга арзинг бормиди?

Қоп-қародур қошингиз, ўн бешда бордир ёшингиз,
Ўн бешда бўлса ёшингиз, мен бўлай йўлдошингиз.

Боққа бўстон соламан, соялаб ўтсанг-чи, ёр,
Гул шаробин тортаман, маст бўлиб ўтсанг-чи, ёр.

Боғдаги гулга қаранг, жамбил билан райҳонча бор,
Сизга ошиқман, юрагим тафти ҳам, гулханча бор.

Кўчаларни сув босибди, ўтгали йўл бормикан,
Мен ёримни соғинибман, кўргали кун бормикан?

То саҳар бўлмагунча булбул чаманда сайрамас,
Бир алам ўтмагунча банданг худога йиғламас.

Бунча ҳам ёмғир ёғоди биз ғарибнинг томига,
Кимни ҳам раҳми келур биздек ғарибнинг ҳолига.

Ой юзингга ойнаман, сунбул сочингга мен тароқ,
Хушласанг, ёнингдаман, хуш кўрмасанг, кетай йироқ.

Боғ аро боғнинг гули, сайра, чаманнинг булбули,
Сен чиройингга ишонсанг, мен ота-онамнинг қули.

Кўчама-кўча юрарман, ҳеч бири гулзор эмас,
Изласам дунёни ҳеч бир жон меҳнингдек хор эмас!

Тоғ бошида ел эсиб ҳайрона қилди арчани,
Бу замон — қандай замон, вайрона қилди барчани.

Мен қушимни ғозга солсам, ким солади қарғага,
Олти қарға бир бўлиб, олди қушимни орага.
Қушгинамнинг бошида олтин жигоси йўқмиди,
Севганимнинг меҳрибон ини-оғоси йўқмиди?

Кўккина каптар бўлиб учсам, қанотимни сузиб,
Ёргинам берса жавоб, кетсам умидимни узиб.

Шойи-шолпар кўйлагим, ювмай илинган дорга,
Толеемни йўқлигидан ёлгончи бўлдим ёрга.

Толеем бўлса эди, ёнган чироқ ўчармиди,
Мен суянган тоғлар ости билан кўчармиди?

Қиш кунни овга чиқиб, суқсурни кўрган бормикан,
Ув ёридан айрилиб, бегона бўлган бормикан?

Кўрмайин босдим тиконни, тортадирман дардини,
Кўрсам эрдим, босмас эрдим, тортмас эрдим дардини.

Кўнгулнинг кўйига кирсанг, бир бало бошлайди, ёр,
Сароб каби алдаб бориб чўл аро ташлайди, ёр.

Ёргинам ўлтириши — хон олдида бекларча бор,
Сўзлаганда ҳар гапи — дилга пичоқ урганча бор.

Олмалик боққа кириб, нақш олмалар иргитаман,
Энг баланд шохига чиқиб, янги ёр чорлатаман.

Янги ёрим бошига тилла жиғо ўрнатаман,
Эски ёрни кўчаларда зор-зор йиғлатаман.

Ед айладим дойим сени ҳар кунда чандон, нозанин,
Ҳаргиз соғинмадинг мени, ширин забоним, нозанин.
Кўрдим қароқчи кўзларинг, ширин шакардир сўзларинг,
Бўлсам гуломи чокаринг, эй ёри жоним, нозанин.

Эшик очиб тўрга боқсам, тўрда бир ой ўлтирур,
Қошлари қийғоч қаламдек бир паризод ўлтирур.
Сочлари ерга тушади, беллари бир қилча йўқ,
Ишқимиз сизга тушибди, ўзгалар бир пулча йўқ.

Гулни уздим новдадан, гулдек тўрамга бандаман,
Белида шоҳи қийиқ, нозик тўрамга бандаман.

Олти каптар етти бўлиб қўнди теракка,
Қўшнимизнинг икки қизи чиқди элакка.
Дўст чиқди элакка, яна чиқди элакка.
Бодом қовоқ, юпқа томоқ, додимга етсангчи!
У ёрингдан ўтай, бу ёрингдан ўтай, кўнглингни олай.
Тўти қушнинг боласидай қўлингга қўнай.

Ҳо қўлингга қўнай, дўст қўлингга қўнай.
Бодом қовоқ, юпқа томоқ додимга етсангчи!
Сим-сим оралаб қор ёғади тоғни бўралаб,
Ёрим кетди орқасидан қолдим мўралаб.
Яна қолдим мўралаб, дўст қолдим мўралаб,
Бодом қовоқ, юпқа томоқ додимга етсангчи!
Ўзганингга қор тушибди Шералида қирови, ҳай,
Қорни ёқай шу базмингга бўлса қалови, ҳай,
Бодом қовоқ, юпқа томоқ, додимга етсангчи!

Боғбон, эшикни очгил, мен кириб боғни кўрай,
Қадди-чинор, кўзи-хумор, меҳрибон ёрни кўрай.
Боғбонлар ўлмасин, боғбон менингдек бўлмасин,
Тоғдаги қўй ҳайдаган чўпон менингдек бўлмасин.
Олмалик боққа кириб, шафтолида синди қўлим,
Яхшини излаб юриб, ёмон билан ўтди куним.

Ошпичоқ урдим теракка дастаси занг боғлади,
Бу мусофир юртида юракларим дард айлади.

Келинлар, аҳли дардмандлар, саройда машраб ўйнайик,
Кўзига илмаганларни бошида депсаб ўйнайик.

Олманинг нозиклигидан кўринади донаси,
Баргига шабнам тушибди, мен унинг девонаси.

Булбули гўёмидим, сайраб шохингга қўнғали,
Ўқиган мулломидим дафтарга ёзиб берғали.
Булбули гўё эдим, синди қанотим қайрилиб,
Толёёмнинг йўқлигини қолдим онамдан айрилдиб.

Ўланларнинг аввал боши томон тоши,
Тўй олдидан торттирганим сўқим оши.
Ҳаддинг бўлса, қани келиб ўлан бошла,
Бу элатнинг манман деган кекса-ёши!
Баланд-баланд тоғларнинг қори бўлар,
Ўнгирида бургут, лочин, сори бўлар.
Ўланчилар манмансираб керилмайди,
Эр оғаси мард йигитнинг ори бўлар.
Булут бўлса, кун чиқмай ҳам киради кеч,
Дарё, сойни кўриб, кейин этикни еч.
Йигирмага кирган бўйим дархон дерсан,
Кўса киши қариганин билмайди ҳеч.

Туянинг жунидан ўрган соққоним,
Тулки, қашқирга қўйган қопқоним
Улан айтиб, мени жуда шод этдинг,
Омон бўлгин, қариганда топганим!

Юқоридан мен келаман от ўйнатиб,
Қўлгинамда фаранг милтиқ қуён отиб.
Отиб берган қуёнингиз ола экан,
Шу вақтнинг қиз боласи бало экан,

Зарра гуноҳ менда бўлса, қилич бўйнимда.
Сим-сим дейди, сим-сим дейди, симлар йўлимда,

Тоғдан қуён қочирибман ияги йўқ,
Қизлар кўйлак кияр экан жияги йўқ.
Жияги йўқ жойларидан қўлим солсам,
Билқиллайди қўш анори-суяги йўқ.

Дарё тўлқин, сувлар тошқин, ўтолмайман,
Отим ориқ, манзилимга етолмайман.
Отгинамни ориқ қилган ул майда тош,
Ранги-рўйим сариқ қилган ул қалам қош.

Дарёларни ким кечмайди саёз бўлса,
Чилла кирмай муз тўнгарми аёз бўлса.
Мард йигитни лоҳас қилган ёмон нарса,
Олай деса, чўнтагида пул оз бўлса!

Дарёнинг ул юзида шафтолизор,
Шафтолизор ичинда қизлар бозор.
Оталари сотар бўлса, биз харидор,
Оналари бермас бўлса, биз ҳам безор.

Дарянинг ул юзида бир туп ғўза,
Ул ғўзанинг тагида олтин кўза.
Олтин кўза кўтаргани билак қани,
Қизлар билан ўйнагани юрак қани?

Дарянинг ул юзида сор келади,
Паранжига ўралиб ёр келади.
Уралса-ўралмаса ким кўради,
Унинг ойдек жамолига ким тўяди?

Дарянинг ул юзида уйларингиз.
Оқариб кўринади бўйларингиз.

Ипмиди, ипакмиди кийганингиз,
Биздан ҳам ортиқмикан суйганингиз?

Баланд-баланд тепаларда қуш ўлтирар,
Йўқлигим-бошинга кулфат келтирар.
Йўқ бўлиб ёр олдида хор бўлгунча,
Тоғдаги арслон бўлай то ўлгунча.

Дарёларнинг ул юзида қўш ҳайдаган,
Ул ҳайдаган ерларини бўш ҳайдаган.
Қалпогини қозон қилиб ош дамлаган,
Чоригини чавгин қилиб чой домлаган.

Боққа кирсам, бошларимдан айланади капалак,
Қўлларимга ярашади ёра берган шоханак.
Шоханакнинг шохлари тилло узукка боғ бўлур,
Байт айтмай чой тутарсиз, юрагимга доғ бўлур.

Эшикка келиб бир гадо ҳасса таянган «ҳақ» деди,
Уйдан чиқиб бир нозанин: «Уйнинг эгоси йўқ!» деди.
— Уйнинг эгоси бўлмаса, бир парча нонинг йўқмиди,
Бир парча нонинг бўлмаса, ширин забонинг йўқмиди?
— Кета беринг девонахон, қайнонамнинг феъли ёмон,
Сизни қошиб, бизни тишлар, кета беринг, девонахон!

Қош агар пайваста бўлса, ўсмани гардон қилур,
Ёр агар нодон бўлса, ошиқни саргардон қилур.

Ҳўл қамишни ўтга солсам, сарғайиб куймас экан,
Бағри қаттиқ, тош меҳрлик ошно бўлмас экан.

Ошиқи дилхаста майдонга қўяди бошини,
Етмаса гар ёрига кўздан тўқади ёшини.

Отам билан онам мени не кулфатлар билан боққан,
Азиз бошим ниёз айлаб, мозорлара чироғ ёққан.

Ота-онаси борлар қизил гул шохида ўйнар,
Ота-онаси йўқлар, ёруғ дунёда қон йиғлар.

Отам борми бу шаҳрингда, онам борми бу шаҳрингда,
Бошимни гар олиб кетсам, нима қолгай бу шаҳрингда?

Отаси ўлмаган ким бор, онаси ўлмаган ким бор,
Бировнинг юртига бориб мусофир бўлмаган ким бор?

Жаҳонга қайси жон келди, шубҳасиз, ўлмайин қолмас,
Тирикликда одамлар бири-бирининг қадрини билмас.

Кўккина кўйлак кийибсиз, кўз тиканлар илмасин.
Кўз тиканлар илганида, сирингиз фош бўлмасин,
Иккаламиз ўйнашайлик, уйдагилар билмасин,
Уйдагилар билса билсин ваъда ёлғон бўлмасин.

Гулистон кезмаган булбул чаманнинг қадрини билмас,
Муҳаббат лаззатин асло бошидан ўтмаган билмас.

Қош қароси сизда бўлса, кўз қароси бизда бор,
Ишқ дарди сизда бўлса, дил яроси бизда бор.

Отам нодон, онам нодон, мени сенга бериб қўйган,
Жаҳаннам ўтида куйсин орамизда турган одам.

Боғбонинг бераҳм, гунча гулимни уздилар,
Бемаҳал келган ўлим хонумоним буздилар.

Мен ўзим бўз боламан, бўзларда ўсган лоламан,
Лоладек қон боғлаган дил бирла қайда қоламан.

Оқ ипакдан абрашим, қумда қолибди қўрғошим.
Уз тенгимнинг ичида дарё бўлади кўз ёшим.

Шода-шода марварид юзига қўнган гарди бор.
Рўпарамда оҳ уроди, шу йигитнинг дарди бор.

Чаккалар ўтса уйингдан, коса, жом сувга тўлур,
Сарғайиб турмай, юрак дардингни айтсанг на бўлур?

Лайли-лайли деб юриб, Лайлича ёрга учрадим,
Чўнтагида дастрўмол олифта ёрга учрадим.

Қўш қанотлик дарвозанг кунда бориб, чертиб ёнай,
Сен ётиб уйқунгни олгин, мен юриб юлдуз санай.
Санаган юлдузларим бир парча ойга ўхшамас,
Севиб олган ёрингиз босган изимга ўхшамас.

Оқариб ойдинда ётсам ой менинг қўйнимдадир.
Сесканиб кўзимни очсам, гул шохи бўйнимдадир.

Даста гулни даст кўтаринг, тагда тикони, қолмасин,
Қиз болани ёшга беринг, дилда армони қолмасин.

Қизил гул тагида турсам, отингни қамчилаб ўтдинг,
Сўзинг борми, гапинг борми, юракка ўт қалаб ўтдинг?

Шохма-шоҳ излаб топдим илон ўрдосини,
Юртма-юрт излаб топдим йигит мирзосини.

Чиннини нодонга берсанг, нодон ўйнаб синдирур,
Кишининг ёри бевафо, қачон кўнглинг тиндирур.

Кўлда ўрдак, чўлда чуррак майсалар тишлаб келур,
Бевафо ёрни кўринглар, кечалар ўйнаб келур.

Тўқайдаги қамишни қўш най қилиб тортайин,
Жудоликнинг дардини кимга бориб айттайин?

Мусофирман бу юртинга, сўзим ўтмайди ҳеч кимга,
Тилагим кеча-ю кундуз: етарманми муродимга.

Пиёла нақшин қаранг дарахт япроғига ўхшайди,
Ичидаги сариқ доғи юрак доғига ўхшайди.

Бир қафасга солдилар-ку тўти бирла зогни,
Иккаласи бир бўлиб, солди юракка доғни.

Кўчадан ўтиб бораман йўталиб, гул кўтариб,
Йўлга чиқсанг на бўлур тезроқ укангни кўтариб.

Тоқатим етмас қиёга, етдик отганда тошим,
Меҳнатим сингди деганда, бемаҳал синди бошим.

Қизил гул бўлмагай эрдим, очилиб сўлмагай эрдим,
Бу на қайғу, бу на ҳасрат, жаҳонга келмагай эрдим,

Мен бу ерга келмас эрдим, ёр келтирди мени,
Ўтга солса куймас эрдим, ёр куйдирди мени.

Ёна-ёна кул бўлибман, рўймолинга туг мени,
Ҳар замон ёдинга тушсам, очиб-очиб кўр мени.

Меҳрибоним жигарбандим кўзларимнинг нури-қароғи,
Кўзгинамнинг нурлари — қоронғу кулбамнинг чароғи.

Келиб бир дилбари жонон, кўнгуллари олиб кетди,
Кўнгул бўстонини овлаб, юракка ўт солиб кетди.
Туташганда ўчирмасдан, дилу жоним ёниб кетди,
Бориб айтинг ўшал ёрга, жудоликни солиб кетди.

Дам-бадам томга чиқади шохча бўйлик шох йигит,
Бир боқиб, икки қарайди ўқиган мулло йигит.
Ўқиган мулло йигитнинг суврати султонча бор,
Оқ юзига хол тушибди, янги тўлган ойча бор.
Ўқиган мулло йигитнинг ғамгузори мен бўлай,
Икки олам кўзи унда, кўз тумори мен бўлай!

Жон отам, жоним отам, Қашқарга боргим келади,
Оқсаройлар тагида тамаки тортгим келади.
Оқсаройнинг қизлари лочинмикин, лобармикан
Қўлларида тилла узук, оталари заргармикан?

Чойни берсанг, чиннида бер, косадан безорман,
Чинни юзли ёргинамни кўргани мен зорман.

* * *

Биримда кўрдим бир бикач, дор боғладим, келмади ҳеч,
Ишқингдаман эртаю кеч, ёр мунча зор этдинг мени?
Иккимда кўрдим Али, хўп, Пайғамбарим ўғли Яқуб,
Хатга қараб бир-бир ўқиб, ёр, мунча зор этдинг мени?
Учимда кўрдим ҳаддини, ҳам қоши қаро, қаддини,
Мен билмадим ёр фандини, ёр, мунча зор этдинг мени?
Тўртимда кўрдим Тўтигул, қафасда сайрайди булбул,
Очилмаган бир қизил гул, ёр, мунча зор этдинг мени?
Бешимда кўрдим беш ёшида, заррин рўмоли бошида,
Нозу итоби қошида, ёр, мунча зор этдинг мени?
Олтимда кўрдим олмалик ўйнаб келади оқ балиқ,
Кўзи қилиб блиқ-солиқ, ёр, мунча зор этдинг мени?
Етти дедим, қўл етмади, етди аросат битмади,
Қаддинг кўзимдан кетмади, ёр, мунча зор этдинг мени?
Саккизда кўрдим саҳарда, гуллар очилур баҳорда,
Бир бўса бергим шаҳорда, ёр, мунча зор этдинг мени?
Тўққизда кўрдим тўлганиб, ёрим чиқади уйғониб,

Сочи белига чўлганиб, ёр, мунча зор этдинг мени?
Ҳимда кўрдим ўлтириб, боги чаман ичра туриб,
Шакар лабидан сўрдириб, ёр, мунча зор этдинг мени?

* * *

Дарёнинг ул юзида ҳай-ҳайлаган, мирзо йигит,
Қамчисининг учига зар боғлаган, мирзо йигит.
Қамчисини ушласам, ушлама, ёрим, дедилар,
Саккиз ойда келаман, сарғайма, ёрим, дедилар.

Қиё-қиё деганда, қиялаб турган келинчак,
Қўлтигининг тагларидан мўралаб турган келинчак.

Сув бўйига келдингиз, қандай хаёллар этдингиз,
Кўзда ёш, қўлда рўмолча, гаплашолмай кетдингиз.

Қош қоқиб, гажжак тақиб, қашқарча қизга ошна қил,
Ваъдасида турмаса у, улфатингни бошқа қил!

Уш ҳавоси — барҳаво, қор ангилар бўлди ҳаво,
Барча дардга бор даво, жазманнинг дарди бедаво.

Дарёдан оқиб келаман, айланиб ҳам ўргилиб,
Истасанг, солгил қафасга сайрайин булбул бўлиб.

Кетди ёрим найлайин, белларни маҳкам боғлайин.
Ёрга ўрганган кўнгил ёлғиз туролмас, найлайин?

Коса-коса сув ичарман, бу юрагим куйди деб,
Ҳар замон уйдан чиқарман ёри жоним келди деб.

Оқмидим-саригмидим, сувлардаги балиқмидим,
Пешонам шўр бўлмаса гар мен сенга лойиқмидим?

Шул кўринган сормикан, бағрида парлар бормикан,
Барча ҳам дунёда мендек суйганига зормикан?

Ёр мени ёмон, дейди, вой, билмайман ёмонликни,
Шаҳрингга мусофирман, ҳой, истайман омонликни!

Гулга келу гулга кел, гулларни қўй, булбулга кел,
Гул тагида ётган йигит, тура келу тилга кел!

Боғ-бўстонлар оралаб ўт, бўйгинангни бир кўрай.
Даста-даста сен учун оқу қизил гуллар терай.

Юрүвдим жилвалар билан етолмадим семизларга,
Менинг рангим сомон бўлди сенингдек бетамизларга!

Отаси бормикан ёрнинг, онаси бормикан ёрнинг,
Ёрим деб ўртаниб кўйдим, вафоси бормикан ёрнинг?

Тун саҳарлар йиғласам кўп лолалар пайдо бўлур,
Етимлигимни ўйласам, кўз ёшим дарё бўлур.

Қора сочим ўсиб, қошимга тушди,
Не савдолар менинг бошимга тушди,
Бориб айтинг ўшал суйган ёримга,
Жудоликнинг заҳри ошимга тушди.

Томга пиёз эксам, ўсоман дейди,
Ёрга бино қўйсам, кетоман дейди,
Кетма, ёрим, кетма, жоним бероман,
Тилимнинг учида навот бероман.

Сени-унда, мени-бунда яратди,
Орамизда оқар дарё яратди.
Оқар дарё экан оқди-ю кетди,
Бевафо ёр экан, ёқди-ю кетди.

Наманган йўллари тор, деб йиғлайман,
Бўйимга муносиб ёр, деб йиғлайман.
Бўйимга муносиб ёрни бермасанг,
Берган омонатинг ол, деб йиғлайман.

Тоғда арча минг йил умр кўрарми,
Шохи синса, заргар кумуш қиларми,
Заргар қилган кумуш-кумуш бўларми,
Суймаганга тегсанг, турмуш бўларми?

Ака ёшман, ёмон йўлга бошламанг,
Қокилимдан тутиб чоғга ташламанг.
Қокилимдан тутиб, чоғга ташласанг,
Номаҳрамсиз билагимдан ушламанг.

Аравон сойига тушди узугим,
Қачон келар экан кўзи сузугим,
Келса-кела қолсин, кўзи сузугим,
Унинг суюнчиси тила узугим.

Аравон сойига оқди рўмолим,
Қачон келар экан кўзи хуморим,
Агар келиб қолса, кўзи хуморим,
Суюнчига берай ипак рўмолим.

Қошингни қораси ювса кетарми,
Сенингдек тоза гул боғда битарми?
Сенингдек тоза гул боғларда битса,
Излаб борсам, боғбон пулга сотарми?

Юзларига боқсам, кўзим қамашур,
Тўлган ой ҳуснига ҳамма қарашур.
Тўлган ой ҳуснига қараса ҳамма,
Оқ баданга атлас кўйлак ярашур.

Тишинг оппоқлиғидир дури дона,
Кўзинг боқишлари гўё мастона.

Ҳамма фазилатинг гўзал, жонона,
Сендек ҳурни туққан қайси бир она?

Бўз ўғлоннинг бўз оти,
Кўкка қараб кишнайтиди.
Уни кўриб Асалхон
Жиловидан ушлайтиди.
Ушлама, қўй, ойим қиз,
Ҳаром ўлгур тишлайтиди.

Пўлат найза тиғи ерда ётарми,
Мард йигит номардга сирин айтарми?
Сафар қилсанг, мардлар билан сафар қил,
Ўзи ўлмай сени ташлаб кетарми?

Бўза ичдим, чиқди бошга хумори,
Ёр уйида қолди бўйним тумори.
Борай десам ҳеч баҳона топмадим,
Хўп баҳона бўлди бўйним тумори.

Наманган сойига тушди пичоғим,
Қачон келар экан бўз тўпичоғим.
Саломат етишса бўз тўпичоғим,
Суюнчига берай дандон пичоғим.

Наманган борманглар, йўллар хатодир,
Урик-олмасини пулга сотодир.
Урик-олмасининг тагига борсам,
Илондек тўлғаниб, бир қиз ётодир.

Бу кўринган тоғлар — Асқар тоғидир,
Юрагимда қолган ёрнинг доридир.
Юринглар, ўртоқлар, меҳмон келибди,
Қадам босмас қадрдонлар келибди.

Ботир бўламан деб чиқдим далога,
Гала ботирлардан қолдим балога.
Гала ботирларга панд бериб қочдим,
Қўқон дарвозасини найзамда очдим.

Айт, деганда, айта беринг борини,
Қиши топмас кўнгулдаги ёрини.
Топса киши кўнгулдаги ёрини,
Сарф этади бисотида борини.

Айт, деганда, айта бермасми киши,
Яхшининг қурбони бўлмасми киши.
Яхшининг қурбони бўлганда киши,
Емон-номард билан қанчалик иши?

Сенинг азиз бошингдан ўргилайин,
Сенинг қалам қошингдан ўргилайин.
Агар рози бўлиб менга ҳукм этсанг,
Бошим ушлаб қошингдан ўргилайин.

* * *

На савдолар солди фалак бошимга,
Заҳар-оғу қўшди ичган ошимга,
Алам-кулфат лойиқми шу ёшимга,
Ўрдак сузар кўздан оққан ёшимга.
Сен айрилдинг, мен ҳам сендан айрилдим!

Қарчиғойлар парвоз этар қиёда,
Болалари термулишар уёда,
Сени деб саҳролар кездим пиёда,
Менинг бошқа жазманим йўқ дунёда,
Сен айрилдинг, мен ҳам сендан айрилдим.

Баланд тоғлар ости билан кўчдими,
Дўсти-душман сўзига ёр учдими,
Бўйларига лойиқ чопон пичдими,
Оёқ кўйиб юзга, биздан кечдими,
Сен айрилдинг, мен ҳам сендан айрилдим.

Эрисин, тоғларнинг қори эрисин,
Хар киши суйгани билан қарисин,
Хеч кишининг ҳижрон бузмасин тусин,
Орзу армонимнинг айтсам барисин,
Сен айрилдинг, мен ҳам сендан айрилдим.

* * *

Сувлар тошган ўхшар бўстон четига,
Хол тушибди ёргинамнинг бетига,
Холлар тушса ёргинамнинг бетига,
Кирмасинлар дўсту душман гапига.

Жоду кўзинг ғамза ўқин отишди,
Мени қурбон қилиб, қонга ботишди.
Сенинг ишқинг менга қайдан ёпишди?
Танамдан ўт чиқиб, бағрим туташди.

ЗЕБИЖОН

Зебижон, ҳайда, қўйингни боқаман,
Лабларингдан писта-бодом чақаман,
Лабларингдан писта-бодом чақмасам,
Эшигингдан чашма бўлиб оқаман.

Зебижон айланди-кетди сой билан,
Қўлида чинни пиёла чой билан.
Чиннини нодонга берманг синдирур,
Беақл ёр қачон кўнгул тўлдирад?

Зебижон қирга қўяди бўзини,
Савдогарга кўрсатади ўзини.
Савдогар савдога кетди мол учун
Зебижон йиғлаб қолади ёр учун.

Зебижоннинг боғи бор, боғбони йўқ,
Юрак оғриқ дарди бор, дармони йўқ.
Зебижоннинг боғига боғбон бўлай,
Юрак оғриқ дардига дармон бўлай.

Зебижон, қайнар булоққа бошламанг,
Пули кўп, деб савдогарни хушламанг.
Савдогар савдога кетса мол учун,
Ҳасратида кўзларингиз ёшланг.

Баҳор бўлса ҳар гиёҳлар гул бўлар,
Гулга қўнган жонивор булбул бўлар.

Боракалло, Зебижоннинг бастига,
Ҳасратида мард йигитлар қул бўлар.

Бангилар доим чекарлар нашалар,
Чақмайин қонимни сўрди пашшалар.
Пашшанинг оёқлари қилдан экан,
Зебижоннинг ваъдаси ёлгон экан.

АЙРИЛДИМ

Ҳасратингда юрак-бағрим тилдирдим,
Юрту элга ошиқлигим билдирдим.
Нетай охир сени қўлдан илдирдим,
Сен айрилдинг, мен ҳам сендан айрилдим.

Тоза гуллар очилибди боғларда,
Юрак-бағрим адо бўлди доғларда.
Сен бепарво юрарсан қаёғларда,
Сен айрилдинг, мен ҳам сендан айрилдим.

Ота-онанг сенга кишан солдими,
Е бўлмаса кўнглинг мендан қолдими?
Шум ғанимлар орага қотилдими,
Сен айрилдинг, мен ҳам сендан айрилдим.

Ғанимлардан энди асло қўрқмасман,
Сен бўлмасанг, сарсон бўлиб юрмасман.
Сен бўлмасанг бир дам бунда турмасман,
Сен айрилдинг, мен ҳам сендан айрилдим.

МАШРАБХОН¹

Машрабхоннинг ҳикоясин бошлайлик,
Саҳар туриб, кўзларимиз ёшлайлик,
Эски одат, бу гапларни ташлайлик,
Сен айрилдинг, мен ҳам сендан айрилдим.

Тогда ўсар гиёҳларнинг лоласи,
Бузилмасин ҳеч кимсанинг уяси.
Фарзанд экан одамларнинг меваси,
Сен айрилдинг, мен ҳам сендан айрилдим.

Станциядан ташир эдим қора ёғ,
Сени кўрмай юракларим бўлди доғ.
Ишонмасанг келиб рангу рўйга боқ,
Сен айрилдинг, мен ҳам сендан айрилдим.

Бозор бўлди Машрабхоннинг макони,
Маорифнинг ишхонаси дўкони.
Сўзларимнинг асло йўқдир ёлғони,
Сен айрилдинг, мен ҳам сендан айрилдим.

Ҳилпирашиб чиқар эдинг хонангдан,
Ҳамма қарар эди орқа-ёнингдан,
Ўргиларди сенинг туққан онангдан,
Сен айрилдинг, мен ҳам сендан айрилдим.

¹ 1928—1929 йилларда душманлар томонидан ўлдирилган озолик қурбонларидан бири.

Усмаларни қўяр эдинг қошинга,
Ғижим рўмол ўрар эдинг бошинга.
Сен чиқмасанг, кимлар келар қошинга,
Сен айрилдинг, мен ҳам сендан айрилдим.

Бир қайрилиб менинг ҳолим сўрмадинг,
Йиғлаб турганимни нега кўрмадинг.
Дўстларингнинг йўлларига юрмадинг,
Сен айрилдинг, мен ҳам сендан айрилдим.

ТАРИХИЙ ҚУШИҚЛАР

Қуриб кетсин...

Насриддинбекнинг ўрдаси,¹
Бошимга тушди савдоси
Қуйиб кетсин дунёси.
Йўқдир кўрпасининг авраси,
Олапакимнинг тўрвоси,
Қани чопиши, йўрғоси,
Қирғовул товуқ шўрвоси,
Қуриб кетсин дунёсиё.
Хомиш қовоқнинг калласи,
Қози қалоннинг калласи,
Исо авлиёнинг салласи,
Жовдор пахтанинг малласи,
Қуйиб кетсин дунёсиё...

¹ Худоеъроннинг катта ўғли. Андижонда ҳокимлик қилган.

МАРДИКОРЛАР ҚУШИҒИ

(1916)

Саид Аҳмад, томинг баланд,
Томингдан номинг баланд.
Йигитларга қўл қўйган
Падарингга минг даънат.

Ўзини-ўзи чоғлаган,
Белини маҳкам боғлаган,
Вой онажон, деб йиғлаган,
Ночор кетган йигитлар.

Бахмал пўстин оғир деб,
Отга солган Саид Аҳмад.
Йигитларни ёмон деб,
Хатга солган Саид Аҳмад.

Саид Аҳмаднинг дамида.
Ош пишади шамида.
Кўздан ёшлар оқизди,
Ўрдак сузар нарида.

Сув ичига чўп тушди,
Шунқор қуш қўлга тушди,
Онасини йиғлатиб,
Йигитлар йўлга тушди.

Сой ичида сув оқар,
Сув тагида қум оқар.
Урушга кетган йигитнинг,
Онасини ким боқар?

Оқ олма оқиб келди,
Йигитларга есин деб.
Пошшаликдан хат келди,
«Талабгори келсин!» деб.

Сандиқ устида бўғча,
Йигитлар гулу гунча.
Улгур пошшо қўймайди,
Гул бўлиб очилгунча.

Мавлонбекнинг дўшписи,
Девор тагида қолди.
Мавлонбекнинг ўлиги
Ўрда тагида қолди.

Мавлонбекнинг қурғони,
Қурғонида мергани.
Болалари йиғлайди:
«Қани дадам келгани?»

* * *

Поездингни жилдирган,
Ўтхонаси билан дўнғалаги,
Девиниска кетди Андижоннинг —
Мард йигитининг бир бўлаги.
Девинскага кетмас эди,
Мард йигитининг бир бўлаги.
Девинскага кетказиворган
Николай золим замбараги.
Саллот кириб шаҳарга
Ҳаммамизни ҳайдади.
Қизил вагонга қамаб,
Қўлимизни боғлади.
Ўн беш сутка йўл юрдик,
Пенза деган шаҳарга.
Саллотлар олиб тушиб,
Тизди бизни қаторга.
Тўнларимизни ечиб,
Тўрт эллик йигна суқтирди.
Ҳайдаб бориб ҳаммани,
Қарағайзорга тиқтирди.

Өтигимни ечмайман,
Дарёларни кечмайман.
Қорда қарағай кесганман,
Ҳеч ҳақимдан кечмайман.
Золим Николайингни,
Тахтдан йиқитмай қўймайман.

ЯНЧИҚ ҚУШИҒИ

Хў майда-майда ҳўй,
Қўшиқ-ашулани қўй,
Маъраб турар эчки, қўй,
Янчиб туриб кавша, тўй,
Хў майда-майда ҳўй!

Босган изинг толқон бўлсин,
Хирмон қизил донга тўлсин,
Уйлар кўмач, нонга тўлсин,
Теринг қарқи қалқон бўлсин,
Хў майда-майда ҳўй.

Шойи-шолпар қиз учундир,
Экин дала-туз учундир,
Сомон, чори сен учундир,
Қизил дони биз учундир,
Хў майда-майда ҳўй.

Бўлмас ғалланинг ёмони,
Арпа буғдойлар сомони,
Деҳқонларнинг чоч хирмони,
Ҳозир янчиқнинг замони,
Хў майда-майда ҳўй.

Одатимиз тонглар отмай,
Уйқу ғафлатни йўлатмай,
Иш қиламиз бекор ётмай,
Қўш тортганмиз бекор ётмай,
Хў майда-майда ҳўй.

ҚУШ ҚУШИҒИ

Ола хўкиз, тарғил хўкиз,
Шудғор танобин тортиб ўз,
Қўш ҳайдаймиз баҳор ва куз,
Атрофимиз дала ва туз,
Юр, жонивор, хўш, жонивор.

Қўш ётади Хулкар ботса,
Иш бошлаймиз тонглаар отса,
Қадам ташлаб аста-аста,
Олдинга боссин пайваста,
Юр жонивор, хўш жонивор.

ОЛАПАККИМ

Олапакким хоназоддир,
Қора байир — асл отдир,
Қиракашлик унга ётдир,
Қўзлагани қўш работдир,
Чу, ҳо, тулпор олапакким.

Олапакким қўйма туёқ,
Чопар пойга билан улоқ,
Емлар берай товоқ-товоқ,
Юклаганим чинни товоқ,
Чу, ҳо, тулпор олапакким.

Туёқларинг ғурри битган,
Донгинг Доғистондан ўтган,
Шабдангдан етти дарё музлаб кетган,
Йўрганг мени хушнуд ётган,
Чу ҳо, тулпор олапакким.

КУНГИЛЛИ ҚИЗИЛ АСКАРЛАР ҚУШИҒИ

Қўқоннинг кўчаси тол кўча,
Пистирмани қўйинг кечгача.
Замбарак, милтиқ отинг,
Босмачилар ўлгунча.

Қўқонингга ким кирди,
Хамдам ҳожи қўрбоши.
Унг қўлида Жонишбой,
Нор эшонинг юзбоши.

Замбаракни отинглар,
Соясида ётинглар.
Беш отар, қилич тақиб,
Уғри келса отинглар.

Бу тоғларда ким ётган,
Аскар болалар ётган.
Ёнбошига тош ботган,
Босмачига ўқ отган.

Асаканинг йўлида,
Илон кўрдим чўлида.
Минг жон бўлса берармиз,
Большевиклар йўлида.

Йўл беринг, бизлар борайлик,
Арслонбекнинг тоғига.
Дехқонлар қонин тўккан,
Босмачилар қонига.



ТЕРМАЈАР

* * *

Бизнинг ҳовли йўлингиз,
Чимён алак тўнингиз.
Бориш-келиш қилмайсиз,
Кимдан қолди кўнглингиз.

Эшик олди гул ҳовуз,
Гул тергали келганбиз.
Гулни баҳона қилиб,
Ёр кўргали келганбиз.

Қошингни қорасига
Хол бўлай орасига,
Асло раҳминг келмайди,
Бировнинг боласига.

Қалдирғоч қаро бўлур,
Қаноти ола бўлур.
Ёшликда берган кўнгул
Айрилмас бало бўлур.

Қошинг қаро қатлама,
Ёрга кўнгул боғлама.
Ёрга кўнгул боғласанг,
Ташлаб кетса йиғлома.

Қошинг қора бўлгунча
Кўзинг қора бўлса-чи,
Бир ваъдада турмасанг,
Юзинг қора бўлса-чи!

Қошинг асли қорадир,
Ўсма қўйганинг ёлгон.
Сенинг учун мен куйдим,
Сени куйганинг ёлгон.

Бозорга борсам ҳандалак,
Урушга борсам замбарак.
Миркомилдан¹ қарзим йўқ,
Ҳамиша дўппим чамбарак!

Олма деб отган отам,
Беҳи деб сотган отам.
Бойваччага қиз бериб,
Дардини тортган отам.

Отам мени отдилар,
Бой бобога сотдилар.
Бой бобоси қурисин,
Рангимни сарғайтдилар.

Сув келар ҳовур-ҳовур,
Кўчалар бунча говур,
Кўчани говур қилган,
Мироб боши бесабр.

Сув келар ҳаввосидан,
Тегирмон шаввосидан.
Дунёда йиғлаб ўтдим,
Севганим савдосидан.

Том бошида мис қапа,
Ҳам очилур-ёпилур.
Мардикорга кетганлар
Боласи йиғлаб қолур.

Уйлар-уйлар уйларга,
Оқишайлик сойларга.
Оқиб бориб сойларга,
Арз айтайлик бойларга.

¹ Революциягача золим ва хасислиги билан ном чиқарган Анди-жон бийи. 1918 йилда реввоен трибунал ҳукми билан отиб ўлдирилган.

Сочларим толим-толим,
Майдалаб ўролмайман.
Арз қилиб бу ҳолимни
Ҳеч ерга боролмайман.

Сочларим тарам-тарам,
Давлатим ота-онам.
Ёр бўлса кўнгул хуши,
Топилмас ота-онам.

Сайраин десам яйраб,
Атрофим тикон экан.
Уйнаин десам қувнаб,
Қочмасин деган экан.

Эшон бобом келдилар,
Қўлингни бер, дедилар.
У дунёда қўллайман,
Назрингни бер, дедилар.

Боққа кирманг ари бор,
Уйга кирманг пари бор.
Кундошликка қиз берманг,
Чўнтагида дори бор.

Чархим таноб ташлайди,
Бир балони бошлайди.
Кундошлиги қурисин,
Кунда уруш бошлайди.

Отам қумғон бердилар,
Қайнамасин, дедилар.
Кундошликка қиз бериб,
Яйрамасин, дедилар.

Ғўзапоя ўтини
Аччиқ экан тутуни.
Ҳеч кимсага солмасин,
Кундошликнинг ўтини.

Ариқ бўйида бурган,
Бурган шохи эгилган.
Шўринг қурғур камбағал,
Бой қўлида эзилган.

Ирғай-қарағай тоғда,
Сувлар қайнар булоқда.

Биз бунда ўлиб кетсак,
Ёру жўрамиз доғда.

Орадан олти ой ўтди,
Мен ёримни кўролмаيمان.
Уларнинг ҳоли на кечди,
Суриштириб билолмайман.

Бордим дарё кечгали,
Ўлтирдим сув ичгали.
Ёримдан хабар келса,
Қанотим йўқ учгали.

Осмондаги ойларни,
Чойнакка дамланг чойларни.
Бир пиёла чой бериб,
Бозорга ҳайданг бойларни.

Бойлар хашлаб келади,
Оти кишнаб келади.
Шўринг қурғур камбағал,
Бошини қашлаб келади.

Сой ичида мис қозон,
Сўфилар айтар азон.
Айтмай ўлсин сўфилар,
Золимлар бўлсин хазон.

Қози поччам боғида лаганда ҳалво,
Қози поччам ўлди деб Қўқонда ғалва.
Қози ўлса майлига, муфти ўлмасин,
Муфтининг беш боласи етим қолмасин.

Мачит бўлса мадраса,
Ўртасида йўл бўлса.
Бир одил пошшо бўлса,
Ҳар ким суйганин олса.

Тутга чиқиб тут едим,
Бир шоҳига тўймадим.
Умид билан ёр тутиб,
Орзу-ҳавас кўрмадим.

Мен отимни солмайман
Дарё бўйи лим-лимга.
Ажаб ҳайфим келади,
Утиб кетган умримга.

Қошинг ўртаси чўтир,
Келмай кўчада ўтир.
Ўз куйганим-ўзимга,
Сен куйдирмай тек ўтир.

Том устига-том солдим,
Тепаси болохона.
Ёр, сенга нима қилдим,
Етишинг меҳмонхона?

Меҳмонхонада ётиб,
Жабру жафони тортиб.
Эрта билан келасан,
Ёнингга бўйра ботиб.

Эшигингда катта тол,
Катта толда каптар бор.
Каптарингдан бермасанг,
Жўранг ўлиб, якка қол.

Оқ каптарим дон ёйди,
Кўк каптарим нон ёйди.
Бойнинг эрка қизлари
Бетин ювмай нон ёйди.

Сой ичида майда тош,
Менинг ёрим қалам қош.
Ўпай десам бўйи паст,
Олай десам пулим оз.

Теракдаги ҳаккани
Учиргали келганмиз.
Сиздек қўшиқчиларни
Қочиргали келганмиз.

Ховлинг бўлса қум бўлса,
Қисқа терак ўсмасми?

Кўнгулдаги ёр бўлса,
Кўнгул тоғдек ўсмасми?

Омон-омонга қолдик,
Қандай замонга қолдик.
Замонанинг зўридан
Эски чопонга қолдик.

Қошинг ўртаси лайли,
Қизлар ўйнаса майли.
Ўйнаса- ўйнаб олсин,
Ота-онанинг даври.

Қошинг — Қашқар қамиши,
Тишинг — заргар кумуши.
Бизнинг ёрнинг емиши
Катта боғнинг кишмиши.

Камзулим раста-раста,
Чўнтагим тўла писта.
Иккаламиз ўйнайлик,
То ўлгунча ҳавасда.

Эшигингда жой борми,
Тожихўроз ёккани?
Қандай кўнглинг бўлади,
Ўз ёрингни сўккани?!

Эшигингда мошпоя,
Барги бошимга соя.
Мен ўзим яхши бола,
Ёмонга умрим зое.

Ариқ бўйида юлғин,
Ошиқман ўзинг билгин.
Отам сенга бермаса,
Ўзинг билганингни қилгин.

Том бошида тараша,
Бўйинг менга яраша.
Отанг агар бермаса,
Эрта кўрасан тамоша.

Пахта тераман хиллаб,
Жўяк бошида йиғлаб.
Қизни олади танлаб,
Жувон қолади йиғлаб.

Уйнаб-ўйнаб оқар сойлар.
Кишнашади ғунон тойлар.
Самарқанддек шаҳрим қолди,
Сочни улаб белга солган,
Гуласалхон ёрим қолди,
Кўролмадим йиллар-ойлар!

Бедана бўлиб учдим,
Бедапояга тушдим.
Иқболим баланд экан,
Косиб болага тушдим.

Бўз кўйлакка бурмани
Асалхонлар чиқарган.
Эрга тегмай қочишни
Гуласалхон чиқарган.

Ой олдида тарози,
Отам мендан норози,
Қўлимга давлат кирса,
Отамни қилай рози.

Туя чўкиб ётади,
Қўнгироги ботади.
Уйланмаган йигитлар
Қандай уйда ётади.

Гулёр қўшиқ чиқибди,
Ғалатидан-ғалати.
Девор ошиб қарайди,
Йигитларнинг одати.

Тол кесганим йўқ эди,
Толдирди билагимни.
Севган ёрим йўқ эди,
Ёндирди юрагимни.

Қўшиқ айтсам қўшасан,
Қўш девордан ошасан.

Камбағалга бұз күйлак,
Бунча ҳам ярашасан!

Шафтоли шохи ларзон,
Фарғонада қиз арзон.
Баҳосини сўрасанг,
Қалами күйлак, бұз иштон!

Мен борай бир-бир босиб,
Ергинам гулдай косиб.
Ўлтириб найча солай,
Тўқисин тошлар осиб.

Мен борай борганимча,
Енгимни солганимча.
Енгимни солган жойда
Очилсин гули ғунча.

Том бошида турасан,
Мен йиғласам куласан.
Бир балони биласан,
Билмасликка соласан.

Олма барги уч қулоқ,
Соғинсам юртим йироқ.
Орасида тош булоқ.
Тошмаган бизни юрак.

Бойнинг қизи ойимча,
Ёнғоқ ўйнаб ютасиз.
Жазманингиз келганда,
Пашшахона тутасиз.

Шалдир-шулдир таққан қиз,
Мингбошига ёққан қиз.
Мингбошидан пул олиб,
Отасини боққан қиз.

Шода маржон тоқмайман,
Бойваччага ёқмайман.
Бойваччадан пул олиб,
Мен отамни боқмайман.

Рўмолим ҳаводорим,
Савдогар менинг ёрим.
Савдогар келар бўлса,
Титрайди менинг жоним.

Урдак олиб боқмадим,
Гажжагини тоқмадим.
Шунча хизматлар қилиб,
Мен ёримга ёқмадим.

Бу боғлар кимнинг боғи,
Мендек боғбоннинг боғи.
Хону беклардан минг дод,
Ортди юракнинг доғи.

Қизил гул ўймоқ-ўймоқ,
Кам экан ёрга тўймоқ.
Қайси нодоннинг иши
Қиз олиб, жувон қўймоқ.

Бориб айтинг имомга,
Имом иши томомга.
Орамизга тушмасин,
Ут қаласин ҳаммомга.

Бу тоғлар — ғамли тоғлар,
Қаршимда қора зоғлар.
Кўксимга солар доғлар,
Йўлимни маҳкам боғлар.

Осмон-эгиз ер тўла,
Иккаламиз бўз бола.
Бўз болани бўзлатган
Бўйи етган қиз бола.

Ариқ бўйи лой экан,
Босганда билқиллайди.
Ёрим эсга тушганда,
Юрагим жиғиллайди.

Боққа кирманг бодом бор,
Уйга кирманг одам бор.
Одам бўлса майлига,
Оппоқ соқол дадам бор.

Боққа кирмоқчи бўлдим,
Чилги узмоқчи бўлдим.
Чилги чумак урмабди,
Ёрга ёлғончи бўлдим.

Чархим ўлгур юрмайди,
Йигим қургур тўлмайди.
Икки кўзим кўчада
Ёрим қургур келмайди.

Толга чиқдим тор учун,
Чумчуқ бола бор учун.
Толдан ўзим ташладим,
Бир қалам қош ёр учун.

Чархим қургур беш парра,
Ёрим қургур ёш бола.
Имлаганни билмайди,
Чақирганим ошкора.

Чархим Қўқон толидан,
Сочим отнинг ёлидан.
Пешонамга битмади,
Шу замоннинг бойидан.

Ариқ бўйида тугма,
Тугманинг оти нима?
Амалинг эллик боши,
Бизларга қаттиқ тегма!

Ҳо-ҳо яллола, лаганда ҳолва,
Қайси ерга бормайин бошимда ғалва.
Ҳо-ҳо яллола ҳавоси яхши,
Менинг суйган ёримнинг жафоси яхши.
Ҳо-ҳо яллола, ҳо-ҳо бўласиз,
Бизларни зор йиғлатиб қайга борасиз?

Менинг акам турмада,
Ош келтирай хурмада.
Ош ичмаса хурмада,
Олти ой ётсин турмада.

Саман отга урманг нўхта,
Жанг кунлари минманг ахта.

Жанг кунлари минса ахта,
Мард йигитни қилур латга.

Булбул сайрайди боғда,
Менинг ёрим қаёғда.
Мен ёримни тополмай,
Куйиб-ёнаман доғда.

Чорбоғингни сув босса,
Урдак бўлиб сузайин.
Золим ёрнинг дардини —
Дафтар қилиб ёзайин.

Урдаклар кўлда бўлур,
Чурраклар чўлда бўлур.
Хар ким ёрин соғинса,
Кўвлари йўлда бўлур.

Атлас кўйлак киймайман,
Чок-чокидан кетади.
Кундошликка тегмайман,
Кунда ташлаб кетади.

Шафтолининг шохи паст,
Мевасининг кўпидан.
Бизнинг ёрлар ақли паст,
Хушторлари кўпидан.

Кўйлагимнинг ичида,
Ажир-бужир гули бор.
Чол кишига тегмайман,
Кўкрагида жуни бор.

Атлас кўйлак кийгунча,
Маржон олиб тақсанг-чи.
Қари чолга теккунча,
Дарёларга оқсанг-чи.

Осмондаги ой бўлсам,
Камондаги ёй бўлсам.
Узим уй-рўзғор қилиб,
Қишлоғимга жой бўлсам.

Бозордан олдим тўнлик,
Пешонам бунча шўрлик?
Пешонамда ҳеч гап йўқ,
Душманлар қилди зўрлик.

Боғимдаги қизил гул,
Тоқсам адо бўлмайди.
Юракда кўп армоним,
Айтсам адо бўлмайди.

Мен боғингга кирмайман,
Бодомингни термайман,
Энди ақлим кирибди,
Нодон билан юрмайман.

Бой, бойларга боқади,
Сув сойларга оқади.
Шўринг қурғур камбағал
Меҳнатидан ёқади.

Аскар олди, аскар олди,
Юртимизга ғавғо солди.
Кеккайишган бойваччалар,
Бурчакларга пусиб қолди.

Қишлоғимнинг айланаси ойдин кўл,
Йиғлай-йиғлай ёқаларим бўлди ҳўл.
Болаликлар уйин кўрсанг худди гул,
Фарзандсизлар уйин кўрсанг мисли чўл.

Ой баландда, баландда,
Ойга боргим келади.
Ойга чиққан чоғимда,
Сизни кўргим келади.

Ариқча-ю ариқча,
Отингиз ўтмайди, почча.
Андижоннинг қизига
Кучингиз етмайди, почча!

Эй она, дардим ёмон,
Дардимни кимга айтаман.
Ёр дегани ушбу бўлса,
Дунёда ёрсиз ўтаман.

Рўмолимни олибсан,
Олиб дорга солибсан.
Рўмолимни беролмай,
Уволимга қолибсан.

Рўмолим чорси, ёрим,
Дарвозанг қайси, ёрим.
Кун ботмасдан келасан,
Қилигинг яхши, ёрим.

Рўмолим бор алёсин,
Ёр белига боғласин.
Ёр белига етмаса,
Юраги қон боғласин.

Қизил гул бўлай дерман,
Ғунчасига мен ҳайрон
Қиз бола бўлай дерман,
Кечасига мен ҳайрон.

Осмонда учар қушман,
Ёрим деманг, беҳушман.
Асраб олинг, жон ака,
Таги тоза кумушман.

Гулёр-гулёр эмасми,
Таги майдон эмасми?
Қиз олмаган йигитнинг
Кўнгли вайрон эмасми?

Гулёр қўшиқ чиқибди,
Айтай десам бит ёмон.
Чирвон шойи чиқибди,
Олиб бормас ёр ёмон.

Қошинг билан кўзингга,
Ошно бўлдим ўзингга.
Кимлар хуштор бўлмайди,
Сенинг ширин сўзингга!

Ош қилдим зиғир ёққа,
Кетиб қолманг бир ёққа.
Эсон бўлсак етармиз,
Қассобдаги гўшт-ёққа.

Бўз кўйлак қандай яхши,
Шаббодалар беради.
Кийиб олган қиз болалар,
Жавдари пахта теради.

Асаканинг йўлида
Каллак урган толи бор.
Менинг ёрим лабида
Седонадек холи бор.

Усма экилмасмиди,
Таги чопилмасмиди?
Эссизгина, қиз бола,
Тенгинг топилмасмиди?

От боғладим харига,
Харидан ҳам нарига.
Менинг отам сотдилар —
Узидан ҳам қарига.

Симтепада бир қуш бор,
Қанотида кумуш бор.
Уйнаб турган укамнинг
Кулишида бир иш бор.

Ас бўламан шул кеча,
Маст бўламан шул кеча.
Шул кеча роҳат кеча,
Уйнайлик тонг отгунча.

Бақатерак остида чилимкашинг мен бўлай,
Рўпарангда ўлтирган ҳазилкашинг мен бўлай.

Ҳаккалакамда бир гап бор,
Дуккалакамда бир гап бор.
От ўнатиб келади,
Қамчилаганда бир гап бор.

Отим қўйиб юбордим,
Қўшнимнинг бедасига.
Қўшнимнинг ўғли хуштор,
Қошимнинг қорасига.

Кошни-қошга уласам,
Етарми Қашқар йўлига?
Тўрт жўра шоҳи олсам,
Етарми ёрим бўйига.

Ариқларнинг оқар суви лойқар қозон,
Азиз умрим сенинг билан бўлмас хазон.
Сен ёр билан бўлган кеча тонг отмасдан,
Маҳалланинг сўфилари айтаф азон.

Ёраман, ҳай ёраман
Извошга солсанг бораман.
Ўз тенгимнинг ичида
Мен бунча бахти қораман.

Ёраман, ҳай ёраман,
Ергинам бўлсин омон.
Бевафо дунёда, дўстлар,
Ўтгуси яхши-ёмон.

Ёраман, ҳай ёраман,
Мен бунча бахти қораман.
Ёр учун фарёд қилиб,
Зиндонга солсанг бораман.

Гулга боқинг, бор экан —
Гуллар тиконининг ниши.
Ҳар кеча ташлаб кетишдир —
Бевафо ёрнинг иши.

Қип-қизил чўғдек, бўлиб,
Чиқди ёр куйдиргали.
Менда тоқат йўқ, қараб —
Ўзимни ўтга ургали.

Наманган сойига тушди обдастам,
Қачон келар экан бўйи барвастам?
Келса кела қолсин бўйи барвастам
Унинг садағаси чўян обдастам.

Қатор-қатор норим қолди,
Нор устида борим қолди.
Бир ёстиққа бошин қўйган,
Меҳрибоним, ёрим қолди.

Узун-узун оққан сойлар,
Кишнаб турган гунон тойлар,
Пастлаб учган турумтойлар,
Севар ёрга салом денглар!

Ёрингнинг ҳовлисида
Гилоси кўпдир.
Чирвон шойи олиб бермаса,
Йложи йўқдир.
Агар яхши кўрсалар
Олиб берарлар.
Тагидаги бўз отин
Сотиб берарлар.

Олмача дўм-дўм,
Дўм айлагин, ёр,
Эрта қува бозори,
Раҳм айлагин, ёр.

Ёримнинг ҳовлисида
Арпабадиён,
Ёримнинг ўзи яхши.
Онаси ёмон.
Онасининг гаплари
Кўнгулга армон,
Боласининг гаплари
Юракка дармон.

Отга солсанг беда сол,
Касир-кусир чайнасин.
Қизни берсанг ёшга бер,
Қувалашиб ўйнасин.

Кўзим тушди теракка,
Терак учида ҳакка.
Кела қолинг, жон ака,
Ёрингиз ўзи якка.

Ариқ бўйда ёлпиз,
Ёлпизнинг шохи ёлғиз.
Кела қолинг, жон ука,
Акангиз ўзи ёлғиз.

Томга чиқдим толпиниб,
Бахмал камзул ёпиниб.
Бахмал камзул олчини,
Биз қизларнинг лочини.

Уйга гилам солинди,
Супуриб чиқинг, ўртоқжон.
Золим ёрингиз келди,
Югуриб чиқинг, ўртоқжон.

Товар олиб тўн қилай,
Бир енгини тор қилай.
Номеҳрибон ёримни,
Бир кўришга зор қилай.

Асаканинг сойини,
Саман отлар кечади.
Дарё келса мард йигит,
Қачон этик ечади?

Чиннининг хил-хили бўлса,
Йигитнинг булбули бўлса.
Ёнида пистаси бўлса,
Чақарга устаси бўлса.

Бошимдаги дўппининг
Гулларин санасанг-чи!
Сен мени олар бўлсанг,
Дадамдан сўрасанг-чи!

Шафтоли шохидаман,
Ўйиннинг чоғидаман.

Атлас олиб бермасанг,
Дадамнинг боғидаман!

Осмондаги тўрғайни
Тўрғай десам, бедана.
Лафингдаги холингни
Кунжут десам седана.

Рўмолим учди-кетди,
Дарёнинг шамолига.
Бизни ёр ташлаб кетди,
Зор қилиб хуморига.

Дўппи тикдим тўрт гуллик,
Кийиб чиқсин тўрт бўйлик.
Ярашсалар — минг пуллик,
Ярашмаса — бир пуллик.

Рўмолимни сотарман,
Харидори бормикан?
Мен ёримдан чиқаман,
Талабгорим бормикан?

Рўмолимни сотасан,
Тилласига ботасан.
У пулларга ёр олиб,
Қайга олиб кетасан?

Рўмолимнинг учини
Тугмаганга тугдирай.
Қошимга ўсма қўйиб,
Куймагани куйдирай.

Дутор чалиб ўлтирсам,
Тори узилиб кетди.
Ёрим ёдимга тушгач,
Кўнглим бузилиб кетди.

Қўшиқ айтсанг, шўх-шўх айт,
Йигитлар доғда қолсин.
Кетмонига суяниб,
Сўлкавой санаб қолсин.

Оқ пахтадай қўлимга
Хина қўяйми, ёрим?
Ота-онамдан кечиб,
Бино қўяйми, ёрим?

Сочим учи қўнғироқ,
Ёр, менга қилманг фироқ.
Ёр, менга қилсанг фироқ,
Тун қоронғи, йўл йироқ.

Ариқ бўйи музлама,
Қўй гўштини тузлама.
Ўзингни еринг туриб,
Бировникин кўзлама!

Қошинг қораймай қолсин,
Қайдан олдинг ўсмани.
Ўзингнинг ёринг туриб,
Кимга бердинг ваъдани.

Сочим тугаман бошга,
Ёзилиб тушади қошга.
Ҳар кимнинг ёри бошқа,
Ўхшайди қалам қошга.

Олма гули гул эмас,
Тақсанг чаккангда турмас.
Кишининг ёри ёр эмас,
Бирпас ёнингда турмас.

Оқ отингни мақтайсан,
Кўк отимга ўхшамас.
Ҳар кимнинг ёри бошқа.
Ўз ёрингга ўхшамас.

Ёрим кетди шаҳарга,
Келаман деб баҳорга.
Келса-келсин баҳорга,
Юрак тўлди заҳарга.

Сув бўйида ўлтириб,
Сувни лойлатманг, ёрим.

Чор тарафдан ёр тутиб,
Бизни йиғлатманг, ёрим.

Қошларим қовушмаган,
Кипригим ёпишмаган.
На қилай, ота-онам
Тенгимни топишмаган.

Рўмолимни ювдирдим,
Қора толга ёйдирдим.
Қора толи қурисин,
Қароқчига олдирдим.

Чумчуқ отдим газ билан,
Қабоб қилдим туз билан.
Уйнамадим-кулмадим,
Бўйи етган қиз билан.

* * *

Сархона қизариб:
Аслим-лой бўламан, дейди.
Қамиш кўкариб:
Чилимга най бўламан, дейди.

Чилим айтади:
— Лахча чўғ бошимдадир, ёрей,
Қайғу-алам қошимдадир!

Тоққа чиқсам тараша,
Соч бўйимга ярашар.
Менга келган совчилар
Девор ошиб қарашар.

Эшик олди аймақи,
Менинг дўппим қайтоқи.
Сени менга бермади,
Онанг қурғур шаллоқи.

Шоҳи кўйлак кийган, қиз,
Рўпарамда турган, қиз,
Қайси бойнинг қизисан
Кўчамизда юрган, қиз!

Ака, отинг уч яшар,
Ўрама белбоғ ярашар.
Сендек барно йигитга
Биздек қайлиғ ярашар.

Қошинг қора деманглар,
Ўсма қўйиб келганман.
Ёринг ёмон деманглар,
Ўзим суйиб текканман.

Томда ётсанг, якка ёт,
Бир кесакни менга от.
У кесагинг тегмаса,
Тез тушиб ёнимда ёт.

Қош устида дуррача
Учиргани нимаси,
Ўнг бетида холи бор,
Гажаклари нимаси.

Ёрим келади яшнаб,
Зор қокилини ташлаб.
Хипча белини ушлаб,
Шакар лабини тишлаб.

* * *

Осмондаги юлдузлар
Ой бўламан дейди,
Шу вақтнинг кампирлари
Қиз бўламан дейди.
Ариқдаги қурбақа
Мен оламан дейди,
Карнайлатиб-сурнайлатиб
Тўй қиламан дейди.

Чумчуқлар чириллайди,
Шом бўлганга ўхшайди.
Юраклар дукиллайди,
Ёр келганга ўхшайди.

Эшигингда нақш олма,
Бўйи етган олади.

Катта бойнинг қизини
Кучи етган олади.

Кўчадаги олмани
Ҳамма қоқиб кетади.
Камбағалнинг қизини
Зўрлаб олиб кетади.

Тоғдан оқади сойлар,
Сойлар бўйида бойлар.
Тикилиши бошқача,
Сулув қизларни пойлар.

Шафтолининг шохини
Эгиб олгим келади.
Ака, ака деб юриб,
Тегиб олгим келади.

Уртоғимнинг камзули
Тосмикан, товармикан?
Золим бойга теккани
Ростмикан, ёлғонмикан?

Айвончада ўлтирсам,
Тупроқ бошимга тушди.
Ўн уч яшар вақтимда
Кундош бошимга тушди.

Уртоғимнинг кавуши
Остонада туриши,
Бой поччамиз келганда,
Титраб-қақшаб туриши.

Тўрт деворнинг қўйнида
Сарғайиб сомон бўлдим.
Суйганимга теголмай
Еш туриб хазон бўлдим.

Ариқ бўйида чойнак,
Чойнак ёнида ойнак.
Менга бунча қарайсан,
Олиб беришинг бир кўйлақ!

Ёрим кетди Наманган,
Юринг, ёрим, демаган.
Белидаги чорсидан
Нусха олинг, демаган.

Томга чиқиб тош отдим,
Маржонимни йўқотдим.
Маржонимни тополмай,
Бойваччани уйғотдим.

Эшигингда гул кўрдим,
Шохида булбул кўрдим.
Орзумга етмоғимни
Ғоятда мушкул кўрдим.

Сув устидаги кўпик,
Увадага ўхшайди.
Қиз оламан деган чол
Девонага ўхшайди.

Тегиб тош, ёрилди бош,
Икки бекачдир кундош.
Кундош бўлса майлийди,
Иккаласи қариндош.

Қошим қораси ўсма,
Бевафо йўлни тўсма.
Бевафо йўлни тўссанг,
Қошдан кетади ўсма.

Булбул бўлиб сайрайман,
Боғингда—терагингда.
Ёринг бўлиб ўйнайман,
Кўксингда—юрагингда.

Юринг, ўртоқ, гиз-гизга,
Отим тойилди музга.
Тийғангани муз яхши,
Ўйнагани қиз яхши.

Ёрим, сени айтаман,
Тамакилар тортаман.

Ҳамма ёр сендек бўлса,
Энди ёрсиз ўтаман.

Ёрим Холу, ёрим Хол,
Ёримдан ўзим беҳол.
Ёрим келган кечаси
Айтолмадим арзу-ҳол.

Шоти қўйдим шохтутга,
Мусофирман бу юртга.
Мусофирлик қурисин,
Суяк ёпишди этга.

Ошиқ бўлдим сенга зор,
Сенинг ошиқларинг бор.
Ошиқлигим билмасанг,
Охир бўлгин менга зор.

Дўппи тикдим чиройлик,
Ёрим бошига лойиқ.
Битганида кийиб чиқ,
Ҳайрон қолсин халойиқ.

Ҳавода юлдузгина,
Санасам, саккизгина.
Ўзинга ўзинг қилдинг,
Юрасан ёлғизгина.

Атлас қўйлагинг бўлса,
Кийганда кўнглинг тўлса.
Яхши кўрган йигитинг
Ёнингда қўшнинг бўлса.

Қошим учи пайваста,
Ёр баландда, биз пастда.
Иккаламиз ўйнайлик,
То ўлгунча ҳавасда.

Билагимнинг оқлиги,
Билакузугим йўқлиги.
Юрагимнинг шўхлиги,
Ёргинамнинг йўқлиги.

Рўмолим бор симдака,
Симдака деманг, ака.
Йккаламиз ўйнайлик,
Биров билмасин, якка.

Атлас кўйлак сузилсин,
Дўконлари бузилсин.
Сиздан бўлакни десам
Тандан жоним узилсин.

Қизил гулни демасман,
Ғунчасини узгим йўқ,
Сен ёримни демасман,
Ўз юртимда юргим йўқ.

Боғ айланиб чий тутдим,
Келасиз деб кўз тутдим.
Келмасингизни билиб,
Лахта-лахта қон ютдим.

Олма гули напармон,
Ёрни излаб топарман.
Ёрни излаб топганда,
Ўнг бетидан ўпарман.

Учирманг қалам қошни,
Бизга ирғитманг тошни.
Ўлдирсангиз ичмасман,
Ёрим ичмаган ошни.

Кўчадан ўтди ёғчи,
Ёғчи десам—бўёқчи.
Бизнинг ёрнинг сўрасанг,
Қўлидан тушмайди қамчи.

Олма гули ирғайди,
Шойи белбоғ чулғайди.
Дардинг бўлса айт, қизим,
Нега рангинг сарғайди?!

Қўқон йўли қумлама,
Қовунлари тўрлама.

Бойнинг қизини олма,
Орқа сочи улама.

Эшигининг олди тор,
Орқаси шафтолизор.
Суйганинга етишсанг,
Олмадек қўйнингга сол.

Камзул тикдим тиринка,
Ошиқ бўлай суринка.
Ёқалари қайрилма,
То ўлгунча айрилма.

Боққа кирсам боғ чинор,
Ер отини қамчилар.
Мен ёримни эсласам,
Кўзимдан ёш томчилар.

Терак учида ҳакка,
Ҳакка пардоз қилади.
Жиндаккина жонимни
Ҳамма ҳавас қилади.

Томга чиқиб шол бўлдим,
Ипакдай беҳол бўлдим.
Тенги тушим ичида,
Уятимдан лол бўлдим.

Юрагимга қўлингни сол,
Юрагим бор, жигарим йўқ.
Яна юз йил умр кўрсам,
Уларим бор, унарим йўқ.

Эгиз айвон устидан
Эгилиб олади олмани,
Зар билан тилло бериб,
Сотиб ололмас бандани.

Кичкина бўстон ичида
Узи битгали гиё,
Бўйнингга маржон бўлай
Ҳам кўзларингга тўтиё,
Тўтиё сайрайди-ё,

Жоним ором олмайди-ё,
Бул менинг жоним дадам,
Уйнагани қўймайди-ё.

Қўлимдаги узукни
Мен сенга берай дейман.
Эшитиб овозингни,
Узингни кўрай дейман.

Отам борми бу чангалда,
Онам борми бу чангалда.
Қуриб-қақшаб ўтин бўлдим,
Ўтинчилар сотсин мени,
Харидорим етиб келса,
Етим, бечора, деб сотсин.
Мен етим бўлдим десам,
Барча етим бўлган экан.
Барчани етим қилиб,
Ер бағрига олган экан.
Ер бағрига олган чоғда,
Болам етим қолган экан.

Шом бўлса, шох теракда ётаман,
Арзу ҳолим энди кимга айтаман.
Арзу ҳолимни назарга илмаса,
Чор тарафдан интизорлик тортаман.

Сувга бориб, сувда кўрдим сувчини,
Тишлаб олай лабларингни учини.
Лабларингни учида меҳри гиёҳ,
Тожиқчалаб чақирай: «Инжа биё!»

Ерим тўни қирмизи,
Минган оти қирғизи.
Юрагимни куйдирди,
Телпагингни қундузи.

Ерим тўни беқасам,
Ёқасига гул солсам,
Ёқасига гул солиб,
Тиззасида ўйнасам.

Қизил гулдан хирмоним,
Кўпдир менинг армоним.

Армонимни эсласам,
Қурур менинг дармоним.

Сув келар у бошидан,
Баланд тоғлар қошидан.
Пешонамга битмади,
Йигитларнинг ёшидан.

Дарё бўйлаб яна-яна,
Юриб топмадим бошпана.
Охир келган жойим бўлди,
Дўстларим, кўрдингиз мана.

Қизил гулинг бўлайми,
Ховучингга тўлайми?
Ховучингга тўлмасам,
Гунаҳкоринг бўлайми?

Қизил гулинг гулмиди,
Очилиб тургани билан.
Кишини ёри ёр бўлмас,
Сузилиб тургани билан.

Фабриканинг йўлидан,
Рўмолча топиб олдим.
Топиб олди деманглар,
Меҳнатга сотиб олдим.

Толда чумчуқ сайрайди,
Тол баргини чайнайди.
Бизни кўрган йигитлар
Ичи ошдай қайнайди.

Андижон соясига,
Ҳандалак поясига,
Қизни эрга берарлар
Етказмай воясига.

Кипригимнинг учига,
Қор учқуни тушибди.
Ёрим жуда бевафо,
Узгани ёр тутибди.

Қора дейсан-қора дейсан,
Кошки мен қора бўлсам.
Паст девордан қарайсан,
Кошки мен парво қилсам.

Дарёларнинг ул юзида бир туп палак,
Ул палакнинг тагларида қўш ҳандалак.
Қўш ҳандалак бир-биридан хили ширин,
Йўлга кирган ёш боланинг тили ширин.

От миндим ола қашқа,
Ухшайсан қалам қошга.
Мен сени севдим десам,
Сенинг севганинг бошқа.

Оқ балдоғим кир бўлди,
Оқлатиб келинг, ёрим.
Юрак-бағрим қон бўлди,
Ўйнатиб келинг, ёрим!

Қизил гулинг қатма-қат,
Қиз боққанларга раҳмат.
Қиз олиб ўйнатмаган
Ўйгит отинга лаънат!

Анҳорнинг шаршараси,
Ўйгитнинг нишонаси.
Суйганини олмаса,
Ҳамманинг шармандаси.

Эшигингда тош олма,
Тош олмага тош отма.
Уйингда ёринг туриб,
Бегонага гап қотма!

Бизнинг ҳовли тозадир,
Тол баргини ёзади.
Бизнинг ёрни ким кўрса,
Кундан-кунга озади.

Чинорнинг шоҳини эгиб бўлмайди,
Хотини борларга тегиб бўлмайди.

Хотини борларга тегиб қўйсангиз,
Ғамдан чиқмайсиз, вафо қилмайди.

Кўзгинамнинг равшани,
Айта берай ўшани,
Айта берсам ўшани,
Билмайди андишани.

Қизил гуллар аро сан,
Ака, қайга борасан?
Қоши-кўзингни сузиб,
Кимнинг ёри бўласан?

Осмоннинг юлдузиман,
Телпакнинг қундузиман.
Менинг қийнаманг, ёрим,
Бировнинг ёлғизиман!

Баланд тоғлар устида эримайди қор,
Атрофидан айлансам, қарамайди ёр.
Қараса-қарамаса, не парвойим бор,
Менга ҳам топилади ўзим тенги ёр.

* * *

Боғ оралаб бораман,
Боғлар оролаб бораман.
Мен ёримнинг қошига,
Гуллар саролаб бораман.

Чирманданинг қосқони,
Ипи борми осгани.
Ешлигингда ўйнаб ол,
Ёринг борми тўсгани?

Яллама ёрим, яллола
Яллолашайлик,
Тўртта-бешта бўлиб олиб,
Ҳасратлашайлик.

Олмача дўм-дўм,
Дўмлари қурсин,

Гуноҳ қилмай қамчилаган
Қўллари синсин.

Рўмолимни бер баққа, чаман
норингданай,
Ҳазилингни қўй аққа, бўйларингданай.
Сени олмай ўлай ман, чаман
норингданай,
Сенга тегмай мен ўлай, чаман
норингданай,
Ишлар қолдик чатоққа, бўйларингданай.

Синчалоғим синибди,
Боғлаб олай сим билан.
Бизнинг ёрлар Симдадир,
Юради кимлар билан.

Синглим унлар элайди,
Гажжаги қимирлайди.
Золим эри келганда,
Дарчани занжирлайди.

Ҳовлимизда шўралар,
Оёқларга ўралар,
Синглим бечора деди:
— Яхши қолинг, жўралар.

Сингилгинам рўмоли
Олма учида қолди,
Мақсадига етолмай,
Ғафлат ичида қолди.

Ариқчадан ҳакласам.
Атласим оқди.
Атлас кўйлак кийган қиз—
Кўнглимга ёқди.

Қизил гул гунча-гунча,
Тўзир узиб олгунча.
Қиз болани қўймайди,
Гул бўлиб очилгунча.

Шаҳрихоннинг сойини
Сойим демайман,
Сендек бевафоларни,
Ёрим демайман.

Даладан чарчаб келса,
Хорма демайман.
Қўлидаги кетмонин
Олиб қўймайман.

* * *

Рўмолим бор, рўмолим бор,
Рўмолимда туморим бор.
Бир кўришга хуморим бор,
Дода, қўлдан кетди рўмол.

Рўмолимни илди қапа,
Ёр эшитса бўлар хафа.
Ёрга бориб айтманг, опа,
Дода, қўлдан кетди рўмол.

Рўмолимдир фаранг шойи,
Уртасида бордир оий,
Кўрганлар бўлар шайдойи,
Дода, қўлдан кетди рўмол.

* * *

Чирмандангиз чин ошиқ,
Чинордан бўлар қошиқ.
Бунча ҳам ширин бўлар,
Ешликдаги чин ошиқ.

Алвон дўппим бор эди,
Бошгинамга тор эди.
Ўзим тенглик йигитлар
Кўланкамга зор эди.

Эшигингдан ўтаман,
Йўталиб гул кўтариб.
Ошиқ бўлсанг чиқа қол,
Чойнакда чой кўтариб.

Ариқ бўйида қўзи,
Қўзининг қора кўзи.
Йигитларни маст қилган,
Қизларнинг ширин сўзи.

Ариқ бўйида чигит,
Чигитни сувга уйит.
Қиз бола қасал бўлса,
Унинг давоси йигит.

Ариқ тўла сув оқар,
Сув тагида қум оқар.
Мен кетарман узоққа,
Ғариб онам ким боқар?

Наманганга борар бўлсанг,
Киралар қилайин,
Рўмолчангга аңжир солиб,
Ширалар қилайин.
Ҳар кимнинг ёри бошқа,
Нималар қилайин,
Ўз қўлимга тушганингда
Муллалар қилайин.

Эшик очиб гул кўрдим,
Шохида булбул кўрдим.
Сира кўрмаган ёрни
Ухлаб тушимда кўрдим.

Менинг ёрим Қўқонда,
Панжарали дўконда.
Ҳали келса кўрасиз,
Қоши-кўзи муқомда.

Бизнинг кўча тор кўча,
Тевараги олуца.
Тўхтаб туринг йигитча,
Териб берайин пича.

Чилдирмангиз кимники
Райхон ҳиди келади.
Ҳандалакдек бўйингиз
Кимга насиб қилади.

Гулни узсанг, тоза уз,
Тагида тикон қолмасин.
Ёрни севсанг тоза сев,
Дилда армон қолмасин.

Рўмолим бор тўқ сариқ,
Тўй бўлганда ўрайман.
Бир ёрим бор чиройлик,
Соғинганда сўрайман.

Уроғим олмас.
Уришдан қолмас.
Сира ҳам толмас,
Урмасам бўлмас.

Оқ ипакнинг оқиман.
Олтин пичоқ сопиман.
Ювса кетмас чиройим,
Шул йигитнинг ёриман.

Ёмонми хулқи ёрим,
Телпаги тулки ёрим.
Суйганини ололмай,
Ҳаммага кулки ёрим.

Булбулдек бийрон,
Анордек нордон,
Кўкдек бепоён
Хаёдим билан
Сизни эслайман.

Охур тўла оқ сомон,
Тўкилибди кўп ёмон.
Иккаламиз юртимиз
Узоқлиги кўп ёмон.

Эрта билан кун чиқар,
Ҳар томонга ёйилиб.
Ёргинамдан айрилдим,
Қанотларим қайрилиб.

Дарёга кўприк солиб,
Мен ўзим ўтолмадим.

Сизга чин ошиқ бўлиб,
Мақсадга етолмадим.

Бўйнига маржон тақиб
Ўз юртида юрса киши,
Дунёни тўрт айланиб
Ўз тенгини топса киши.

Гул соясига солсам пояндоз,
Чалса дуторин бўлиб жўр овоз.
Сайра, дуторим, келсайди ёрим,
Деб интизорим, ул шўхи шаввоз.

Ой чиқса ойдин бўлур,
Кун чиқса кундуз бўлур.
Ёргинамнинг қошлари
Телпакка қундуз бўлур.

Ариқ бўйида ётсам,
Ўзинг келиб уйғотдинг.
Оқ қоғозда қанд бериб,
Мени ёмон ўргатдинг.

Бозорга боринг, ёрим,
Хон атлас олинг, ёрим!
Хон атлас орасига
Ой балдоқ солинг, ёрим.

Гул очилса на бўлур,
Барг сочилса, на бўлур.
Биздан ўтса бир гуноҳ,
Ёр кечирса, на бўлур?

Олмадан отлар қиламан,
Гул баргидан хат қиламан.
Кечалари уйқи бузиб
Суйган ёрни ёд қиламан.

Қора отлик, қора тўнлик,
Мени кўргани келдингми?
Очилган лолазоримни —
Хазон қилгани келдингми?

Қизил гул гунча-гунча,
Юракда дардим анча
Мен айтай, сен қулоқ сол,
То уйқуга боргунча!

Дарёдан оқиб келади илвасин,
Дардим айтай, ўқиб-ўқиб йиғласин.
Ўқиб-ўқиб йиғламаса майлига,
Йўлни олсин, белни маҳкам боғласин.

Узугим бөр тўққиз кўз,
Душманлар қилар гап-сўз.
Душманлар қилса гап-сўз,
Айрилмайлик, қора кўз!

Қизил гулман, сўларманми,
Хитой қилган, чинниманми?
Ерга тушсам, синарманми,
Ёрсизликда ўларманми?

Эшигингда гул-лола,
Очилгани-очилган.
Қўшни уйда бўз бола,
Имлагани-имлаган.

Анори дона-дона,
Ишқингда мен девона.
Девонанинг жойлари
Ёр ясаган гулхона.

Боққа кирсам — боқасан,
Имлаб қошингни қоқасан.
Қоқма десам, қоқасан
Бағримга ўтлар ёқасан.

Сояси йўқ эшикларда
Бошимдан офтоб ўтди,
Меҳрибоним, отажоним,
Қадрингиз ёмон ўтди.

Субҳидам салқин экан,
Бирпас дамимни олайин.
Етимлик кўп ёмон экан,
Энди қаерда қолайин?

Ойлар оралаб ўтар экан,
Кунлар мўралаб ботар экан.

Куни-куни келганда,
Ота қадри ўтар экан.

Истаб тополмадим
Сувда сузук тош,
Бу дунёда бормикан
Бизнинг қалам қош.
Бизнинг қалам қишни
Борни ота-онаси,
Бошида бордир
Мунглиғ онаси.

Далама-дала юриб,
Топмадим бир боғ ўтин,
Хотирингни жам қилгил,
Сенга бўлмаман хотин!

Оқ тайлоққа юк ордим,
Айлини бўш тортдим.
Қочиб кетди қиёга,
Етолмадим пиёда.

Яссидарё¹ оқади қошдай бўлиб,
Сув қуриса, тош қолади мошдай бўлиб.
Қуёв ёмон бўлса ҳам келин яхши,
Билинмайди серқатиқ ошдай бўлиб.

Рўмолимни тенг бўламан,
Аммамга келин бўламан.
Аммам келин қилмаса,
Қизил гул каби сўламан.

Боғда бодам бўлади,
Урис тоғам бўлади.
Урис тоғам хотини
Менинг янгам бўлади.

Янгамсану янгамсан,
Кўйлақ пича олмайсан.
Кўйлагингни қўлтиқлаб,
Элдан номус қилмайсан.

¹ Сирдарё ирмоқларидан.

Рўмолим учи тугун,
Тугунни ечай бугун.
Узоқдаги акамни
Соғинимбан шу бугун.

Сочим учи соч попук,
Сочилгунча юраман.
Ун гулимдан бир гулим
Очилгунча юраман.

Рўмолиму рўмолим,
Тўйларда ўрамадим,
Ҳавас билан тўй қилиб,
Бир кеча ўйнамадим.

Болахонада турсам,
Менга қараб куласиз.
Ошиқлигим биласиз,
Қандай тоқат қиласиз?

Майиз келса, тўридаман,
Палов келса, сўридаман.
Келмай ўлсин миршаблар,
Ундан қочиб мўридаман.

Товар кўйлак киймайман,
Этагини лой қилиб.
Қиморбозга тегмайман,
Юрагимни қон қилиб.

Уртоқжонимнинг ўзи,
Уйнайди қоши-кўзи.
Шунисига ҳайронман,
Ерга ўтмайди сўзи.

Офтобада қўл ювиб,
Кетиб қолди хаёлим.
У ён-бу ён қарасам,
Йўқолди дастрўмолим.
Ким олди дастрўмолим,
Бўлди паришон ҳолим.
Қўл артмасам бўлмайди,
Ким олса тутсин уволим.

Сув келади ғози билан,
Тилда қувноқ сози билан.
Уғлим овга кетади,
Асил овчи този билан.

Икки тол оралиғи —
Кўкала майдон,
Менинг акам келади,
Қўлида гаврон.
Урсалар, ураберсин,
Туриб бераман.
Мендай сингил топганини —
Энди кўраман.

Қошингизнинг қораси,
Қозон куяси,
Қайдан ҳам ошиқ бўлдим,
Лабзингиз ширинлиғи —
Шакар донаси.

Тўп қайрағоч тагида
Тўп уйнаган етимлар,
Ота-онам келар деб,
Йўл пойлаган етимлар.

Шафтолининг шохини,
Эгиб олган қайнанам,
Қўни-қўшнига чиқиб,
Ёмонлаган қайнанам.

Оқ уйингни олди тор,
Орқаси шафтолизор.
Шафтолизор ичида,
Мен ёримга интизор.

Ҳовлингизда оқ ўрик,
Эрта баҳор пишибди.
Шунча қизлар ичидан,
Сизга кўнглим тушибди.

Осмондаги ойлар бўлинг,
Соғинганда кўрайин.

Анҳордаги сувлар бўлинг,
Чанқаганда ичайин.

Қўй келади қўзи билан, ларзон гул,
Бир-бирининг изи билан, ларзон гул.
Бир-бирининг изини кўр, ларзон гул,
Хамсояннинг қивини кўр, ларзон гул,
Гул хирмани ўзини кўр, ларзон гул,
Хумор-хумор кўвини кўр, ларзон гул.

От боғлади ёнғоққа,
Қўлим тегди қаймоққа.
Хушёр бўлинг, ҳой қивча,
Олиб қочаман гул боққа.

Олмани отдим отганга
Сим калавотда ётганга.
Аччиғингиз келмасин,
Бир қучоқлаб ўпганга.

Сой бўйида калавот
Мен ётмайман, ўзинг ёт.
Янги атлас чиқибди,
Олиб кўнглим айла шод.

Асли менга отасиз,
Нега мени отасиз.
Агар мени отсангиз,
Мен қоламан отасиз,

Бу биланд тоғ устига,
Чиқса тушолмайди киши,
Ёрига жазман бўлса,
Кўнгул уволмайди киши.

Гул сариқ, рангим сариқ
Саргайганимни ким билур.
Ҳасрату армон билан
Жон берганимни ким билур?

Ариқ бўйида турсам,
Сувга кавушим оқди.

Мени ташлаган онам,
Бегоналарга боқди.

Ҳай бола, бола формалик,
Қошлари, кўзлари сурмалик.
Деразадан қараган,
Сочини майда тараган.

Ёринг бўлса — шўх бўлса,
Юрса кўчалар тўлса.
Дўстлар кўриб суюнса,
Душманинг куйиб ўлса.

Том бошида беда бор,
Майдасини элаб ол.
Эркалатмай гўрга бор,
Сақолингда бурга бор!

Қошинг-қошингга тўғри,
Сен катта бойнинг ўғли.
Сен бойваччага тушган,
Менинг пешонам шўри.

Шоҳи белбоғ тўлганган,
Нимага кўнглинг булганган?
Дардинг бўлса, айт, ёрим,
Нимага рангинг сарғайган.

Тутга чиқсам, тўкилди,
Шоҳи кўйлак сўкилди.
Белбоғимдан ушламанг,
Навотим бор тўкилди.

Эй худоё, нега яратдинг мени,
Тош қилиб, пичоққа қайратдинг мени!
Тош қилиб пичоққа қайратсанг мени,
Булбул қилиб, боғда сайратдинг мени.

Тошга тошлагим,
Эссиз ёшлигим.
Ёшлик даврида,
Қуён бошлигим.

Югуриб чиқдим тоққа,
Думаладим янтоққа.
Янтоқни пичоқладим,
Ёримни қучоқладим.

Қизил гул ичида қийилдим сизга,
Гул ғунчаси каби эгилдим сизга.
Ҳоҳи билинг, билманг, ошиқман сизга,
Ошиқликда ўлсам, уволим сизга.

Осмондаги бўз тўрғай,
Бўзламасанг на бўлғай?
Ғариб бўлган кўнглимни
Қийнамасанг, на бўлғай.

Гўвал ёрим билмадим,
Хабар берсанг, на бўлғай?
Сўзлар сўзим йўқ бўлди,
Сўзлаб берсанг, на бўлғай?

Деразадан кун тушади юзимга,
Сиздан бўлак ёр кўринмас кўзимга.
Сиздан бўлак ёр кўринса кўзимга,
Мен ўлтириб, ўлим тилай ўзимга.

Қизил гул ғунчаси бўлсам,
Дадамнинг кенжаси бўлсам,
Дадам кенжа қилмасалар,
Онамнинг эркаси бўлсам.

Мен юрдим карвон бўлиб,
Карвонга сарбон бўлиб,
Ўз ёримни, йўқотиб,
Излайман ҳайрон бўлиб,

Оқ пахтадек тоғда қор,
Атлас қўйлак енги тор.
Атлас қўйлак ичида
Менинг суйган ёрим бор.

Ошқовоқнинг палласи,
Ўртоғимнинг ялласи.

Яллачи айтиб турса,
Қўшилганинг нимаси?

Ойим қизнинг юриши,
Остонада туриши.
Суйган ёрини кўриб,
Қаҳ-қаҳ уриб кулиши.

Том бошида тоғора,
Тандир тўла зоғора.
Зоғорани ёпалмай,
Чолу кампир овора.

Кампирларнинг лаккиси,
Учида тамакиси.
Кампирларнинг ўйнаши
Эрининг амакиси.

Ёр кетаман дейди,
Кетгазгани қўймайман.
Йўлларига чим босиб,
Ўтказгани қўймайман.

От миндим жийрон қашқа,
Юргиздим тошдан-тошга.
Бурни қонар етимлар,
Оғзи текканда ошга.

Олма отдим дарёга,
Қалқиди-ю чўкмади.
Ёргинамнинг ўтлари,
Ловуллади, ўчмади.

Айвонингда ётарман,
Сенга дардим айтарман.
Қолган беш кун умримда
Шу ғам билан ўтарман.

Сувлар шарқираб оқса,
Дарёнинг суви дейман.
Бошимга бало келса,
Пешонам шўри дейман.

Сени дедим — сени дедим,
Кечдим бу жондан.
Юракларим пора-пора,
Кўз ёшим қондан.

Ой бўлмаса осмонда,
Адашади.
Кўтармаса кўнгулни,
Кир босади.
Душманларим қаршимда қарашади,
Менга ханжардек кўзин қадашади.

Қалдирғочнинг болалари
Нега саккиз бўлмаган?
Бу дунёнинг роҳатлари
Нега теккис бўлмаган?

Арпа, буғдойни юлар,
Ўрдак, ғозга ем бўлар.
Сиздан сўрай, суяр ёр,
Номларингиз ким бўлар?

Уй ўйласанг,
Ўйинг ўнгисин.
Тоғ бағрида ётиб олса,
Қўйчи ўнгисин.
Қўйчи бўлсанг, қўйларингни —
Бирга боқайлик.
Душманларнинг кўкрагига
Ўтлар ёқайлик!

Кўп оҳ урма, озарсан,
Кўп ўйлама, тўзарсан.
Сабр қилгил, ўртоқжон,
Мақсадинга етарсан.

Қўлимдаги шоханак,
Синса қилдирай зирак.
Ёргинамдан ажралсам,
Қандай чиқарсан юрак?!

Богимдаги гулларга
Қушлар келиб қўнолмас.

Иккаламиз дўст бўлсак,
Душман келиб эзолмас.

Чирмандамиз — пақ-пақа,
Ўйинчими — тошбақа.
Тошбақага тушган пул,
Ҳаммаси ўтмас чақа.

КОШКИ

Нонуштадан нари, чошгоҳдан бери
Сар-сари ёримни кўрсам кошки.

Чошгоҳдан нари кун бўлур пешин,
Ёримнинг кийгани қизил аврашим.
Кўргач кўнглим эрир бўлиб кўргошин,
Кўрсам, ажралмасам эди кошки.

Пешиндан сўнг бўлур намоз дигари,
Ошиқларнинг куяр шунда жигари,
Худди сизга тортган кабоб сингари,
Ёр — сиз, ўзим кабоб бўлсам кошки.

Намозгардан кейин дарҳол шом бўлур,
Ошиқ билан маъшуқ дили ром бўлур.
Ғаним чиқса, улар иши хом бўлур,
Ғаним кўзи кўрмасайди кошки.

Шомдан кейин бўлур албатта хуфтон,
Ошиқ-маъшуқларга очилур майдон.
Тун либосин ёпса, қолмагай армон,
Орзу-армон ушласайди кошки.

ҚАЙНОНА НАСИҲАТИ

Икки юзинг пишган олма,
Ноз этиб ҳаргиз буралма!
Ишдан ҳеч бўйин товлама,
Чиройлисан, кўрдик, келин.

Қулоғингда олтин сирға,
Келиб қолдинг қандай ерга.
Қўли очиқ, мард бир эрга,
Тегиб ҳайрон қолдинг, келин.

Юзинг ўн беш кунлик ойдек,
Қайрилма қошларинг ёйдек.
Минилмаган ғунон тойдек,
Ирғишлаб-ўйнама, келин!

Онанг сени ўстирган хом,
Сўзларимни уққил тамом.
Катталарга бергил салом,
Шунда қадринг ортар, келин.

ЮҚОРИДАН КЕЛАМАН

Юқоридан келаман қулло билан
Ҳаргиз ошно бўлманглар мулло билан.
Агар ошно бўлсангиз мулло билан,
Бош-кўзингиз айлантирар ҳилло билан.

Юқоридан келаман ўйнаб-ўйнаб,
Паст-пастгина деворни бўйлаб-бўйлаб.
Деворингни бўйлаб бўлдим мен бенаво,
Ишқ дардини тортганларга борми даво?

Юқоридан келаман, биласанми?
Дастрўмолим кир бўлибди, ювасанми?
Дастрўмолим кирини ёмғир ювсин,
Сенга ошиқ бўлганимни худо билсин!

Юқоридан келади кўкнори хуш,
Кўк кўйлакни кийибсан тугмаси бўш.
Тугмангни мен қадай келса кўнглинга хуш,
Ошиқликни ошкор қилдинг, сен оғзи бўш!

УЯЛМА

Нозингга жон тасаддуқ,
Жонан десам уялма.
Бўйингга бўлдим ошиқ,
Маржон десам уялма.

Олма дедим ўзингни,
Ололмадим сўзингни.
Хидлаб кўриб ўзингни,
Райхон десам уялма.

Доим қаддингни ўйлаб,
Номингни тилда сўйлаб,
Юрдим маҳалла бўйлаб,
Ҳайрон десам уялма.

Кўрдим сени қачонда,
Гулзору боғ чаманда,
Севдим сени ўшанда,
Боғбон, десам уялма.

Тортма ўзингни нари,
Кўзим сенга хумори.
Ошиқларнинг шиори
Ёлгон десам уялма.

АЛДАЙСИЗ МЕНИ

Билмаганимизни дарҳол билдириб,
Хом ёнгоққа қўйнимизни тўлдириб,
Ойдеккина ювим ғамда сўлдириб,
Ёлғончи ёрим, алдайсиз мени.

Кеча-кундуз сизга хатлар ёздим мен,
Хат устида юракларим аздим мен,
Боғу бўстонларни чиқиб кездим мен,
Ёлғончи ёрим, алдайсиз мени.

Осмонда турган ойингиз эдим,
Ёнингиздаги ёрингиз эдим,
Боғда сайраган булбулиз эдим,
Ёлғончи ёрим, алдайсиз мени.

Ҳасрат-надомат қилурман афгон,
Бер аҳди-паймон, ваъдаси ёлғон,
Ишқинг ўтида бўлди юрак қон,
Ёлғончи ёрим, алдайсиз мени.

ДЕЙДИЕ

Дейдиё-дейдиё,
Минораман дейдиё.
Минорага суянган
Чинораман дейдиё.

Ярми олтин-ярми кумуш
Пиёламан дейдиё,
Ёрга салом бергали
Уёламан дейдиё.

Ҳулкар билан торозу
Тенг келади дейдиё.
Келин ойим кўйлаги
Кенг келади дейдиё.

Кенг келса ҳам майлига
Ярашади дейдиё.
Қўлларини узукка
Тўлдиради дейдиё.

БОЙНИНГ ҚИЗИ

Бойнинг қизи ош ичди,
Қошиғи ерга тушди.
Уни кўриб суйгани,
Девордан ошиб тушди.

Эрка қиз чиқиб кетди,
Дарчани очиб кетди.
Суйганининг бетига —
Шўр турпоқ сочиб кетди.

Тегирмоннинг тошлари,
Ойимчахон қошлари.
Ўлтирса ерга тегар,
Уламалик сочлари.



ЯНГИ
ЗАМОН
ҚҶШИҚЛАРИДАН

* * *

Борсам ой ботган экан,
Қўрбоши ётган экан.
Милтиқни ўқлаб туриб,
Ёримни отган экан.

Эшигингда жуфт терак,
Жуфт теракка сув керак.
Янги бўлган аскарга,
Бешотар милтиқ керак.

Аравада хом гуруч,
Мен қилай ширин гуруч.
Янги бўлган аскарга,
Ҳам бешотар, ҳам қилич.

Тахта кўприк битдими,
Кўршерматинг ўтдими?
Шаҳрихонни вайрон қилиб,
Муродига етдими?

Гўристоннинг деволи,
Деволида чумоли.
Чумолича йўқмиди?
Одамларнинг уволи?!

Унбоши дерлар, қўрбоши дерлар,
Қўрбошилар келар бўлса,
Йиғлайди қизлар.

Тол барги сувга тушди,
Босмачи қўлга тушди.
Босмачилар хотини,
Тўрамлаб йўлга тушди.

Бозордан қатиқ олдим,
Шира қаймоғи билан.
Босмачини ер ютсин,
Уруғ-аймоғи билан.

Поезд келган кечаси,
Ошқовоқлар гуллайди.
Душман ўлган кечаси,
Чаккамда гул ўйнайди.

— Эшигингда нима бор?
— Урдак билан ғозлар бор.
Урдак ўлиб, ғоз қолсин,
Душман ўлиб, дўст қолсин.

Ҳаво фалак остимда,
Душман менинг қасдимда.
Эсон бўлсак кўрармиз,
Душман оёқ остимда.

Асаканинг йўлида
Қишлоғи бор Ахтачи.
Шаҳарларга ўт қўйди,
Яшамагур босмачи!

Большевиклар отамиз,
Соясида ётамиз.
Қўлимизда бешотар,
Босмачини отамиз!

Хурмадаги қатиқни,
Айрон қилди босмачи.
Деҳқонларнинг уйини,
Вайрон қилди босмачи.

Дукур-дукур от чопар,
Қизил аскар келибди.
Раггимизга қон кирди,
Босмачини қирибди.

Музни қўйдим ўчоққа,
Ут иссиғи эритди.
Айланай ҳужуматдан,
Босмачини қуритди.

Бизнинг боғда шафтоли
Ҳар бир шоҳи эгилган.
Босмачилар дастидан
Она қиздан айрилган.

Ўсма эқдим, ўт босди,
Барги Қўқонни босди,
Чиқмай ўлгур босмачи,
Юрту элни вам босди.

Том бошида мис қапа,
Ўғри келолмай хафа,
Юртга жужуринг нафа,
Шукур қилайлик.

Беклар, ишинг аримас,
Юртга бало даримас.
Қизил аскар хоримас,
Шукур қилайлик.

Босмачи дўпписи тор,
Сичқонлар инига зор,
Аскарлар омади бор,
Шукур қилайлик.

Поездингнинг эшиги
Ҳам очилур, ёпилур.
Босмачи ўлдирганнинг
Боласи кимга қолур.

Сандиқларни очайлик,
Бисотларни сочайлик.
Босмачилар келяпти,
Қаерларга қочайлик?

Сой ичида мис қозон,
Сўфилар айтар азон.
Айтмай ўлсин сўфилар,
Босмачи қилди хазон.

Тунда уйимга келган,
Бори-йўғимни олган.
Холхўжа, Шермат, Эргаш
Йўлтўсар ўғри бўлган.

Дарё сувларин кечиб,
Сув ўрнига қон ичиб.
Яланг оёқ қочдилар,
Охир иштонин чечиб.

Заводларга ўтлар қўйиб,
Гуноҳсизни қўйдаи сўйиб,
Қашқар, Афғонга қочдилар,
Охир дайди итдек бўлиб.

Очлик билан бошланди бу йил қиши,
Ҳар инсонда мол билан жон ташвиши.
Обод Шаҳрихонни вайрон айлаган,
Каллакесар Кўршермат деган киши.

Қийғир ётур қиёда,
Болалари уёда.
Отим олди босмачи,
Қандай кетдим пиёда?

Босмачига арз этсам,
Жаллодига урдирди.
Ола тўним ечдириб,
Йигитига кийдирди.

Шудгорларни ўт босди,
Одамларни ғам босди.
Кеча-кундуз босмачи —
Уйни талаб, йўл тўсди.

Босмачи бўлмай ўлсин,
Кўзига тупроқ тўлсин!
Эримни отиб кетди,
Муродига етмасин!

Зоғлар кетиб, боғимга —
Булбул келди десанг-чи!
Босмачиларни ҳайдаб,
Аскар келди десанг-чи!

Осмондаги оқ қушдай,
Қуйиб қўйган қумушдай,
Ухлаб ётган беҳушдай,
Ёш кетдингиз, йигитлар!

Душман тоғлар устида,
Биз душманнинг қасдида.
Бешотардан ўқ отдик,
Бедов отлар устида.

Арзани ташланг ревкомга, жон аяжон,
Босмачини йўқотсин.
Аскар бўлган йигитлар, жон аяжон,
Босмачига ўқ отсин!

Қуёш чиқиб, бошимга ёғилди нур,
Қулоғим эшитган сўзлар гўё дур.
Шукур қилай бахтимга шўро келди,
Навбат камбағалга — замонамиз ҳур!

Шамол келса, шоҳ тўшақда ётаман,
Арзу аҳволимни энди айтаман.
Бошни силар фаноҳимиз топилди,
Шўро келди, муродимга етаман!

Бирлаш деди, бирлашди жондил билан,
Оёқлар остида топталди илон.
Бойқуш энди сайрай олмас боғларда,
Чунки бизга раҳбар большевик деган.

Кўп яшасин раҳбар бўлган фирқамиз,
Фирқа билан социализм қурамиз.
Ҳаммамиз ҳур, энди ўйнаб-куламиз,
Ленин бобо айтганини қиламиз!

Поезд йўли улама,
Қовунлари тўллама.
Эсинг бўлса деҳқонлар,
Қулоқларни қўллама!

Поезд келади ҳуркиб,
Фонар ёғини пуркиб.
Босмачилар йўқолди,
Қизил аскардан қўрқиб.

Гулнора гулга тўлсин,
Юртимиз обод бўлсин.
Яшшамагур босмачи,
Юраги қонга тўлсин!

Сой бўйида саксон тош,
Сойдан ўтолмай қолдим.
Босмачилар дастидан,
Ёрга етолмай қолдим.

Босмачилар келдилар,
Боримизни олдилар.
Ким борини бермаса,
Қамчи, таёқ урдилар.

Боғимизда бор ҳовуз,
Орамизда кўп ёвуз.
Босмачиларга бўлган —
Айғоқ мулла ғаламус.

Менинг ёрим сой кечди,
Алак тўнини ечди.
Босмачилар келганда,
Ширин жонидан кечди.

Томда пиёз ўстирган,
Уйда хамир кўпдирган.
Николайнинг қизлари
Босмачига ўпдирган.

Эшик очилмасмиди,
Собир қочолмасмиди?¹
Эссизгина Собиржон
Милтиқ отолмасмиди?

Собиржоннинг устунни,
Устунда пўстинни.
Босмачилар келганда,
Тополмаган дўстинни.

Собиржонлар ҳув деди,
Бир пиёла сув деди.

¹ Босмачилар ўлдирган кўнгилли қизил аскар.

У сувни ичмай туриб,
Энди мен ўлдим деди.

Тор ҳовлида катта тол,
Соя соламан, дейди.
Бувам тенглик қари чол
Сени оламан, дейди.

Бог айланиб чий тутдим,
Келади, деб кўз тутдим.
Кундошликнинг дастидан
Лахта-лахта қон ютдим.

Мен экарман ҳўл чигит,
Урушга кетди беш йигит.
Ҳаммасининг ичида
Менинг акам ёш йигит.

Дарёга сепдим тариқ,
Қармоқда тутдим балиқ.
Босмачи отган ёр учун
Рангларим бўлди сариқ.

Тўртинчилар ўтади,
Босмачига етади.
Ҳаром қонини тўкиб,
Уни яксон этади.

Бошимдаги дўппимни
Суйган ёрим битказган.
Жазосин тортсин бойлар,
Зулмини ҳўп ўтказган.

Бошимдаги чимматни
Улоқтириб ташладим.
Ленин бобом берди бахт,
Ҳур замонда яшнадим.

Бизнинг қизлар ҳеч кўрқмайди
Чўлларнинг илонидан.
Чунки чўллар обод бўлди,
Лениннинг планидан.

Урушга кетар бўлдим,
Ғариб онам рози бўлсин.
Босмачини отар ўғлим;
Деб, кўнглига шодлик тўлсин.

Олти ой боқдим қўйингни,
Бир кўрмадим бўйингни.
Бир кўрганда бўйингни,
Епиб берай уйингни.

Айрон бериб бу бойга,
Сойдан-сойга ҳайданглар!
Қўриқ бериб бу бойга,
Қирдан-қирга ҳайданглар!

ПУЛАТЖОН¹ ҲАҚИДА МАРСИЯ

Гўристоннинг деволи,
Деволида чумоли.
Чумолича йўқмиди,
Пўлатжоннинг уволи.

Увра кесиб ош қилиб,
Ичолмаган Пўлатжон,
Босмачилар келганда
Қочолмаган Пўлатжон.

От келди-ю от келди,
Орқасидан хат келди.
Қонга ботиб извошда
Шўрли Пўлатжон келди.

Пўлатжоннинг тўнлари
Сандиқзада бўлмасин,
Уни кўриб онаси,
Юракзада бўлмасин.

Ғунча эди, очилмасдан узилди,
Кўйлаклари қизил қонга сузилди.
Яшшамагур, одамхўр, босмачилар,
Пўлатжонни эслаб бағрим эзилди.

¹ Босмачилар билан курашда ҳалок бўлган кўнгилли қизил аскар.

Сув тўсгали ариққа
Чимдан бўғат соларлар.
Пулатжоннинг ўчини
Аскар боллар оларлар.

* * *

Сой бўйи салқин экан,
Босмачи ётган экан.
Сўйгани қўй тополмай,
Назарни сўйган экан.¹

Мен келай кўча билан,
Теракзор ичи билан.
Йигит қўли боғлансин,
Қизларнинг сочи билан.

У токчада патинча,
Бу токчада патинча.
Шу замоннинг қизлари
Бир-биридан отинча.

Даладаги гўзалар,
Колхозчилар гулдир.
Колхозларни яшнатган
Ҳукуматнинг пулдир.

Колхозимиз гўзаси
Ҳосил бераман, дейди.
Шу замоннинг қизлари
Илм оламан, дейди.

Терак учида узум,
Уйнайди қошу кўзим.
Планимиз юз бўлса,
Ярашади тагдўзим.

Колхознинг йўли обод
Йўлига қурай работ.
Колхозимиз қизлари
Бозордаги оқ новвот

¹ Босмачилар ўлдирган деҳқон.

Овоти-ю овоти.
Қолхозимиз работи.
Работига ярашган
Раис акам савлоти.

Томга чиқиб тут едим,
Ғижим рўмол йўқотдим.
Ухлаб ётган ёримни
Китоб ўқиб уйғотдим.

Олма оқиб келади,
Беҳи қалқиб келади,
Жангга кетган акамлар,
Орден тақиб келади.

Араванинг тагига сепдим кепак,
Қолхозчининг кийгани бари ипак.

Қолхозимиз йўлини
Тахти равон десанг-чи!
Қолхозимиз қизиңи
Садарайхон десанг-чи!

Қолхозимиз боғи соз,
Боғида ўйнайди ғоз.
Йигитларни сўрасанг,
Ҳаммалари чавандоз.

Поезд келади босиб,
Ёнига чироғ осиб.
Янги чиққан помбарқут
Қолхозчига муносиб.

Меваларнинг ичида
Сермеваси олҳирот.
Активларнинг ичида
Серкелиши ҳосилот.

Ариқ бўйида ирғай,
Ирғай қайрилиб турғай.
Дангасанинг йўлини
Раислар пойлаб турғай.

Раис акам уйига
Ликов терилиб қолибди.

Раис акам хотини
Бунча керилиб қолибди.

Куёш бўлди улфатим,
Йўқ ҳасрату кулфатим.
Кўшиқ айтиб ўйнаймаң,
Шону-шараф меҳнатим.

Жадал пахта тераман,
Заводларга бераман.
Планимни юз қилиб,
Кўкрагимни кераман.

Пахтазорни бўйлайман,
Кўшиқ айтиб куйлайман,
Планни юз қидай деб,
Кеча-кундуз ўйлайман.

Қулоқларнинг қумғони
Ерга қараб тургани
Ер-сувини бермаса,
Унинг худо ургани.

Оппоқ олтин конида
Бирликда ишланг, болалар,
Меҳнатингиздан ҳамиша,
Яшнасин боғ, далалар.

Ватан-гулшаним боғим,
Йўқ дилда қайғу доғим.
План икки юз бўлса,
Шунда яйраган чоғим.

Колхозим-меҳрибоним,
Ортар шуҳрату шоним.
Омон бўлсин кўп йиллар
Партиям жонажоним!

Атлас кўйлак киймайман,
Этагини лой қилиб.
Дангасага тегмайман,
Юрак-бағрим қон қилиб.

Раис ака, йўл бўлсин,
Дўппингиз қутлуғ бўлсин?
Суйиб эккан пахтангиз
Чеккангизга гул бўлсин!

Осмондаги уч ўрдак,
Учаласи ҳам бирдак.
Колхоз хотин-қизлари
Очилган қизил гулдак.

Гуллар дойим бўстони,
Юртим — Ўзбекистоним.
Бахтиёрман Ватанда,
Иқболу бахт дostonим!

Муштумзўрнинг боғида
Беданалар сайрайди.
Муштумзўрнинг уйида
Колхозчилар яйрайди.

Бизнинг кўча катта юрт,
Атрофлари қатор тут.
Эсинг бўлса, деҳқонлар
Хукуматни маҳкам тут.

Бизнинг кўча — тол кўча
«Победа»лар ўтади.
Партия омон бўлса
Қадримизга етади.

Атлас олмоқ осонми,
Бурмалари фасонми?
Сўка берманг, бригадир,
Меҳнат қилмоқ осонми?

Йил келди, даврон келди,
Йигитлар омон келди.
Йигитларнинг бахтига
Ажойиб замон келди.

Армияга кетди ёрим,
Ўзим чиқиб кузатдим.
Ёр йўқлигини билдирмай деб,
Колхозимни тузатдим.

Тракторлар далада,
Гуриллашиб юради.
Шунинг учун активлар
Керилишиб юради.

Кеча-кундуз пахтазорга
Тўйиб боққим келади.
Пахтам мўл ҳосил берса,
Орден таққим келади.

Кўчаларга экканимиз
Толдир бари, теракмас.
Универсаллар ишга тушди,
Кетмон энди керакмас.

Эшигимни олдига
Ўсма экким келади.
Орден таққан йигитга
Жон деб текким келади.

Колхозимиз обод бўлди,
Келиб кўринг, аломат.
Партиямиз ғамхўр унга
Дойим бўлсин саломат!

Мажлис очилса, партком —
Янгиликни сўзлайди.
Дангасалар жовдирашиб,
Бурчакларни кўзлайди.

Мен отимни солмайман,
Дарё бўйи лим-лимга,
Кўпдан ҳайфим келади,
Ўтаётган умримга.

Ўзим колхоз аъзоси,
Куйиниб ишламайман.
Раис қалин ўртоғим,
Мажлисга қатнамайман.

Томга қўйдим шотини,
Ана бу кимнинг хотини?
Юришлари бошқача,
Раис акам хотини.

Ўр, ўғлим, ўроқчи ўғлим,
Суқ, ўғлим, сувчи ўғлим,
Мард жанг қилғил, жангчи ўғлим,
Фашистларни санчгин, ўғлим!

Ешлар кетди ҳарбийга,
Масквадан ҳам нарига.
Фашистларни тикай, деб,
Қора ернинг қаърига.

Олма оқиб келади,
Ҳарбий боллар есин деб.
Командир буйруқ берди,
Уйларига кетсин деб.

Менинг акам бўйлари,
Қозиқдадир тўнлари.
Юз-мингларга арзийди
Менинг акам сўзлари.

Сой ичида майда тош,
Мен қилайин ўсматош.
Шу замоннинг қизлари
Бир-бирдан қалам қош.

Бедана бўлиб учдим,
Бедапояннга тушдим.
Иқболим баланд экан,
Бухгалтерингга тушдим.

Сой ичидан тошларни
Санаб олгим келади.
Шу замоннинг қизини
Танлаб олгим келади.

Алами-ю алами
Чеккасида қалами.
Севганига кўп ёзар,
Табелчимиз ҳарами.

Идоранинг райхони
Учигага гуллайди.
Бригадамизни кўринг,
Пешингача ухлайди.

Камзулим раста-раста
Чўнтагим тўла писта,
Шу вақтнинг йигити
Имлаб олишга уста.

Кўринг Ленин бўйини,
Узатиб турган қўлини.
Ҳамма ҳавас қилади,
Коммунизм йўлини.

Кооперативнинг арчаси
Яшасину гулласин!
Кооперативни чиқарган
Ленин бобомиз ўлмасин!

Давримиз-давронимиз,
Давронимиз-шу онимиз.
Ушбу даврон бирла ўтсак,
Йўқ эрур армонимиз!

Раис акам ош ейди,
Тепасида гўшт ейди.
Шартномаси тўлмаса,
Мажлисларда мушт ейди.

Раис акам «победа»да юравераман,
Топшириқни бригадаларга дейди,
Беравераман дейди,
Бригадирлар, табелчига буюраман,
Табелчи қора қошга ёзавераман дейди.

Бизнинг эшик тозадир,
Гул баргини ёзади.
Мен билан ким баҳслашса,
Кундан-кунга озади.

Оқ батисдан кўйлагим,
Кўринади билагим.
Армияда дадам бор,
Эзилади юрагим.

Бошимдаги рўмолим
Дарёга оқиб кетди,
Яхши кўрган ёримни
Аскарга олиб кетди.

Менинг ёрим келяпти,
Канални бўйлаб.
Тағларида велосипед
Рулини ўйнаб.

Мен чиқаман ёримнинг
Ўлини пойлаб,
Жужунчадан кител тикай
Бўйини ўлчаб.

Баланд тоғ устида қўш ҳайдаганлар,
Шоҳи чорсиларни бўш боғлаганлар.
Шоҳи чорсиларни бўш боғлаб олиб,
Ишдан қайтган қиз йўлин пойлаганлар.

Ариқ бўйи сирғанчиқ,
Табелчимиз қизғанчиқ,
Офтоб чиқса яйрайди,
Раис келса, сайрайди.

Ариқ бўйида қапа,
Бригадир нега хафа?
Бригадирни хафа қилган —
Аъзолари бевафо!

Кўчани супириб қўй,
Раис акам ўтади.
Идорага борганда
Қадримизга етади.

Шоҳи кўйлақ кийибсиз,
Камарларни боғламай,
Қизлар билан юрасиз,
Охирини ўйламай!

Эрта билан тураман
Наҳору нашта,
Унг қўлимда игна-ю,
Тиззамда кашта.

Менинг суйган ёргинам —
Ун саккиз ёшда,
Келади-ю кетади,
Въадаси бошқа.

Боғда гуллар ўсади,
Бўстон, гулзор бўлай, деб,
Жоён қизлар ўсади,
Йигитга ёр бўлай, деб .

Раис аканг хотини
Далада ишламайди,
Ишлар эди далада,
Пардоздан бўшамайди.

Раис акам ёнида,
Пул тўла ҳамёнида.
Кассир билан омборчи —
Нега дойим ёнида?

Макиёнга дон сепсам,
Хўрозлари еб қўйди.
Колхозчилар пулини
Балохўрлар еб қўйди!

Меинг акам директор,
Туширмайди электр.
Туширмаса электр,
Ремонт чоғи илинтир!

Раисимиз биринчи,
Минган оти ўйинчи.
Планини тўлдирса,
«Победа»лар суюнчи.

Раис акам келади,
Шудгорни бўйлаб.
Қўлида дафтар, қалам,
Планни ўйлаб.
Кўп ўйламанг, тоғажон,
План тўлиб қолади.
Минганингиз «Москвич»,
«Волга» бўлиб қолади.

Раис акам келади,
Чиқиб мажлисдан.
Ураман деб кўтарар
Қўлида гавран.
Урсангиз-урмасангиз
Дод соламанми,
Яна қайтиб бўйимни,
Кўрсатаманми?

Раис акам машинада юраверадими,
Каверкотнинг тозасин кияверадими?
Қиз болалар далада ишлаверадими?
Текинхўрлар ишламай —
тишлаверадими?

Раис акам келади,
Кўчаларни чангитиб.
Дангасани кўриб қолса,
Сўкар тинмай гангитиб.

Раис акам ўзлари,
Аччиқ, нордон сўзлари,
Каттаконлар келганда,
Мўлтирайди кўзлари.

Қора толнинг қобиғи,
Кузги шамол совуғи.
Раис акам овқати —
Фермамизнинг товуғи.

Қайрағочнинг баргини
Юпқа пиёз десанг-чи!
Раис акам хотинини
Баланд парвоз десанг-чи!

Усма экиб бир шона
Териб олгим келади,
Дангаса раисларни
Танқид қилгим келади.

Ағдарилган кийимнинг
Бўлар тескари юзи.
Раис акам маст қилган
Хушомадгўйлар сўзи.

Рўмолим бор хил-хили,
Уртаси бодом гули.
Ҳамиятсиз йигитнинг
Топгани кино пули.

Ариқ бўйида сомон,
Сомоннинг ранги ёмон.
Ориятсиз йигитнинг
Ароқ ичгани ёмон.

Ғижим рўмолинг бўлса,
Ёстиқ тагида турса.
Севишган ёринг бўлса,
Олиб ўратиб қўйса.

Томга чиқиб тош отдим,
Симёғочга тегсин деб.
Йиғлаб туриб хат ёздим,
Жон акамга тегсин деб.

Ёринг бўлса — мард бўлса,
Юрса кўчалар тўлса.
Меҳнатда донг таратиб,
Кўкси орденга тўлса.

Ариқ бўйида эрман,
Бир қўйни сўйиб ерман.
Фермадан истаб келса,
Бурним қонади дерман.

Ариқ бўйини ўйдим,
Дўппимни ерга қўйдим.
Планим юз бўлур деб,
Шартномага қўл қўйдим.

Қўлда ўйнар элагим,
Толмас асло билагим,
Уруш даврин эсласам,
Эзилади юрагим.

Оқ узум, оппоқ узум,
Жангларга кетгандир қўзим.
Ой бориб-омон келсин,
Ёвни янчиб ёлғизим!

Яйловдадир қўйимиз,
Кузда бўлар тўйимиз.
Чин-чироқни иргитдик,
Электрлик уйимиз.

Нозларни ташлаш керак,
Илғорлик бошлаш керак.
Коммунизм даврида
Виждонан ишлаш керак.

Қизил гулнинг шохини
Эгиб олгим келади.
Герой бўлган йигитга
Тегиб олгим келади.

Осмондаги самолёт,
Қанотингни пастлаб ўт.
Қанотингга хат ёзай
Жангчи ёрга ташлаб ўт!

Ишёқмас ишни билмас,
Жонин ачитиб қилмас.
Раис акам хотини —
Бизни назарга илмас.

Пастга эқдим шолини,
Баланд кўтар пойини.
Эсон бўлсак, кўрармиз,
Раис акам ҳолини.

Пахталар чаман-чаман,
Ун сепгандек очилган,
Тезроқ теринг, ўртоқлар,
Эгатларга сочилган.

Олучани гуллатган
Баҳорингдан айланай,
Хотин-қизни яшнатган,
Замонингдан ўргилай.

Паранжилар кул бўлди,
Оқ батинка пул бўлди.
Уйинг куйди руҳони,
Ишларинг мушкул бўлди.

Ойдан ўзаман дейди,
Осмондаги юлдузлар.
Атлас тўқувчи бўлди,
Фабрикамизда қизлар.

Самолётда учаман,
Қаранг, даламиз чаман.
Замонамдан ўргилиб,
Ашулалар айтаман.

Дуторимнинг торлари,
Қўш булбулдек сайрайди.
Партиямиз мадҳини
Айтсам кўнглим қувнайди.

Булбул сайрайди гулда,
Ҳавас қайнайди дилда.
Бизнинг колхоз қишлоғи
Яшнайти йилдан-йилга.

Колхозимиз боғига
Тут кўчати экаман.
Ленин бобом расмини
Ипак билан тикаман.

Яшасину-лшасин,
Устига бахмал ташласин.
Дехқонларга ер берган
Одил ҳукумат яшасин!

Ҳавода учар қалдирғоч,
Гувиллайди симёғоч.
Эсинг бўлса, ўртоқлар,
Мақтаб ўқиб, кўзинг оч.

Янгиликка кўчилди,
Тилла бодам сочилди.
Паранжи ташлаганда,
Қулфи дилим очилди.

Норин суви бойлансин,
Машиналар айлансин.
Ўзбек хотин-қизлари
Фабрикага жойлансин.

Нориндарё бўйимиз,
Канал қазиш-ўйимиз.
Норинга Сирни қўшсак,
Шунда бўлар тўйимиз.

Юринг дарё кечайлик,
Каналга сув очайлик.
Езёвонлик йўллари
Сувга сероб қилайлик.

Пахта экамиз хиллаб,
Универсалларни танлаб.
Тепамизда агроном
Йўл кўрсатади бошлаб.

Оппоқ олтин пахталар
Қанорларга тиқилди.
Завод-фабрика бориб,
Газламалар тўқилди.

Гулбоғим, боғим, боғим,
Ўчмас сира чирогим.
Гулбоғларни яратди,
Ҳамма дўсту ўртоғим!

Фабриканинг йўллари,
Саккиз тепки гуллари.
Чой қуйса ярашади,
Ишчи йигит қўллари.

Олма гули нопарман,
Ипак қурти тутарман.
Мусобақа ўйнасанг,
Ўйна, сени ютарман.

Дўппи тикаман ўзим,
Хиллаб кияман ўзим.
Хоҳладимга борганда,
Хоҳлаб тегаман ўзим.

Мен кетаман, кўриб қол,
Орқа сочим ўриб қол.
Соғинганда кўрарсан,
Суратимни олиб қол.

Евга отган ўқ бўлди,
Мулла, эшон йўқ бўлди.
Замонамиз қувончли
Меҳнаткашлар тўқ бўлди.

Тинчлик, меҳнат шиорим,
Пахта — номусу орим.
Тинчлик учун қўл қўйдим,
Паровонлик қарорим!

Ҳамма соғу саломат,
Колхозда нозу неъмат.
Нозу неъматни берган
Партиямизга раҳмат!

Колхоз қилиб яшнатган,
Болаларимиз яйратган.
Боқчаларда ўйнатган,
Омон бўлсин ҳукумат.

Асфальт бўлди йўлимиз,
Узайгандир қўлимиз.
Коммунизм даврида
Гулзор ўнгу сўлимиз.

Ултириб ўйга ботдим.
Қўлимда қуш ўйнатдим.
Қўлимдаги қушимни
Сиз ёримга ўхшатдим.

Ариқ бўйида жийда,
Жийданинг шоҳи майда.
Ҳамманинг ёри уйда,
Менинг ёрим қаерда.

Чойини ичиб бўлдим,
Пиёласи сизники.
Ўзим айланай сиздан
Қачон бўласиз бизники?

Дўппи тикдим тўққиз кўз,
Душман қилар гапу сўз.
Душман қилса гапу сўз
Айрилмайлик қора кўз.

От устида турибсиз,
Бизни қайдан кўрибсиз?
Ошиқликни билибсиз,
Қандай чидаб юрибсиз?

Қиш ўтиб, баҳор бўлди,
Уйғонсам, саҳар бўлди.
Сиз — ёримни эсласам,
Ичганим заҳар бўлди.

Боғимга экдим анор,
Шода-шода гуллади.
Ургилай трактордан,
Даламда гуриллади.

Гурилласа даламда,
Ҳосилимни мўллайди.
Тракторчи бўз йигит.
Менга савғо йўллайди.

Темир йўли йўлмиди,
Узайиб турган билан.
Дангаса одаммиди,
Безрайиб турган билан.

Дангасалар учраса,
Сомон деб қопингга сол,
Зарбдорлар учраса,
Олма деб қўйнингга сол.

Москва-ю Москва,
Москва жоним,
Москвада ўқийди —
Севгили ёрим.

Менинг ёрим ўқиса,
Врач бўлади.
Беморларни даволаб —
Кўнгли тўлади.

Бир кўйлак олган эдим.
Атлас десам бўз экан.

Ёримга бино қўйсам.
Унинг меҳри оз экан.

Тошкентдир марказ жойим,
Фарғона пиллакорим,
Андижону Наманган
Пахтага ишлар дойим.

Андижоннинг боғида
Семурғдай қуши бор,
Боғда юрган қизларнинг
Фабрикада иши бор.

Наманганнинг боғида
Электрдан гули бор,
Боғда юрган қизларнинг
Ишлаб топган пули бор.

Боғим бору боғим бор,
Боғимда анорим бор.
Гулзор оралаб юрган,
Ҳандалак бўй ёрим бор.

Сочим учи пиликсиз,
Ахир пилик соламан.
Ёрим менга кўнгулсиз,
Ахир ёрсиз қоламан.

Уйинга тушган қизнинг —
Нози чиройлик.
Унг бетига ярашган —
Холи чиройлик.

Уйинга тушган қизнинг —
Ёри бўлсам-чи?
Унг бетига ярашган —
Холи бўлсам-чи?

Чилдирма чолган ўзим,
Шилдироғида кўзим.
Уйинчини ўйнатиб,
Сунбул сочида кўзим.

Раққоса қизлар, раққосасидан,
Мен ўргилайин гулдастасидан.
Чирманда гижбанг, ўйнайди ҳурлар,
Жоним тасаддуқ ўйнов сасидан.

Мен бораё кўча билан, жон укажон,
Теракзор ичи билан, омон ёр, омон.
Ўйигит қўли боғлансин, жон укажон,
Қизларнинг сочи билан, омон ёр, омон.

Ўйўлдан ўтган йўловчи,
Қопингда қоқинг борми?
Мунча менга қарайсан,
Онангни ҳақи борми?

«Победа»да келади
Қоши қаламлар,
Суйганимга бермайди
Ота-онамлар.
Суйганимга бермаса
Ота-онамлар,
Юрагимда қолади
Доғи аламлар.

Шоҳимардон тоғида
Ҳай-ҳайлаганлар,
Қамчисининг учига
Зар боғлаганлар,
Қамчисининг учига
Зар боғлаб олиб,
Суйган ёрин юрагини —
Кўп доғлаганлар.

Қўлимдаги узугим
Чироғда ялтирайди,
Такасалтанг ёрим бор,
Офтобда қалтирайди.
Поездингни йўлини
Шағал билан кўтарган,
Ишламаган қиз юзи
Упа билан оқарган.

Шоферлар машинаси
Кабинкада ошнаси,

Ишдан қочган сатанглар,
Кино пули ошнаси.

Сочимни ўриб қўйинг,
Ярмини тараб қўйинг.
Армиядаги ёримни
Мен учун сўраб қўйинг?

Ариқча-ю ариқча,
Ичи тўла балиқча,
Акамга олиб берай,
Сочи узун қайлиқча.

Бахмал дўппим бор эди,
Бошгинамга тор эди.
Маҳалламда бир йигит,
Кўланкамга зор эди.

Қошгинангни қораси,
Увол эмасми?
Менинг жоним сен учун,
Қурбон эмасми?

Рўмолимнинг учига
Шакар борладим,
Юрак билан юракни,
Куйиб доғладим.

Юрак билан юракнинг —
Тафти бор экан,
Бизга ошиқ бўлганинг —
Бахти бор экан.

Дейдиё-дейдиё,
Сифати бор дейдиё.
Сифатига ярашган,
Роҳати бор дейдиё.

Қирқма фаранг ўрайман,
Қирғоғига қарайман.
Ёрим кўчадан келса,
Қовоғига қарайман.

Ариқ бўйида мисли,
Мисли қўлимни кесди,
Пахтазордан бир йигит —
Келиб йўлимни тўсди.

Силкинади мажнун тол,
Шохларини эгиб ол,
Шундай эркин замонда,
Яхши иш кўрсатиб қол.

Дангасалар бунча ҳам —
Бедана юриш қилади.
Ишга чиқинг деганда,
Безгак хуруш қилади.

Бу менинг ғамли бошим,
Ғам билан қотган экан,
Ғам билан қотган десам,
Ғамхўрларим кетган экан.

Айрил-айрил дейдилар,
Айрилган ёмон экан.
Арпанинг сомонидек,
Сарғайган ёмон экан.

Оқ кўзим, оппоқ кўзим,
Қайларга кетди ёлғизим.
Эссизгина берган тузим,
Ешларга тўлдирди кўзим.

Мен онамнинг қадрини,
Билдимми десам, билмадим.
Кўчада босган изин,
Тўтиёлар қилмадим.

Дарёдан оқиб келаман,
Айланиб ҳам ўргилиб,
Ёр қафасга солдилар.
Сайрадим булбул бўлиб.

Бемаҳал чиқдим эшикка,
Бенавога учрадим.
Ҳамма одам шод-хуррам,
Мен балога учрадим.

Саҳар вақти саломатдир,
Улим барчага навбатдир.
Қариб ўлмоқлик давлатдир,
Ёш ўлмоқлик қиёматдир.

Толга чиқиб тол бўлдим,
Тушолмай беҳол бўлдим.
Ёргинамнинг олдида,
Ажаб, тили лол бўлдим.

Турсам саҳар бўлибди,
Юракка ғам тўлибди.
Бу волим эр дастидан,
Гулим очилмай сўлибди.

Рўмолингиз кир экан,
Қирлигидан тўқ экан.
Ошиқликнинг дардини,
Тортганингиз йўқ экан.

Қизил гул очилар гунчадан-гунча,
Ёрим сабр этмайди гул очилгунча.
Ёрим сабр этганда гул очилгунча,
Хизматида бўлардим то ўлгунча.

Оқ уйингга васса тердим,
Санаманинг жуфти-тоқ,
Оқ уйингдан ёр чиқади,
Қоши қора, юзи оқ.

Қоши қора, юзи оқнинг,
Ёри мен бўлсаммикан.
Тиззасига бош қўйиб
Кўксига жон берсаммикан.

Кўйлагимни кўкка бердим,
Гули сапсар бўлсин деб.
Кўкрагимни захга бердим,
Келса ёрим кўрсин деб.

Хўл қамишни ўтга қўйдим,
Сарғайиб куймасми деб.
Чин кўнгулни ёрга бердим,
Мендан айрилмасми деб.

Қора сочим тарайман,
Толим-толим ўрай деб,
Хар кун йўлга қарайман,
Мен ёримни кўрай деб.

Қизил олма олурсиз,
Бирин сувга солурсиз,
Қўлингизга хат бурса,
Ёримдан деб билурсиз.

Гул экдим эрмак учун,
Очилса термак учун.
Расмиңгизни сўрайман,
Соғинсам кўрмак учун.

Сочпонуғим учида,
Мунчоқлар шода-шода.
Эсон бўлсак, мақсадга —
Етишамиз дунёда.

Кўчаларнинг чанги бор,
Кимса билмас дардим бор.
Билган айтар, дарди бор,
Билмаган дер, дарбадар.

Дунёдан ўтиб боради,
Ешу нодоним мени.
Бир босиб икки қарайди,
Кўзи бодоним мени.

Бу кўринган тоғмикан,
Тевараги боғмикан.
Бу боғларнинг ичида,
Меҳрибоним бормикан.

Далага экдим тариқ,
Ёнидан олдим ариқ.
Ёрим билмайди ҳануз,
Ишқида рангим сариқ.

Қатордаги нор эдим,
Юк остида қайрилдим.
Тенгу тушим ичида,
Мен ёримдан айрилдим.

Ҳамманинг ҳам ёри бор,
Ёри ғамгузори бор.
Мен ёримни эсласам,
Дилдаги озори бор.

Чашмадан чиққан илонга,
Мен нечук занжир солай.
Кўнгли қолган ёримни,
Мен нечук кўнглин олай.

Чашма қаздим, сувни ичдим,
Лой эканин билмадим.
Кўпни кўрдим, бирни суйдим,
Ёри борин билмадим.

Кўпни кўрган, бирни суйган,
Кимни олдинг ёнингга.
Биз яна бир ёр тутиб,
Утлар ёқайлик жонингга.



АЛЛАЛАР

* * *

Мен сени алла қилай, алла,
Кўтариб катта қилай, алла.
Алла жоннинг роҳати, алла.
Уйқу кўзининг қуввати, алла.

Қора кўзим, алла,
Ширин сўзим, алла.

Урик ёғоч бешигинг, алла,
Ургилиб жетсин онанг, алла.
Тут ёғочдан бешигинг, алла,
Термулиб ўтсин онанг, алла.

Ухла, алла айтаман, алла,
Устингга лобар ёпаман, алла.
Сенинг дайди отангни, алла,
Излаб қаердан топаман, алла.

Алла-алла айтайин, алла,
Устингга тўним ёпайин, алла.
Бу ғариблик ҳасратин, алла,
Кимларга бориб айтайин, алла.

Қиш келар гупписи йўқ, алла,
Беласининг дўпписи йўқ, алла.
Отасининг давлати йўқ, алла,
Онасининг роҳати йўқ, алла.

Аллангда олгин ором, алла,
Улғайиб ўс субҳу шом, алла.
Яхшилик билан мудом, алла,
Дунёга тарқатгил, ном алла.

Э, севарим, алла,
Бўл чеварим алла!

Қизил гулнинг шохида, алла,
Ғунчамисан, нормисан, алла.
Мунглиғ онанг бахтига, алла,
Қўзичогим бормисан, алла.

Мен сени алла қилай, алла,
Кўтариб катта қилай алла.
Кўтариб катта қилиб, алла,
Уқитиб мулла қилай, алла.

Мен ўзим кўйган эдим, алла,
Куйган юракни кўрсатай, алла.
Мен сени суйган эдим алла,
Алла айтиб ухлатай алла.

Ҳавода учган турналар, алла,
Бошгинамдан ўтсалар, алла.
Қанотига хат ёзсам, алла,
Дадажонига элтсалар, алла.

Келсалар, тезроқ келсин, алла.
Душманлар уқмасдан бурун, алла.
Арзи ҳолим айтаман, алла,
Жоним чиқмасдан бурун, алла.

Суянсанг, сўрилар бўлай, алла,
Ўт ёқсанг, мўрилар бўлай, алла.
Бошингдан парвоналар бўлиб, алла,
Уйингда чўрилар бўлай, алла.

Кундошимнинг йўғида, алла,
Қалайи эрди кавушим, алла.
Кундошлиги қурисин, алла.
Балоларга қолди бошим, алла.

Дола-гуллар бор эди, алла,
Сувларга солсам сўлимас, алла,
Кундошликнинг дардидан, алла,
Кўзларда ёшим қуримас, алла.

Юрагимнинг дардлари, алла.
Қизил гулдай қатма-қат, алла.
Юраккинам ўтига, алла,
Дўзах ўти мос фақат, алла.

Тонг саҳар уйқум бузиб, алла,
Оқ сут бериб боқай, сени алла,
Катта бўлган чоғларингда, алла,
Лоақал эсла мени, алла.

Эсласанг, эсламасанг, алла,
Юксалиб ўс, шодман, алла.
Юрт писанд ётса сени, алла,
Қайғудан озодман, алла.

Дашту саҳрода ўтин, алла,
Терганларимни ким билур, алла.
Ҳасрату армон билан, алла,
Жон берганимни ким билур, алла.

Алла-алла аҳди бор, алла,
Уйқуни ҳам вақти бор, алла.
Алла айтган онангни, алла,
Қоп-қорайган бахти бор, алла.

Нидо қилдим, нидо қилдим, алла,
Сени йўқдан бино қилдим, алла.
Бу йўлда дўсту душманга, алла,
Ўзимни ошно қилдим, алла.

Адо бўлдим, адо бўлдим, алла,
Адо бўлганга йиғларман, алла.
Қариндош, ёр-дўстимдан, алла,
Жудо бўлганга йиғларман, алла.

Ғамлар бошимдан ошади, алла.
Юрагим тўлиб тошади, алла.
Ғамнинг бири кетмай туриб, алла,
Бошқаси келишга шошади, алла.

Алла десам бор бўлгил, алла,
Менга номус-ор бўлгил, алла.
Катта бўлган чоғингда, алла,
Халққа вафодор бўлгил, алла.

Ўзинг гулзор боғимсан, алла,
Суянишга тоғимсан, алла.
Қоронғу кечаларда, алла,
Ёндирган чироғимсан, алла.

* * *

Улгай, болам, гул Ватанда, алла,
Ботир бўлиб ўсгил, қўзим, алла.
Сени кўриб бу чаманда, алла,
Яйрай-қувонай, юлдузим, алла.

Роҳатингга — улуғ Ватан,
Тинчлигингга халқ посбон, алла.
Сенинг учун ҳамма бир тан,
Сеники еру осмон, алла.

Кўз тутар халқ, бутун ўлка,
Келажагим, орзум деб, алла.
Ўсиб бурка уни гулга,
Катта бўлгач қарзим деб, алла.

Деразадан ой боқади,
Ўйга сочиб қумуш нур, алла.
Аллам сенга хуш ёқади,
Ухла, жоним, қил ҳузур, алла.

Бошингда ўлтираман,
Алла айтиб тун бўйи, алла.
Юрагимни пайванд қилай,
Сенга, жоним шу куйи, алла.

Ухла, қўзим, юлдузим,
Қора кўзим-қундузим алла,
Оппоғимсан, жонимсан,
Дилимда оромимсан, алла.

Қоронғу кечалардан
Қўрқма, ҳадиксирама, алла,
Енингда бор эканман,
Ҳеч нарсадан ғам ема, алла.

Айланайин ойдиним, алла.
Эл ичида сойдиним, алла.
Қўлимдаги туйғуним, алла,
Ғапим уққан-уйғуним, алла.

Йўлбарслардай юраклим,
Қоплонлардай билаклим, алла,
Яхши-ёмон кунимда,
Менга жуда кераклим, алла.

Ухла, эркам, ол ором,
Алла-алла жон болам, алла.
Мендан зурриёд, мендан ном,
Боғда очилган лолам, алла.

Болам, қувнаб ўсасан, алла,
Дойим сенга бахтинг ёр, алла,
Ғам-кулфатни билмайсан, алла,
Ватанингдир — ҳур диёр, алла.

Айланайин алласи, алла,
Қачон тегар фойдаси, алла?!
Қароғим катта бўлса, алла.
Шунда тегар фойдаси, алла.

Сенга қўйдим яхши от, алла,
Яхши ниятдир мурод, алла.
Юрту элга суянсанг, алла,
Сенга бўлғуси қанот, алла.

Қўзим менинг қўй бўлсин, алла,
Тўплаганим тўй бўлсин, алла.
Тўйлар тўйга улансин, алла,
Давлат келиб ўралсин, алла.

Осмонда учган қушлар, алла,
Секин чиқар товушлар, алла.
Мени солма қайғуга, алла,
Болам тўйсин уйқуга, алла.

Эркин-эркин юргин алла,
Давр-даврон сургин, алла.
Узоқ яшаб, чирогим, алла,
Кўрмаганим кўргин, алла.

Ғаму ҳасрат бўлмасин, алла,
Гул юзинг ҳеч сўлмасин, алла.
Қадамингда гул унсин, алла.
Алам-кулфат кул бўлсин, алла!

Етдик яна бардамликка, алла,
Отанг келур ҳамдамликка, алла.
Ё бутунлай қолур бунда, алла,
Ёки келган бир дамликка, алла,
Қўл узатиб олса шу чоғ, алла,
Эркаланиб юзига боқ, алла.

Даста гулни даст кўтардим, алла.
Куч-мадорим борича, алла,
Сақладим гулларни сенга, алла,
Сабру қарорим борича, алла.

Алла айтиб, жон болам, ардоғлайман, алла,
Ҳеч қачон мен ёнингдан айрилмайман, алла,
Ором олиб ухлагин, жоним болам, алла,
Сени боқиб ҳеч қачон қайғурмайман, алла.

Отанг билан онангни қора кўзи, алла,
Сайраб турган булбулдай ширин сўзи, алла,
Тез ўсиб катта бўлгин, жоним болам, алла,
Менинг тилак-мақсадим шунинг ўзи, алла.

Қошгинангни қийғочи қаламмиди, алла,
Кўзгинангни қораси гавҳармиди, алла?
Бошингдаги байроғинг аламмиди, алла,
Ёки у тожи давлат сарвармиди, алла?

Радиолар сайрайди сен учундир, алла.
Яшнаган гул хирмани сен учундир, алла.
Коинотнинг қучоғи сен учундр, алла,
Ҳамма илм ўчоғи сен учундир, алла.

Ҳалқимизнинг меҳнати сен учундир, алла,
Москванинг шуҳрати сен учундир, алла.

Гагариндек ер йўлдошда учиб юргин, алла,
Кўксинг билан фазоларни қучиб юргин, алла.

Алла айтсам юрагинг, алла,
Тўйиб-тўйиб қонарми, алла.
Юракдаги аламлар, алла,
Олов бўлиб ёнарми, алла.

Эй ёронлар ҳеч кимнинг,
Боғда гули сўлмасин, алла.
Боғда гули сўлса ҳам,
Ҳаргиз боласи ўлмасин, алла.

Қиз дунёнинг зеб-зийнати,
Ўғил хонадон давлати, алла.
Дилимдаги ҳимматим,
Оғзимдаги наввотим, алла.

Дарё сувга тўлаётир, алла,
Ўғлим менга кулаётир, алла.
Ўғлим менга қараб кулса, алла,
Қўнглим нурга тўлаётир, алла.

Тоғдан ўйнаб оққан дарё, алла,
Ариқдан шудгорга оқсин, алла.
Сувдек саховатли бўлиб ўғлим, алла,
Қўкрагига юлдуз тақсин, алла.

Алла, оппоқ гавҳар, қизим, алла,
Овунчоғим, ой юлдузим, алла.
Мен сенинг онанг муштипар, алла.
Сенсан менинг икки кўзим, алла.

Бахтиёрим, кичкинтойим, алла,
Қатта бўлсанг, чевар бўлгин, алла.
Улуғ Ленин суратини, алла,
Ҳавас билан чизар бўлгин, алла.

Соч ўрнида сунбулим, алла,
Воғимдаги булбулим, алла,

Ичим ғамга тўлганда, алла,
Очувчи қулфи дилим, алла.

Ўргиламан ўзингдан, алла,
Шам чироғдек кўзингдан, алла.
Кўғирчоғим, алла,
Кўзичоғим, алла.

Қизил гул новдасидан, алла,
Камар қилай белингга, алла,
Сочларим толасидан, алла,
Боғич қилай тўнингга, алла.

Шафтоли шохига зор, алла,
Ғайнол баргига зор, алла.
Мен дадангга интизор, алла,
Кўз тутарман беқарор, алла.

Суқсур деган қуш бўлар, алла.
Тортсам, пати бўш бўлар, алла.
Отангдан гар хат келса, алла,
Менинг кўнглим хуш бўлар, алла.

Тол ичидан танлаб олган,
Тол човконим, алла.
Гул ичидан искаб олган,
Гули райхоним, алла.



ЕР-ЕРЛАР

* * *

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Бордир масал, ёр-ёр,
Ўғил бола боққанлар
Қанду асал, ёр-ёр

Ҳай-ҳай, ўлан, жон ўлан.
Келин жонон, ёр-ёр,
Шу келинни олганда
Йўқдир армон, ёр-ёр.

Тоғдан тушган арчани —
Саккиз денглар, ёр-ёр,
Саккиз қизнинг сардори —
Келди денглар, ёр-ёр.

Саккиз қизнинг сардори,
Биз бўламиз, ёр-ёр,
Саккиз боғда очилган
Гул-лоламиз, ёр-ёр.

Тўйда қизлар ўйнашиб,
Кўнгли тўлса, ёр-ёр,
Еш бошига эр қилди,
Чол ҳам бўлса, ёр-ёр

Келин келган эшикни,
Урда денглар, ёр-ёр.

От боғлаган қозиқни
Тилло денглаар, ёр-ёр.

Узун-узун аргамчи,
Ҳалунчакка, ёр-ёр.
Атлас кўйлак ярашур,
Келинчакка, ёр-ёр.

Товар кўйлак енгига,
Тут қоқайлик, ёр-ёр.
Куёв поччам бағрига
Ут ёқайлик, ёр-ёр.

Қайрағочга ип солиб,
Учган синглим, ёр-ёр.
Маҳаллага хол бўлиб,
Тушган синглим, ёр-ёр.

Қуда холам томини —
Толдан ёпган, ёр-ёр.
Тол хивичдек қамишни —
Қайдан топган, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан жон ўлан,
Қиш пўстини, ёр-ёр.
Киши ташлаб кетарми,
Жон дўстини, ёр-ёр.

Киши ташлаб кетганда,
Жон дўстини, ёр-ёр.
Уни урсин Андижоннинг —
Мирпўстини, ёр-ёр.

Тоғда тойчоқ кишнайди,
От бўлдим деб, ёр-ёр.
Уйда келин йиғлайди,
Ёт бўлдим деб, ёр-ёр.

Йиғлама қиз, йиғлама,
Тўй сеники, ёр-ёр.
Остонаси тиллодан,
Уй сеники, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Мис панжара, ёр-ёр.
Ҳар жафога кўнади,
Қиз бечора, ёр-ёр.

Тоғдан арча тушади,
Иморатга, ёр-ёр,
Биз ҳам Ушга борамиз,
Зиёратга, ёр-ёр.

Унг қўлимда офтоба,
Тахоратга, ёр-ёр.
Чап қўлимда сочиғим,
Салтанатга, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Гул кесганим, ёр-ёр.
Бир ҳовлида ўйнашиб,
Тенг ўсганим, ёр-ёр.

Тенг ўсганим жўнаса,
Узатайин, ёр-ёр.
Кетмон олиб йўлларин,
Тузатайин, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Ўланчи қиз, ёр-ёр.
Ваъдасида турмаган,
Елғончи қиз, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Сиёсатли, ёр-ёр.
Икки қуда бир-бирига,
Шарофатли, ёр-ёр.

Қиш кунда совуқ еб,
Ҳориб келдик, ёр-ёр.
Аччиқ-тирсик керакмас,
Койиб келдик, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Тузлуқда туз, ёр-ёр.
Хуш келибсиз, қудалар,
Хизматдабиз, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Ҳай-ҳайлатай, ёр-ёр.
Мен укамнинг тўйларин,
Карнайлатай, ёр-ёр.

Қат-қат кўрпа устида,
Пиёламан, ёр-ёр.
Ёрга салом бергани,
Уяламан, ёр-ёр.

Бир салом-икки салом,
Қалам қошга, ёр-ёр.
Токай салом бераман,
Бағритошга, ёр-ёр.

Тахта-тахта кўприк,
Тахтинг бўлсин, ёр-ёр.
Пайғамбарнинг қизидек,
Бахтинг бўлсин, ёр-ёр.

Пайғамбарнинг қизини,
Ким кўрибди, ёр-ёр.
Ота-она меҳрига,
Ким тўйибди ёр-ёр.

Дарёга тош отманглар,
Ботар-кетар, ёр-ёр.
Узоққа қиз берманглар,
Олар-кетар, ёр-ёр.

Узоққа берган қизнинг,
Ранги сариқ, ёр-ёр.
Кўзидан оққан ёши,
Мисли ариқ, ёр-ёр.

Мисли ариқ, мис бўлсин,
Сомон бўлсин, ёр-ёр.
Узоққа тушган синглим,
Омон бўлсин, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Алвон бўлинг, ёр-ёр.
Кўтар-кўтар деганда,
Полвон бўлинг, ёр-ёр.

Чимилдиқнинг ёнидан
Сичқон қочди, ёр-ёр.
Писта-майиз тополмай,
Куёв қочди, ёр-ёр.

Қочди-қочди деманглар,
Қочгани йўқ, ёр-ёр.
Ҳамёнининг боғини,
Очгани йўқ, ёр-ёр.

Чимилдиқнинг ёнидан
Қил ўтади, ёр-ёр.
Келин ойим келгунча,
Йил ўтади, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Ҳай бўз оти, ёр-ёр.
Довул қоқсам кишнайди,
Паризоди, ёр-ёр.

Бўз арғумоқ чопилур,
Улоқларга, ёр-ёр.
Тилла балдоқ ярашур,
Қулоқларга, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Ойинг бўлай, ёр-ёр.
Самоварда қайнаган,
Чойинг бўлай, ёр-ёр.

Той ҳам бўлса минамиз,
От ўрнига, ёр-ёр,
Сув ҳам бўлса ичамиз,
Чой ўрнига, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Бир боғ ўсма, ёр-ёр,
Узоқ ердан келамиз,
Йўлни тўсма, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Ой ботмасин, ёр-ёр.

Куёв-қаллиғ ётганда,
Тонг отмасин, ёр-ёр.

Тонг отса ҳам майлига,
Уйғотмасин ёр-ёр.
Уйғотса ҳам майлига,
Тур демасин, ёр-ёр.

Тур деса ҳам майлига,
Юр демасин, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Киройи қиз, ёр-ёр.
Упа-элик кераксиз,
Чиройли қиз, ёр-ёр.

Чимилдиғинг чип-чинор,
Бўйинг чинор, ёр-ёр.
Бўйингга кўз тегмасин,
Осай тумор, ёр-ёр.

Драванинг тагида,
Бир боғ похол, ёр-ёр.
Куёв поччам сўрасанг,
Паҳмоқ соқол, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Кўлда бақа, ёр-ёр.
Келин ойм сўрасанг,
Ўтмас чақа, ёр-ёр.

Ёр-ёр айтсанг, бери, кел.
Айтишайлик, ёр-ёр.
Оқ милтиқ, қора милтиқ,
Отишайлик, ёр-ёр.

Оқ милтиқ, қора милтиқ
Отган отам ёр-ёр.
Ўз қизини ёт кўриб,
Сотган отам ёр-ёр,

Ўз қизининг ўрнига,
Бодом эксин, ёр-ёр.

Бодом шохи қайрилса,
Болам десин, ёр-ёр.

Қат-қатгина қатлама,
Қатланади, ёр-ёр.
Қизни олиб янгалар,
Отланади, ёр-ёр.

Қизни олиб янгалар,
Тура турсин, ёр-ёр.
Оқ сут берган онаси,
Рози бўлсин, ёр-ёр,

Қиёматлик отаси,
Қози бўлсин, ёр-ёр.

Араванинг тагига,
Сепдим кепак, ёр-ёр.
Келин ойим сеплари,
Бари ипак, ёр-ёр.

Шалдир-шулдир қамишга,
Сирғам тушди, ёр-ёр.
Синамаган йигитга,
Синглим тушди, ёр-ёр.

Синглим учун қовурғам,
Қайишади, ёр-ёр.
Қўлимдаги қўш узук,
Майишади, ёр-ёр.

Узоқ-узоқ йўл юриб,
Сурилманглар, ёр-ёр.
Ўн беш тилло пул бериб,
Керилманглар, ёр-ёр.

Ўн беш тилло қалини,
Харжлаб келдим, ёр-ёр.
Тўлган ойдек синглимни,
Бошлаб келдим, ёр-ёр.

Андижондан ўт ёқсам,
Ўшда тутун, ёр-ёр.

Бу дунёда бормикан,
Бағри бутун, ёр-ёр?

Бу дунёда топилса,
Бағри бутун, ёр-ёр,
Қоғоздан қозон қилай,
Гулдан ўтин, ёр-ёр.

Ёр-ёр айтиб келаман,
Кимнинг тўйи, ёр-ёр?
Оқ гул билан қизил гул,
Қизнинг тўйи, ёр-ёр.

Куёв поччам отлари,
Ўйнаб кишнар, ёр-ёр.
Устидаги ёпиғи,
Ўтдай яшнар, ёр-ёр.

Давлатингнинг борида,
Тўй қилакўр, ёр-ёр.
Остонаси тиллодан,
Ўй қилакўр, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Келин келди, ёр-ёр.
Келин билан қўшилиб,
Давлат келди ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Адабингиз ёр-ёр.
Қани куёв тўй олдида,
Садафингиз, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Узук-узук, ёр-ёр.
Қани куёв тўй олдида,
Тилло узук, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Қийналур жон, ёр-ёр.
Қани куёв тўй олдида,
Шода маржон, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан
Уйга устун, ёр-ёр.
Қани келин-куёвга,
Сувсар пўстин, ёр-ёр?

Қатор-қатор туялар,
Бўтанг қани, ёр-ёр?
Бўта кўзли жон синглим,
Отанг қани, ёр-ёр?

Отанг бўлса тўйинга,
Келмасмиди, ёр-ёр.
Хуш келибсиз, қудалар,
Демасмиди, ёр-ёр.

Ола қопга суянган,
Онангмиди, ёр-ёр?
Уйнамайди-кулмайди,
Уғаймиди, ёр-ёр?

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Отасизим, ёр-ёр.
Отасининг йўғида
Баҳосизим, ёр-ёр.

Араванинг гупчаги,
Ларзон кетди, ёр-ёр.
Эссизгина жон синглим,
Арзон кетди, ёр-ёр.

Чимилдиқнинг ёнида,
Дада қошиқ ёр-ёр.
Куёв поччам сўрасанг,
Олтин ошиқ, ёр-ёр.

Ёр-ёр айтиб борамиз,
Элимизга, ёр-ёр.
Шойи чорси боғлатинг,
Белимизга, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Улан кўпдир, ёр-ёр.

Ўлан-айтган тилингдан,
Менга ўпдир, ёр-ёр.

Қайнана яхши бўлса,
Ўз боласи, ёр-ёр.
Қайнана ёмон бўлса.
Ёт боласи ёр-ёр.

Ёр-ёр айтсанг, бери кел,
Айтишайлик, ёр-ёр.
Арғамчини тенг солиб,
Тортишайлик, ёр-ёр.

Чимилдиқнинг боғини,
Тўқиган қиз, ёр-ёр.
Маълумотли, саводхон,
Ўқиган қиз, ёр-ёр.

Чимилдиқнинг боғини,
Боғлади қиз, ёр-ёр.
Ота-она бағрини,
Доғлади қиз, ёр-ёр.

Бизлар ёр-ёр айтайлик,
Бирдай бўлиб, ёр-ёр.
Тонг саҳарда очилган,
Гулдай бўлиб, ёр-ёр.

Ёр-ёр айтиб эшикдан,
Қизлар келар, ёр-ёр,
Келин ойим кўзлари,
Ёшга тўлар, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Тўйдир бугун, ёр-ёр.
Дўст келиб, душман кетар,
Кундир бугун, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Гул қайда бор, ёр-ёр,
Бир яхшига бир ёмон,
Ҳар ерда бор, ёр-ёр,

Келинчакнинг тоmidан,
Қийғир учди, ёр-ёр,
Куёв йигит томига —
Бориб тушди, ёр-ёр.

Куёв йигит томини
Толдан ёпган, ёр-ёр.
Шундай яхши қайлиқни,
Қайдан топган, ёр-ёр.

Бизнинг боғлар кетида
Бир туп анжир, ёр-ёр,
У анжирнинг тагида,
Тилла занжир, ёр-ёр.

Тилла занжир боғини,
Узиб бўлмас, ёр-ёр.
Севги қурган тақдирни,
Бузиб бўлмас, ёр-ёр.

Токчадаги қайчини,
Чанг босибди, ёр-ёр.
Чиқазилаётган қизни,
Ғам босибди, ёр-ёр.

Қишлоғингни йўллари,
Айланмачак, ёр-ёр.
Келин ойим сўрасанг,
Тилла гажак, ёр-ёр.

Тоғдан кийик келади,
Сув ичгани, ёр-ёр.
Боққа булбул келади,
Гул очгани, ёр-ёр.

Булбул очган гуллари,
Тарам-тарам, ёр-ёр.
Келин ойим қошлари,
Қалам-қалам, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Айнагингиз, ёр-ёр.
Қани, куёв, тўй олдида,
Карнагингиз ёр-ёр.

Эски боғнинг узуми,
Пирқи экан, ёр-ёр.
Куёв поччам сўрасанг,
Хирқи экан, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Чой қутингиз, ёр-ёр.
Қани, куёв, тўй олдида —
Барқутингиз, ёр-ёр.

Келин ойим кўйлак олган,
Крепдешин, ёр-ёр.
Қойил қилиб, мукофотга —
Колхоз ишин, ёр-ёр.

Балли дейман ҳамиша,
Меҳнатингга, ёр-ёр.
Меҳнат билан бирга келган —
Давлатингга, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Уйнаб қолинг, ёр-ёр.
Уялмасдан келинни,
Гапга солинг, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Толдан капа, ёр-ёр.
Нари туринг, йигитлар,
Қизлар хафа, ёр-ёр.

Аравакаш қаламқош,
Чироқ ушланг, ёр-ёр.
Қошингиз қора экан,
Йўлни бошланг, ёр-ёр,

Бизнинг томлар кетида,
Эгри қовоқ, ёр-ёр.
Келин ойим сўрасанг,
Дарди томоқ, ёр-ёр.

Баланд-баланд тоқчадан,
Тавоқ олдим, ёр-ёр,
Ўзим тенги қизлардан,
Сабоқ олдим, ёр-ёр.

Ўзим тенги қизларнинг,
Устасиман, ёр-ёр.
Янги чиққан каштанинг,
Нусхасиман, ёр-ёр.

Оқ жўйлагим енгини,
Сўкдим яна, ёр-ёр.
Оқ сутингга рози бўл,
Кетдим, она, ёр-ёр.

Узун-узун супурги,
Уй тузуги, ёр-ёр.
Қурисин қиз боланинг,
Уй бузуги, ёр-ёр.

Тогдан кийик тушади,
Изи билан, ёр-ёр,
Она кашта тикади,
Қизи билан, ёр-ёр.

Онаси уйда қолиб,
Қизи келсин, ёр-ёр.
Куёв-қайлиқ ўйнашиб,
Орзу қонсин, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Хокандоз сол, ёр-ёр.
Куёв поччам келяпти,
Якандоз сол, ёр-ёр.

Эр йигитлар кураш тушса,
Шолпар боғлар, ёр-ёр,
Куёв ўзи кўтарсин деб,
Келин йиғлар, ёр-ёр.

Ёр-ёр айтиб келаман,
Биласизми, ёр-ёр.
Ёр-ёримнинг қадрипа,
Етасиами, ёр-ёр.

Хай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Жоним фидо, ёр-ёр.
Шу қиз бола ишқида,
Бўлдим адо, ёр-ёр.

Қийғоч қоши қалдирғоч —
Қанотидай, ёр-ёр.
Лаби қандолатфуруш —
Навотидай, ёр-ёр.

Ёр-ёр айтиб келаман,
Бундай бўлиб, ёр-ёр.
Тегирмондан чиқарган —
Ундай бўлиб, ёр-ёр.

Ёр-ёр айтиб келаман,
Йўл беринглар, ёр-ёр.
Уланчининг пириман,
Қўл беринглар, ёр-ёр.

Куёв поччам қўлида
Толпинар қуш, ёр-ёр,
Келин ойим узуги,
Тоза кумуш, ёр-ёр.

Қўлидаги кумуши,
Давлат бўлсин, ёр-ёр,
Қўндирилган қушлари,
Фарзанд бўлсин, ёр-ёр.

Боғларимиз кетидан,
Пичан ўрма, ёр-ёр.
Келин ойн сеплари,
Тошкент форма, ёр-ёр.

Чаман-чаман далага,
Қарашган қиз, ёр-ёр.
Машиналар рулига,
Ярашган қиз, ёр-ёр.

Мусобақа шартига
Келишган қиз, ёр-ёр.
Баҳс бойлашиб ўйинда
Севишган қиз, ёр-ёр.

Меҳнатда донги кетган,
Шуҳратли қиз, ёр-ёр.
Колхозимиз илғори,
Ҳурматли қиз, ёр-ёр.

Иш чоғида шимариб,
Қўйлак енгин, ёр-ёр.
Меҳнат билан ҳимариб,
Топган тенгин, ёр-ёр.

Ошиқ-маъшуқ ётганда,
Тонг оқарсин, ёр-ёр,
Ўз тенгига қўшилган,
Қўшақарсин, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Боғлар обод, ёр-ёр.
Йигит-қизлар сайр этар,
Унда озод, ёр-ёр.

Ишқ дардига дўстларим,
Даво бўлмас, ёр-ёр.
Айта берсам қиссаси,—
Адо бўлмас, ёр-ёр.

Муҳаббатсиз кишилар,
Қадр билмас, ёр-ёр.
Тамсил айтган сўзлари,
Таъсир қилмас, ёр-ёр.

Дарди йўқнинг кўнглида —
Наво бўлмас, ёр-ёр,
Қора кўнгул кишида —
Вафо бўлмас ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Ҳаво қилай, ёр-ёр,
Ишқ йўлида тилимни,—
Гўё қилай, ёр-ёр.

Тош кўнгулда муҳаббат —
Пайдо қилай, ёр-ёр.
Ишқ йўлида ўзимни —
Шайдо қилай, ёр-ёр.

Келинчакни сўрасанг,
Ўзи ёшдир, ёр-ёр,
Ўрта бўйли, ширин сўз,
Қаламқошдир, ёр-ёр.

Келин ойим сўзларин —
Шакар денглар, ёр-ёр,
Уйнаб турган кўзларин —
Гавҳар денглар, ёр-ёр.

Оппоқ садаф тишлари,
Дурдонадир, ёр-ёр,
Қанча одам бошидан
Парвонадир, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Парвонаман, ёр-ёр.
Маъшуқамга етай деб,
Девонаман, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Овораман, ёр-ёр.
Етишган чоғ ёримга,
Елбораман, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Қайчи қуда, ёр-ёр,
Икки ёрти-бир бутун —
Бўлган шуда ёр-ёр.

Қизил гул билан оқ гул,
Хуш бўлибди, ёр-ёр,
Куёв қўлига келин,
Қуш бўлибди, ёр-ёр.

Бири олтин, бири кумуш,
Пар бўлибди ёр-ёр.
Бири мушку бири анбар,
Ёр бўлибди, ёр-ёр.

Иккаласин юзидан —
Нурлар томар, ёр-ёр.
Бир-бирин соғинишиб,
Бўлган хумор, ёр-ёр.

Партиямиз бу боғнинг,
Боғбонидир, ёр-ёр.
Соғлом танда айланган,
Пок қонидир, ёр-ёр.

Тут ёғочга ип солиб,
Учган синглим, ёр-ёр.
Меҳнатда шону шуҳрат —
Қучган синглим, ёр-ёр.

Катта маъсул хизматда,
Бошлиқ синглим, ёр-ёр.
Қалдирғоч қанотидек,
Қошлиқ синглим, ёр-ёр.

Куёв поччам пешонаси,
Ялтирайди, ёр-ёр.
Созандалар тополмай,
Қалтирайди, ёр-ёр.

Ота-онанг эшиги,
Ипормиди, ёр-ёр.
Утсанг-кетсанг сочларинг,
Силармиди, ёр-ёр.

Қайнатанг дарвозаси —
Илма тешиқ, ёр-ёр.
Утсанг-кетсанг сочларинг,
Юлар эшиқ, ёр-ёр.

Куёв-қайлиқ Ватанни —
Она билсин, ёр-ёр.
Фарзандлари халқ учун —
Хизмат қилсин, ёр-ёр.

Бизнинг ҳовли кетида,
Мирзатерақ, ёр-ёр.
Мирзатерақ ёнида,
Сўзан ўрдақ, ёр-ёр.

Сўзан ўрдақ учириб,
Овлаганмиз, ёр-ёр.
Този билан қуёнлар,
Қувлаганмиз, ёр-ёр.

Обдастанинг савоғи,
Учиқ экан, ёр-ёр.
Куёв гоччам сўрасанг,
Пучуқ экан, ёр-ёр.

Сепояга сут қўйдим,
Ачисин деб, ёр-ёр.
Қариндошга қиз бердим,
Ёлчисин деб, ёр-ёр.

Қариндошим орзулаб,
Қуда бўлди, ёр-ёр.
Охирида ёмонлаб,
Жудо бўлди, ёр-ёр.

Дарёларнинг ул ювидан
Гуллар тердим, ёр-ёр.
Ўз қизимни суйганига,
Эрга бердим, ёр-ёр.

Дарёларнинг бўйларига —
Экдим райхон, ёр-ёр.
Суйганига теккан қизда,
Йўқдир армон, ёр-ёр.

Араванинг гупчаги,
Ўққа лойиқ, ёр-ёр.
Менинг синглим сўрасанг,
Мардга лойиқ, ёр-ёр.

От чопганда гумбурлар,
Тоғ дараси, ёр-ёр.
Меҳнат билан мард бўлар,
Эр сараси, ёр-ёр.

Боргайсану боргайсан,
Келмагайсан, ёр-ёр.
Келганда ҳам аввалгидек —
Бўлмагайсан ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан.
Ой каби тўл, ёр-ёр.
Ота-онам қолди деб,
Хабардор бўл, ёр-ёр.

Биздан олдин боболар —
Ўтган экан, ёр-ёр.
Бизга эрк олиб бериб,
Кетган экан, ёр-ёр.

Тўйларда бобо Ленинни,
Ёд эталик, ёр-ёр.
Инқилобчи оталарни,
Шод этайлик, ёр-ёр.

Ленин бобом плани —
Бизга режа, ёр-ёр,
Йиллар ўтди, кўрдик биз,
Кўп натижа, ёр-ёр.

Хай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Дандонаси, ёр-ёр.
Келинга хуштор бўлган,
Қайнанаси, ёр-ёр.



ЎЛАНЛАР,
ЛАПАРЛАР,
ЯЛЛАЛАР

* * *

Ўланларнинг аввал боши-таман тоши,
Тўй олдидан тортганим сўқим оши,
Ҳаддинг бўлса, қани келиб ўлан бошла,
Бу элатнинг манман деган кекса-ёши!

Баланд-баланд тоғларнинг қори бўлар,
Ўнгирида бургут, лочин сори бўлар.
Ўланчилар манмансираб керилмайди,
Эр оғаси-мард йигитнинг ори бўлар.

Булут бўлса, кун чиқмай ҳам киради кеч,
Дарё, сойни кўриб, кейин этикни еч.
Йигирмага кирган бўйим дархон дерсан,
Кўса киши қариганин билмайди ҳеч.

Сурик билан ҳайдаганим олти совлиқ,
Ипагингдан бер менга тўпга бовлиқ.
Ипагингдан бермасанг тўпга бовлиқ,
Маҳаллангга соламан гала довруқ.

Қуван қарга деганда, қуван қарга,
Қуваласам кетади узоқларга.
Ҳаргиз ошна бўлманглар жувонларга,
Сизни ташлаб кетади туманларга.

Дарё тўлиб оқади Аҳси билан,
Ўйнаб-кулаверинглар яхши билан.

Уйнаганда-кулганда яхши билан,
Белбоғ тикиб беради нақши билан.

Қўшиқ айтсанг мендек айтгин, шундай қилиб.
Тегирмонда саз тортилган ундай қилиб.
Баракала қиз боққан онасига,
Енбағирда очилган гулдай қилиб.

Шом бўлса, мен йироқни кўзлайин,
Бўтаси ўлган туядай бўзлайин.
Бўтаси ўлган туялар бўз бўлур,
Дил билан суйган ёрингиз саз бўлур.

Ўлан айтсам, ўланчи дейди мени,
Йўлда ётсам, оч бўри ейди мени.
Оч бўрининг оғзига қилдан арқон,
Йигирмага киргунча юрдим дархон.

Ой олдида бир юлдуз, ойдан қолди,
Кўк мунгизли кўк серкам қўйдан қолди.
Қишлоғингиз қизлари ёмон экан,
Тор кавушни талашиб тўйдан қолди.

Анойидир деганда, анойидир,
Кавуш-маҳси қизларга бинойидир.
Талашмасдан на қилсин бизнинг қизлар,
Танавори бедона, қалойидир.

Олти қизнинг ичида отинг Хурбуш,
Рўмолингни учида хамиртуруш.
Йигирмага киргунча эр олмаса,
Онани билан қиласан кунда уруш.

Олти қизнинг ичида отинг Анор,
Нақш олмадек юзингдан қонлар томар.
Нақш олмадек юзингдан ўпич берсанг,
Ўз тенгимнинг ичида кўнглим қонар.

Нарги тоғда қор ёғса, бунда қиров,
Ақл билан ҳушимни олди биров.
Ақл билан ҳушимни олса биров,
Ётса-молим, етмаса-жоним гаров.

Улан-ўлан деганда, ўлан кўпдир,
Улан айтган тилингдан менга ўпдир.
Улан айтган тилингдан ўпдирмасанг,
Сен ўнга-ю мен чапга, йўллар кўпдир.

Уял-уял деганда, уялса-чи,
Айтолмаган оғизни тиёлса-чи!
Улан айтган вақтида ким айниса,
Юзларига қозонкуя суркалса-чи!

Отинг Бозор деганда, отинг Бозор,
Тол-толгина сочингни тароқ ёзар.
Яхши билан ўйнашсанг, кўнглинг бозор,
Ёмон билан ўйнашсанг, кўнглинг озар.

Ола тоғнинг бошидан кўч келади,
Қора йўрға селкиллаб бўш келади.
Ўз ёрингдан айрилиш ёмон экан,
Қора кўздан мўлтиллаб ёш келади.

Туяси хўп мол экан бўзлайдиган,
Жуни чакмон бўлади тўзмайдиган.
Ваъда берсанг қизларнинг мардига бер,
Ваъда берган жойидан ўзмайдиган.

Оқ олма, қизил олма пишмайдиган,
Икки яхши бир ерга тушмайди-кан.
Икки яхши бир ерга тушиб қолса,
Бу дунёдан ўтганин билмайди-кан.

Шўр булоғи деганда, шўр булоғи,
Эрта билан тарқалар кўл булоғи.
Шойи билан шолпарни кийиб олиб,
Куйдиради қизларнинг сердумоғи.

Намангандан чопган от суринмайди,
Гервас қизлар этаги кўринмайди.
Шоҳи билан шолпарни кийиб олса,
Қаригани ўзига билинмайди.

Бувишингдан деганда, бувишингдан,
Оёғингда қалайи кавушингдан.

Қушга таққан қўнғироқ овозидай,
Акагинанг ўргилсин товушингдан.

Олма-ўрик деганда, олма-ўрик,
Маҳалланинг ичида қилдинг кўрик.
Маҳалланинг ичида қилсанг кўрик,
Сендан бўлган болага мен ҳам шерик.

Ўйна туриб деганда, ўйна туриб,
Ўртанаман-жуяман сени кўриб.
Ўртанганда-куйганда сени кўриб,
Эрмаклайсан, куласан лабинг буриб.

Ой олдида бир юлдуз ҳулкарча бор,
Ўлтирганинг-турганинг шунқорча бор.
Қизлар ўлса қизил гул сўлганча бор,
Йигит ўлса қиёмат бўлганча бор.

Доим менинг минганим бўз бўлса-чи,
Минганимнинг йўргаси соз бўлса-чи.
Бошим олиб кетаман ёлғиз йўлда,
Йўлдошимнинг бирови қиз бўлса-чи!

Мулла Холвой деганда, мулла Холвой,
Кўк қарчиғой қўлимда, енгил-долвой.
Айланмакўл айланиб қуш соламан,
Сулув қизнинг дўғига чидаёлмай.

Қиё-қиё тоғларнинг қирғизи бор,
Мулла Холвой уйида бир қизи бор.
Утган-кетган йигитнинг кўзи шунда,
Манглайида саратон юлдузи бор.

Отинг Қурбон деганда, отинг Қурбон,
Қурбон десам юрагим ларзан урган.
Баракалла, Қурвонжон, ҳимматингга,
Ваъда берган жойига бориб турган.

Беданаман деганда, беданаман,
Дала-қирда йўрғалаб кун кўраман.
Бармоғимнинг учида бир дардим бор,
Қизлар табиб бўлмаса, мен ўламан.

Бугдойпоя деганда, бугдойпоя,
Сени мендан ажратди Улуғ қоя.
Агар Улуғ қоялар қулаб тушса,
Бошгинангга соламан шунда соя.

Намангандан ҳайдадим тўртта совлиқ,
Ипагингдан бер менга тўнга лойиқ.
Ипагингдан бермасанг тўнга лойиқ,
Маҳаллангга соламан чола довруқ.

Унинг ўчсин деганда, унинг ўчсин,
Қора қайчи тилингниг учин кессин.
Яна қайтиб уятли ўлан айтсанг,
Ит ялоқда ош ичиб кунинг ўтсин.

Адирлардан келаман қўйни ёйиб,
Йўлда қолди оқ серка, музда тойиб.
Оқ серканинг бўйнида чолмаси бор,
Шу қиз бола қўйнида олмаси бор.

Намангандан чопган от қум талашур,
Ойим, сизга шойи тўн хўп ярашур.
Шойи тўннинг енги тор, тортолмайман,
Ойим, сизга сиримни айтолмайман.

Жуганимни деганда, жуганимни,
Отам олиб бермасмиш суйганимни.
Отам олиб бермаса суйганимни,
Қизлар ўзи билади куйганимни.

Осмонда бир юлдуз бор, визиллайди,
Қизнинг қўйни саратонда жизиллайди.
Ешлигимда йўлиққан бир дардим бор,
Қиз қўйнига кирмасам, ёзилмайди.

Осмондаги айланган оқ сормикан,
Отиб олсам, боласи қақшармикан.
Қизлар билан баҳслашиб, ўлан айтсам,
Товушига-товушим ўхшармикан?

Сен ҳам сарсон, қиз бола, мен ҳам сарсон,
Икки сарсон бир бўлсак, ҳамма ҳайрон.

Сарсон бўлган қиз бола шолпар кийди,
Ўз тенгига суюшиб тегди дейди.

Ғадир-будир ерларда отим юрган,
Семиз отга қуюшқон ботиб юрган.
Сендай-сендай қизларни кўп кўрганман,
Олма-анор қўлтиқлаб, сотиб юрган.

Қиз ўн бешга кирганда, тўлар экан,
Икки кўзи йигитда бўлар экан.
Йигирмага киргунча эр олмаса,
Қизил гулнинг баргидай сўлар экан.

Жўхориға сув қўйсанг поя бўлур,
Оқ қалпоғим бошимга соя бўлур.
Қиз болани бермаса суйганига
Суймагани қўлида зое бўлур.

Ўлан-ўлан деганда ўлган борми,
Ўлган одам тирилиб келган борми?
Ўлган одам тирилиб келган бўлса,
Икки кўзи жовдираб қолган борми?

Аччи сойин оқар суви, лой балчиғи,
Золим бойнинг қуриб кетсин аччиғи,
Золим бойнинг ўлганин мен эшитсам,
Қолар эди юрагимнинг санчиғи.

Олти қизнинг ичида отинг Зариф,
Сен Зарифни оламан қалин бериб.
Сен Зарифни олганда қалин бериб,
Маҳаллангдан ўтаман кўкрак кериб.

Ой олдида бир юлдуз, ойларча бор,
Гулзоримнинг ичида бир гунча бор.
Бу гунчанинг очилиши айни баҳор,
Булбулларнинг сайраши айни саҳар.

Анор эккан жойларим ўйдим-ўйдим,
Қизлар зиёфати деб серка сўйдим.
Ичиб турган чойимни ерга қўйдим,
Нақш олмадек юзларига энди тўйдим.

Ёмғир ёғиб келади тузоғ айлаб,
Колхозчи қиз келади ғўза бўйлаб.
Саҳар вақтида кўрдим, каналда у,
Тош, тупроқни ташийди, сочин боғлаб.

Баҳорда ҳам ариқларда сувлар ярим.
Етимчаман, биласиз-ку, кўнглим ярим.
Сув келмаса боғлардаги гуллар сўлар,
Келмасангиз, юрагимга қонлар тўлар.

Оппоқ ойдин кечада ёр келади,
Пасон деманг, кўнглимга ор келади.
Ҳазил гапга чидамайди бизнинг ёр,
Мен жилмайсам, қовогидан қор келади.

Қошгинангни қорасига пайвастаман,
Сени бир кўрмоқликка ҳавасдаман.
Сени бир кўрмоқ менга мушкул экан,
Тўти қушнинг боласидек қафасдаман.

Томга қўйган тарновнинг томчисиман,
Қўқон кетган ёримнинг қамчисиман.
Қўқон кетган ёримнинг йўли бўлсин,
Янги чиққан шойидан тўни бўлсин.

Тенг тушайлик деганда, тенг тушайлик,
Туяларга юкларни ортишайлик.
Янги чиққан шойини тортишайлик,
Қизлар билан ўланлар айтишайлик.

Дарёларнинг ул юзида кўрдим сизи,
Чин муҳаббат ўти билан суйдим сизи.
Чин муҳаббат ўти билан суйсам сизи,
Ёшлигимда кўз очиб, кўрдим сизи.

Этигининг пошнасидан танийман,
Қадамингга ҳарна борим санайман.
Ҳар ўтганда бир бор кириб кетмасанг,
Кеча-кундуз хуни бийрон йиғлайман.

Салом айтинг, осмондаги юлдузлар,
Уйқум келмас эслаб кеча-кундузлар.

Боғда бўлса, хабар беринг, юлдузлар,
Шахло кўзим, қизил юзли шўх қизлар.

Қиз экансан, билмадим қароғингдан,
Қўйган хинанг кетмаган тирноғингдан.
Ўз куйганим-ўзимга етмасмиди,
Сен куйдириб борасан бир ёғингдан.

Олти қизнинг ичида отинг Турсун,
Чини билан сув қўйсанг, тиниб турсин.
Чини билан чақирсанг, мен борайин,
Ёлгон билан чақирсанг, бетинг қурсин!

Олти қизнинг ичида отинг Сурма,
Сурмажоним, туя миниб тунда юрма!
Гапга кирмай, туя миниб тунда юрсанг,
Тол бўйингга кўз тегар, гулгун кийма!

Энгашайлик, янгажон, энгашайлик,
Нари борма, янгажон, кенгашайлик.
Қўлтиғингиз тагидан қўл юборсам,
Қўлинг совуқ, укажон, демасангиз.

Олатоғнинг бағрида қайнар булоқ,
Қайнотани билмаган қизлар чуноқ.
Чуноқ-чуноқ деганда, қизлар чуноқ,
Қайси бойнинг қизисан, шалпанг қулоқ?

Олатоғнинг бағридан кўз олайин,
Қоши-кўзи қийилган қиз олайин.
Олатоғнинг бағридан олдим қайроқ,
Тўқим солмай тўриқ отни миндим яйдоқ.

Қўноқ-қўноқ деганда ўзим қўноқ,
Элатингда қўноқлаб, бўлдим нўноқ.
Ёмон қизга мол бериб ялингунча,
Улфатчилик дол қўйиб, юрдим бўйдоқ.

Қизил-қизил қиядан қий соламан,
Қизил гулнинг баргидан уй соламан.
Қизил гулнинг барглари тарам-тарам,
Суйганимни олиб берсин менинг отам.

Олти қизнинг ичида отинг Ашур,
Эринг доим навкарларга кира ташир.
Озиб-ёзиб қишлоғингга бир ёз борсам,
Куюк кулча тополмай, бошин қашир.

Ўрда бўлса деганда, ўрда бўлса,
Утолмайман тўшагинг тўрда бўлса.
Кечаси бир келинг деб ваъда бердинг,
Киrolмайман жазманинг уйда бўлса.

Ўргилайин жон янга, жоним янга,
Қирқ кокиллик қизингни қўшгин менга.
Қирқ кокиллик қизингни қўшсанг менга,
То ўлгунча хизматлар қилай сенга.

Тайғанчоққа от солганда тойишади,
Устидаги эгар-жабдуқ майишади.
Қиз танлашга элимизга нега келдинг,
Қалин учун қовурғанг қайишади.

Пойга куни чопганим ола пакки,
Элимизда мақтаниб, қилдинг чакки.
Гапга чечан қизлар туриб ўлан айтса,
Унга жавоб тополмай ерсан дакки.

Овга солган шунқорим қиялади,
Бошингдаги тулки телпак куялади.
Ўлан айтсанг, айнимай тўғри айтгин,
Элатимиз қизлари кўп уялади.

* *
*

— Қошингни қора дейдилар,
Қора қош укам, ёр-ёр.
Кўрсат қошингни мен бир кўрай,
Жоним укам, ёр-ёр.

— Қошимни кўриб нима қиласиз,
Сиз акажоним, ёр-ёр?
Қалдирғочнинг қанотини —
Кўрмабмидингиз, ёр-ёр?

— Кўзингни шахло дейдилар,
Шахло кўз укам, ёр-ёр.
Кўрсат кўзингни мен бир кўрай,
Жоним укам, эй ёр-ёр.

— Кўзимни кўриб нима қиласиз,
Сиз акажоним, ёр-ёр?
Тоғда оҳу кўзларини,
Кўрмабмидингиз, ёр-ёр?

— Юзингни қизил дейдилар,
Қизил юз укам, ёр-ёр,
Кўрсат юзингни, мен бир кўрай,
Жоним укам, эй ёр-ёр.

— Юзимни кўриб нима қиласиз,
Сиз акажоним, ёр-ёр?
Боғлардаги қизил гулни,
Кўрмабмидингиз, ёр-ёр?

КЕЛИН САЛОМ

Ухў-ўхў йўталган,
Обдастани кўтарган,
Ёр-ёру чаҳор ёро,
Қайнатасига салом.

Оқ сақичдай эшилган,
Маҳаллада керилган,
Ёр-ёру чаҳор ёро,
Қайнанасига салом.

Ҳиммати дарё кўли,
Қиз болаларнинг гули,
Ёр-ёру чаҳор ёро,
Қайнисинглисига салом!

Кир ювилган совундай,
Ичи тушган қовундай,
Ёр-ёру чаҳор ёро,
Аммаларига салом!

От емиши арпадан,
Турулмайти кўрпадан,
Ёр-ёру чаҳор ёро,
Раисига бир салом!

Қизил олманинг пўсти,
Куёв йигитнинг дўсти,
Қолмасин каму кўсти,
Ҳаммаларига салом!

Ғўзадаги печакдай,
Қайрилмачоқ гажакдай,
Очилган гул чечакдай,
Қайнагачисига салом!

Ариқдаги зулукдай,
Қоши кўзи пиликдай,
Қоқиб қўйган иликдай,
Овсинига салом!

Катта боғнинг анори,
Уйнинг ёнган фанори,
Ёр-ёро чаҳро ёро,
Синглисига бир салом!

Томга қўйган шотидай,
Эшонбобом отидай,
Ёр-ёро чаҳор ёро,
Қайнағасига бир салом!

Томга босган пичани,
Қиз болаларнинг чечани,
Ёр-ёру чаҳор ёро,
Опасига бир салом!

Томга босган бўйрадай,
Юришлари тўрадай,
Ёр-ёру чаҳор ёро,
Куёв йигитга салом!

Томга пичан ташлаган,
Орқа-ўнгин қашлаган,
Ёр-ёру чаҳор ёро,
Амакисига бир салом!

Уқиб ўзган муллодан,
Узангиси тиллодан
Ёр-ёру чаҳор ёро,
Акасига бир салом!

Қозонда қуйруқ қайнаган,
Оти қозиқда ўйнаган,

Ёр-ёру чаҳор ёро,
Куёв йигитга салом!

Машинани ишлатган,
Ҳамма ишни ўхшатган,
Ёр-ёру чаҳор ёро,
Синглисига бир салом!

Хат ёзади токчада,
Ош пиширар декчада,
Ёр-ёру чаҳор ёро,
Янгасига бир салом!

Осмондаги оқ ғоздай,
Дўппилари қоғоздай,
Ёр-ёру чаҳор ёро,
Қайнатасига бир салом!

Сув кечгани эринган,
Ўғил туғиб керилган,
Ёр-ёру чаҳор ёро,
Қайнанасига бир салом!

Мард жомеънинг минори,
Бўйи-басти чинори,
Ёр-ёру чаҳор ёро,
Акаларига салом!

ИШЧИ-ДЕҲҚОН БИРЛИГИ

Яшасин дунёда дойим,
Ишчи-деҳқон бирлиги!
Бирлигин маҳкам қилишда,
Партия раҳбарлиги!

Кундан-кунга яшнасин —
Колхозда меҳнат хурлиги,
Бошга келмасдан йўқолсин,
Камбағалнинг хўрлиги!

Оппоқ олтин конида —
Бирликда ишланг, болалар!
Чўлни гулзорлар қилинг,
Очилсин чечак-лоалар!

Пахта майдони кенгайсин,
Юзга чиқсин доналар!
Эски мачит ўрнига
Клуб, қироатхоналар.

Хур яшашга ҳаққимиз бор,
Биз бугун озодмиз.
Бирлашиб якка хўжалик,
Барча хуррам-шодмиз.

Яшасин дунёда дойим,
Ишчи-деҳқон бирлиги!
Бирлигин маҳкам қилишда,
Партия раҳбарлиги!

ПАХТАДИН

Колхозчи ўртоқлар, уринг кетмонни чандон пахтадин,
Кузда бўлгаймиз ҳаммамиз шоди хандон пахтадин.

Иқтисодини оширди колхоз одамларни кўп,
Тўлди буғдой, шолига бирмунча хирмон пахтадин.

Ҳар бир аъзоларга тегди неча минглаб оқчалар,
Солдилар пулларни қопга, тўлди ҳамён пахтадин.

Кўп ютуқларга эга бўлди бутун колхозчилар,
Қолмади дилларда асло зарра армон пахтадин.

Вақтида олган планин маррасидан ошириб,
Донги оламга ёйилди қаҳрамонлар пахтадин.

Пахта майдонида тинмай ишлаганлар нечаси
Бўдилар Москва бориб, ҳурматли меҳмон пахтадин.

Партия раҳбарлиги бизларга очди бахт йўлин,
Халқимиз қувноқ яшар, қишлоқ гулистон пахтадин.

ҚИЗ МУЛОЙИМ

Олма отсам, ҳаволади,
Қайтиб ўзимга юмолади.
Ҳамманинг боласи уйғонди,
Уйғон сен ҳам қиз мулойим.

Оёғингнинг учин босдим,
Оқ сут бериб сени боқдим.
Келгил, болам, бешик очдим,
Уйғон энди, қиз мулойим!

Тонг Чўлпони туғар бўлди,
Аканг бизни қувар бўлди,
Онанг сенга хумор бўлди,
Уйғон энди, қиз мулойим!

БУГУН ҚИЗЛАР МАЖЛИСИ

Аличанинг айриси,
Ялла, ёрим, ялла.
Бугун қизлар мажлиси,
Ялла, жоним, ялла.

Мажлисига бормаيمان,
Ялла, жоним, ялла,
Доғда қолсин бариси,
Алича, жоним, ялла.

Ариқ бўйида райхон,
Ялла, ёрим, ялла.
Гуллагани-гуллаган
Алича, жоним, ялла.

Рўпарамда бир йигит,
Ялла, ёрим, ялла.
Имлагани-имлаган.
Алича, жоним, ялла.

Сой бўйида ўлтирсам,
Ялла, ёрим, ялла,
Паранжим оқиб кетди,
Алича, жоним, ялла.

Оқиб кетса майлига,
Ялла, ёрим, ялла.
Янги замона етди,
Алича жоним, ялла.

КЕЛИНЛАР ҚУШИҒИ

Хаёси йўқ баъзи эр
Еш келинни қари дер,
Узини билган йигит
Суйганини пари дер.

Айтсам баъзи опамлар
Пули кўпни эр, дейди,
Агар камроқ келтирса,
Жавобимни бер, дейди.

Активлар кирди боққа,
Тўйдилар қовурдоққа.
Эрим тушгур ландавур,
Пулим кетди ароққа.

Еқай десам ҳўл ўтин,
Буралиб чиқар тутун,
Виждонсиз эркак олар,
Хотин устига, хотин.

ЭШИТ, СОВЧИ

Беҳи пишмай мазаси ҳеч тотилмайди,
Бу замонда қизлар пулга сотилмайди.
Совчи бизга овчи бўлиб келган бўлсанг,
Излаганинг бу колхоздан топилмайди.

Хом ўйлама, ерда қолган қизимиз йўқ,
Бил, қиз тугул сенга берар тузимиз йўқ!
«Қиз — палахмон тоши», дейсан, ўйлаб гапир,
Бу гапингга чидайдиган юзимиз йўқ!

Қизимизнинг ўзи севган йигити бор,
Куз келганда тўй қиламиз айтиб «ёр-ёр»
Бизнинг қизга ғойибона ошиқ бўлма,
«Шунқоринг»га шу сўзларни етгазил, бор!

Гўл йигитлар парво қилмас турмушига,
Тантиқ қизлар ҳеч тан бермас қилмишига.
Йигитингни мақтайберма айбсиз дема,
Изаа бўлиб биз уялдик юришига.

Ишлаганинг билагига куч келади,
Қизимиз ўз севганига дуч келади.
Совчи қўйиб, уйланувчи йигитларнинг —
Ақли-ҳуши, фаросати пуч келади.

ТИНЧЛИК ҚУШИҒИ

Пўлатдан бўлган симни,
Чумчуқ қўниб узолмас.
Америка бойлари,
Тинчликни ҳеч бузолмас!

Боғимга эқдим ниҳол.
Гуллаганин кўрай деб.
Ниҳол мевага кирса,
Дўстни меҳмон қилай деб.

Дунёдан ўчиб кетсин,
Урушқоқлар қораси.
Битганича йўқ ҳали,
Утган уруш яраси.

Партиям бўлсин омон,
Бошлар тинчликка томон.
Бойликка бойлик келиб,
Бўлар ажойиб замон!

Азизим, икки кўзим,
Улғаяр, ўғил, қизим.
Ҳиммат билан ишлаймиз,
Чин мақсад-коммунизм!

МЕҲНАТ БИЛАН

Баҳор чоғи қорлар эриб сой бўлгай,
Меҳнат билан ҳар бир инсон бой бўлгай.

Ишлаганлар роҳат қилиб ош ейди,
Дангасалар таъна билан тош ейди.

Кимнинг агар ялқовликдир одати,
Ҳар жойда ҳам ортар дарду ҳасрати.

Орамизда ялқов сира қолмасин,
Ҳамма бирдек меҳнат қилсин, толмасин.

Кўклам келди, атрофингга назар сол,
Илғорлардан ибратъ олиб, ишлаб қол!

ҚИЗЛАР

Борар қизлар бир-бир босиб,
Кокилига гуллар осиб.
Хурсанд бўлиб, ўйнаб-кулиб,
Дала томон ўтар қизлар.

Боққа кирса, боғбон қизлар,
Пахтазорда деҳқон қизлар.
Чевар қизим, жонон қизим,
Ҳар бир ишга чаққон қизим.

Эл-юртини севар, қизим,
Қўллари гул чевар, қизим,
Машиналар қўлларида,
Ҳосил унар йўлларида.

Ҳайдар ота дилларида
Сизга Меҳри ортар, қизлар!

ЭШАККИНАМ

Эшаккинамни сўйдилар,
Терисини олиб қўйдилар,
Бегим назар солдилар.
Буни кўриб эшонбобом:
— Жойнамозга лойиқ,— дедилар,
Шаҳид ўлган эшаккинам!

Эшаккинамни сўйдилар,
Ичагини олиб қўйдилар,
Бегим назар солдилар.
Буни кўриб эшонбобом:
— Саллага лойиқ,— дедилар,
Шаҳид ўлган эшаккинам!

Эшаккинамни сўйдилар,
Ели думин олиб қўйдилар,
Бегим назар солдилар.
Буни кўриб эшонбобом:
— Тугимизга лойиқ,— дедилар,
Шаҳид ўлган эшаккинам!

Эшаккинамни сўйдилар,
Безларини териб олдилар,
Бегим назар солдилар.

Буни кўриб эшонбобом:
— Тасбиҳимга лойиқ,— дедилар.
Шаҳид ўлган эшаккинам!
Эшаккинамни сўйдилар.

Қорнини олиб қўйдилар,
Бегим назар солдилар.
Буни кўриб эшонбобом:
— Чирмандага лойиқ,— дедилар.
Шаҳид ўлган эшаккинам!

Эшаккинамни сўйдилар,
Калласини олиб қўйдилар,
Бегим назар солдилар.
Буни кўриб эшонбобом:
— Качкулимга лойиқ,— дедилар.
Шаҳид ўлган эшаккинам!

Эшаккинамни сўйдилар,
Қулоғини олиб қўйдилар,
Бегим назар солдилар,
Буни кўриб эшонбобом:
— Елпуғичга лойиқ,— дедилар
Шаҳид ўлган эшаккинам!

—
Эшаккинамни сўйдилар,
Оёғини олиб қўйдилар,
Бегим назар солдилар.
Буни кўриб эшонбобом:
— Вассага лойиқ,— дедилар.
Шаҳид ўлган эшаккинам!

Эшаккинамни сўйдилар,
Халачўпин олиб қўйдилар,
Бегим назар солдилар.
Буни кўриб эшонбобом:
— Мусвагимга лойиқ,— дедилар!
Шаҳид ўлган эшаккинам!

Эшаккинамни сўйдилар,
Полонини олиб қўйдилар.
Бегим назар солдилар,
Буни кўриб эшонбобом:
— Ридога лойиқ, дедилар.
Шаҳид ўлган эшаккинам!

КАМПИР МАРЖОН ТАҚАДИ

Қарғалару-қарғалар,
Шудгорликда ўрмалар.
Чолини кўрса кампирлар,
Беданадек йўрғалар.

Ошқовоқнинг гулидан.
Сомса қилган кампирлар,
Чол бувамиз келганда,
Ғамза қилган кампирлар.

Дарё лим-лим оқади,
Оқмаса кимга ёқади?
Чол бувамга ёқишга,
Кампир маржон тақади.

Ошқовоқнинг палласи,
Чол бувамнинг салласи.
Кампири ғамза қилса.
Қалтирайди калласи.

Югуриб келинг, мошово,
Йўрғалаб келинг, мошово,
Мошовонинг моши бор,
Ичида муштдай гўшти бор.

Тўғрагани пичоқ йўқ,
Кампирларга куёв йўқ,
Мошовони пиширдим,
Пишмай туриб туширдим.
Чол бобомга ичирдим,
Қорнини гупдай шиширдим...

АРОҶ — АҚЛ ЭГОВИ

Кўкда зағча учади,
Баланд бўлиб, паст бўлиб.
Оқшом даданг келади,
Ароқ ичиб маст бўлиб.

Ариқчада сув оқар,
Ҳазон-тўзони билан.
Даданг бизни қўрқитар,
Шовқин-сурони билан.

Ёзу қиш кўм-кўк бўлар
Игна баргли арчалар.
Даданг «юз-юз»ни қўймас,
Ичар кундуз-кечалар.

Топилади чуст дўппи,
Эсон бўлса бош,— дейди.
Кетди унинг обрўйи
Пули кетса кошкийди.

Ховуздан сув ичгандек
Шимирар йўқ ўлчови,
Қизим даданг ичмасин,
Ароқ — ақл эгови!

ДАНГАСА

нави буюк тоғнинг дараси йўқ,
Йўқнинг бор қилишликнинг чораси йўқ.
Дангасалар далага чиққан билан,
Орамизда нега унинг сояси йўқ.

Қулунлар толпинади кишнайман деб.
Асов от човут қилар тишлайман деб.
Йил бошида дангаса сўз беради:
— Энди илғорлар каби ишлайман,— деб.

Нон юзига сепилган седонани,
Тоққа чиқиб терганман дўлонани.
Ишдан қочиб дангасалар чойхонада —
Ўлтиришар уриштириб бедонани.

Айтилган сўз — отилган ўқ бўлади,
Меҳнаткашнинг турмуши тўқ бўлади.
Такасаланг, ишдан қочар дангасанинг —
Халқ ичида ҳурмати йўқ бўлади.

* * *

*

Ухлаб ётар дангаса
Шамдек қотар дангаса.
Чилим чекиб дам-бадам
Носвой отар дангаса.

Иш қилади имиллаб,
Секин-секин қимирлаб,
Ҳар кимга бир гингиллаб,
Нағма қилар дангаса.

Ошга десанг чопади,
Текин томоқ топади.
Катта-катта совундек
Жамлаб олар дангаса.

Колхозчилар боради,
Кенг далаларни бўйлаб.
Дангасалар қолади,
Бош қашлаб, ўйни ўйлаб.

* * *

Денгиз тўлиб тошмайди,
Ялқов ишга шошмайди.
Шунинг учун меҳнати
Бир пайсадан ошмайди.

Ушбу кулган замонда,
Ҳаёт қайнар чаманда.
Дангасани кўрсангиз,
Ҳар кўчада шарманда.

Ҳаёт қайнаган чоғда,
Зарбдор ўйнайди боғда.
Дангасани кўрсангиз,
Юраги ҳасрат-доғда.

РАИС АКАМ ХОТИНИ

Патини-ю патини,
Унутиб қўйдим отини,
Юришидан танидим,
Раис акам хотини.

Магазинда вазелин,
Эригани-эриган.
Раис акам хотини,
Керилгани-керилган.

Сув бетида кўпик бор,
Мағзавага ўхшайди.
Раис акам хотини,
Дангасага ўхшайди.

Идоранинг эшиги,
Очилса, ёпилмайди.
Раис акам хотини,
Истаса топилмайди.

Раис акам ўзлари,
Мўлтирайди кўзлари.
Хотинига ўтмайди,
Унинг айтган сўзлари.

Қарайди-ё қарайди,
Мўйлабини бурайди.

Раис қилар ишларни —
Хотинидан сўрайди.

Ҳамма далада ишлар,
Қанду новвотни тишлар.
Раис акам хотини —
Бозор-мозорни хушлар.

Ялқовни ҳеч ким хушламас,
Ишламаган — тишламас!
Раис акам хотини,
Пардозидан бўшамас.

КОЛХОЗЧИЛАР ҚУШИҒИ

Эгма қапа ичида,
Эгилиб ётган бригадир,
Аъзоларин ишлатиб,
Керилиб ётган бригадир.

Шийпон хирмоннинг боши,
Дала қозоннинг оши.
Дала қозоннинг оши,
Дангасалар талоши.

Липпоми-ю липпоми,
Қараб турай дебманми?
Талаб қилсам ҳақимни,
Раис ака, ёмонми?

Липпоми-ю липпоми,
Мажлисга бормаи дебманми?
Узингиз сўз бердингиз,
Танқид қилай дебманми?

Олучанинг айриси,
Бугун колхоз мажлиси.
Қаттиқроқ танқид қилсанг,
Мушт дўлаяра раиси.

Тут қаторнинг чеккаси,
Дангасалар паккаси.
Дангасани сўрасанг,
Раис акам эркаси.

Энли камар боғлайди,
Ҳаммани ишга ҳайдайди.
Раис акам ишларин,
Парткомимиз жойлайди.

Атиргуллар очилиб —
Тураверади,
Раис акам курортда —
Юраверади.

Колхозчилар тинимсиз —
Ишлай беради.
Табелчилар суйганига —
Еза беради.

Сув қўйилиб ғўзанинг —
Эгатларин нам босди.
Чиқмай қолсин помбарқут,
Пули йўқни ғам босди.

Оқ шойидан кўйлагим,
Машина чайнамайди.
Менинг эрим чайқовчи,
Колхозда ишламайди.

Чайқовчи бўлмай қолинг,
Чайқовга бормай қолинг.
Ким шаъмалик йўталса,
Кўнглини олмай қолинг.

Идоранинг олди тахта,
Орқаси чаман пахта.
Мажлисга борар бўлсанг,
Чиқиб раисни мақта!

Янги очилган ерда,
Колхозимиз чеки бор.
Танқид қилган одамга,
Раисимиз кеки бор.

Аломату аломат
Раис бўлсин саломат!
Аване пулин кўп берар
Кимки қилса хушомад.

Урик учида гўра,
Қиз бўлсанг рўмол ўра.
Танқид қилмоқчи бўлсанг,
Олдин раисдан сўра.

Қорлар эриб сойларда,
Сувлар шилдираб оқди.
Терговчилар келганда,
Кассир мўлтираб боқди.

Чайнамасдан ютдилар,
Кавшаёлмай ўтдилар.
Колхоз ҳақин еганлар,
Қамалишиб кетдилар.

Терак учида ҳакка,
Сўтикка экдим макка.
Колхозчилар ҳақини,
Кассир емаган якка.

Чайқовчилар чайқовчимас,
Дўкон мудир чайқовчидир.
Дўкон мудирини бермаса,
Чайқовчилар қайдан олур.

Олақарға азончи,
Азон айтмай ўлсанг-чи!
Эплаёлмаган бошингга,
Шовқун солмай қолсанг-чи!

Баланд тоғлар устига чиқманг, ака,
Чиройли қиз кўрдим деб учманг, ака.
Чиройли қиз бетида упаси бор,
Упо-эллик олиб берадиган ажаси бор.

Сепоянгу сепоянг,
Сепоянгда сутинг бор.
Мунча пардоз қиласан,
Сопжил босган бетинг бор.

Ариқчадан ҳакласам, атласим оқди.
Атлас кўйлак кийган қиз зеҳнимга ёқди.
Олма билан бир урсам, қайрилиб
боқди,
Чимматини кўтариб, қошини қоқди.

ЧУТИР ВА БУҚОҚ ЛАПЛАРИ

ЧУТИР:

Охират бозорига,
Юк боғлаган карвон, буқоқ.
Олти минг ғиштни пиширган,
Бетутун хумдон, буқоқ.

БУҚОҚ:

Ариларнинг уясини —
Бет бу, деб алдар чўтир.
Худди чакичлаб чекилган —
Патир, деб гулдор, чўтир.

ЧУТИР:

Елкасига хуржун осган,
Хуржунида ошқовоқ.
Ҳар бири чорак етилган,
Миришкор деҳқон, буқоқ.

БУҚОҚ:

Бу кеча қайларда қолдинг?
Бетларинг итнинг изи.
Панжара гулгун юзингдан,
Айладингми ор, чўтир?..

БЕДАНАМ

Унданам учди, дўст беданам,
Бунданам учди, дўст беданам.
Сабзига тушди, дўст беданам,
Сабзи оёқли, дўст беданам.
Думбаси ёғли, дўст беданам,
Қассобга лойиқ, дўст беданам.
Қассоб балони есин, дўст беданам,
Ўзимга лойиқ, дўст беданам.

САЕҲАТНОМА

Бундан бордим Избосканга,
Уйларини ис босканга,
Дилларини ғам босганга,
Шолини конини кўрдим.

Бундан бордим Андижонга,
Одамлари сарамжонга,
Тўймади қорним нонга,
Бойларнинг конини кўрдим.

Бундан бордим Ниёзботир,
Қозонларин ювмас, қотир,
Ейишлари зогғора, патир,
Курмакнинг конини кўрдим.

Бундан бордим Қувангизга,
Емни солдим тўрвангизга,
Бир мири бердим бувангизга,
Бангини конини кўрдим.

Бундан бордим Марғилонга,
Шоҳи олишга — чопонга,
Кўзим тушди муғилонга,
Дуконнинг конини кўрдим.

Бундан бордим Қўқонингга
От боғладим дўқонингга,

Ҳайрон қолиб пўконингга,
Бўқоқнинг конини кўрдим.

Бундан бордим Кўтармага,
Ухшайди йўли пармага,
Термуламан қатирмага,
Кўмачнинг конини кўрдим.

Бундан бордим Булоқбоши,
Сувга сероб ичи тоши,
Қўй боқишар қари-ёши,
Чўпоннинг конини кўрдим.

Бундан бордим Хўжаобод,
Бозорида йўқдир работ,
Топилмайди қалам, давот,
Омининг конини кўрдим.

Бундан бориб Аравонга,
Қўшилиб олдим карвонга,
Урмаладим қир, довонга,
Тоғларнинг конини кўрдим.

Бундан бордим Ушбува,
Атрофлари бўш бува,
Берди қўноқ Ушбува,
Меҳмоннинг конини кўрдим.

Бундан бордим Ўзганингга,
Ҳамма ердан ўзганингга,
Ўз юртидан безганингга,
Мусофир конини кўрдим.

Жалолобод узоқ экан,
Адирлари булоқ экан,
Чопишлари улоқ экан,
Пойгачи конини кўрдим.

* * *

Султонработ — сув ёқаси,
Тинмай сайрар қурбоқаси.
Даҳсар кепак қиз баҳоси,
Бир сўлкавой эр баҳоси.

Ғалласи йўқ, бўш хоналар,
Ҳар ерда пашшахоналар,
Пашшанинг конини кўрдим.

Бундан бордим Эски Тошкан,
Овқатлари чала пишган,
Эгри-бугри йўллар тушган,
Чаққон йигитлари шошган,
Ишёқмаслар тўлиб тошган,
Жанжалнинг конини кўрдим.

Езда бордим Қорабулоқ,
Аравада ўйнаб сўлоқ.
Етгунча кар бўлди қулоқ,
Маъраб юрар эчки-улоқ,
Кийган тўни улоқ-қуроқ,
Эчки сути булоқ-булоқ,
Сут-қатиқ конини кўрдим.

Ундан ўтдим Наманганга,
Қорним тўймай қаттиқ нонга,
Жадаллаб етдим каппонга,
Кириб ётдим бир дўконга,
Меҳмонлар конини кўрдим.

БАНГИ

Банги-банги, банги боз,
Банги ейди ўрдак, ғоз.
Ким қилса қаттиқ овоз,
Уриб ўлдирса ҳам оз.
Банги осмонда учар,
Эс-ҳушини қочирар.
Эй, банги, банги, банги,
Ўлмасдан мурда ранги.
Банги сира бойимас,
Қорни ҳеч нонга тўймас!

КУКНОРИ

Кўкнорижон, кўкнори,
Бўйнида маржон, кўкнори.
Пулликка дармон кўкнори,
Пулсизга армон кўкнори.

Бўйни олманинг савоғи,
Қорни ачитма қовоғи.
Ичган одам ҳузур қилур,
Рангидан сил ҳазар қилур.

Кўкнорини ҳар ким ичади,
Бола-чақадан кечади.
Қовоқари чаққан каби,
Башараси ҳам шишади.

Кўкнорилар кайфи ўзга,
Уни пайтавада сузса.
Талашиб-тортишиб ичар,
Гажжак бўлиб жондан кечар.

Тегирмону тегирмон
Тевараги темирдан.
Ишдан қочган опамнинг
Лабини сичқон кемирган.

Кўча бошида сада,
Сада сояси қайда?
Ишламаган ялқовни
Самовар қўйишга ҳайда.

Уйда ётар дангаса,
Насга ботар дангаса.
Самоварда ўлтириб,
Гапни сотар дангаса.

Боғда отилган мушак,
Осмонга чиқди бешак.
Дангасани сўрасанг,
Емғирда қолган тўшак.

Идоранинг райхони,
Учигача гуллайди.
Дангаса тол тагида,
Пешингача ухлайди.

Ариқ бўйида коса,
Ўлтиради дангаса.
Ўйнагани тош бўлса,
Ўнга текин ош бўлса.



МАРСИЯЛАР

* *
*

Айтмай десам бўлмайди,
Доғингиз ўти қўймайди,
Ишонган боғим, вой отам,
Суянган тоғим, вой отам.

Баланд тоғлар паст бўлдими, вой отам?
Ўлганингиз рост бўлдими, вой отам?
Шамол келмай ўчди чироғим, вой отам,
Куз келмай хазон бўлди боғим, вой отам.

Баҳосиз дурдона бўлган, вой отам,
Бошимдан парвона бўлган, вой отам,
Ҳам ота, ҳам она бўлган, вой отам,
Ғамгузор, ғамхона бўлган, вой отам.

Дод ўлим, фарёд ўлим, вой отам,
Ёқамга етмайди қўлим, вой отам.
Ёқмага етганда қўлим, вой отам,
Ёқалашиб кетмасмидим, вой отам.

Дод ўлимнинг дастидан, вой отам,
Фарёд ўлимнинг дастидан, вой отам.
Ёш деб раҳми келмайди, вой отам,
Қари деб раҳми келмайди, вой отам,
Қайларга бориб дод этай, вой отам,
Кимларга мен фарёд этай, вой отам.

Қалдирғочнинг қанотига
Қил боғлаган, вой отам,
Борса келмас жойларга
Бел боғлаган, вой отам!

Ипакдан эшган арқоним, вой отам,
Асло узилмас деб эдим, вой отам,
Темирдан қурган қўрғоним, вой отам,
Асло бузилмас деб эдим, вой отам.

Кунлар чиқар дармон билан, вой отам,
Онам қолди армон билан, вой отам.
Фарзандларин ташлаб кетган, вой отам,
Кўзларини ёшлаб кетган, вой отам.

Баланд-баланд деворлар, вой отам,
Емғирлар ёғса нурайди, вой отам.
Сиздан қолган етимлар, вой отам,
Термулиб кимга қарайди, вой отам?

Тоғда юрган кийикни, вой отам,
Етакласам юрмайди, вой отам.
Тилаб олган ўғлингиз, вой отам.
Етимликка кўнмайди, вой отам.

Кенг кўчада кетмаган, вой отам,
Кенгашига етмаган, вой отам.
Тор кўчада кетмаган, вой отам.
Талабига етмаган, вой отам.

Қора атласдан кўйлагим, вой отам,
Қонларга тўлди юрагим, вой отам.
Эшикларни вайрон қилган, вой отам,
Фарзандларин ҳайрон қилган, вой отам.

Ойлар қиёлаб ботарми, вой отам,
Кунлар қиёлаб ўтарми, вой отам?
Сизнинг қурган жойингизда, вой отам,
Ўргумчак уялаб ётарми, вой отам?

Узоқ ерга кетмаган, вой отам,
Бизни муҳтож этмаган, вой отам.

Фарзандларни ўстириб, вой отам.
Муродига етмаган, вой отам.

Қора рўмол бошимда, вой онам,
Попуги тушди қошимга, вой онам.
Айни ўн беш ёшимда, вой онам.
Етимлик тушди бошимга, вой онам.

Ховлимдаги гиёҳ бўлинг, вой онам,
Хар кун сизни искайин, вой онам,
Яна қайтиб бино бўлинг, вой онам,
Дойим сизни эслайин, вой онам.

* *
*

Соқолининг тагидан, вой отам,
Суллоҳларга йўл берган, вой отам.
Мўйлабининг тагидан, вой отам,
Муллоларга йўл берган, вой отам.

Кундан-кунлар ўтар экан, вой отам,
Кунда хуморингиз тутар экан, вой отам.
Ойдан-ойлар ўтар экан, вой отам,
Ойда хуморингиз тутар экан, вой отам.

Боғлардаги нақш олмани, вой отам,
Нега бердингиз қўлимга, вой отам?
Бу етимлик ёмон экан, вой отам,
Нега ҳам олдим бўйнимга, вой отам?!

Қуш қоноти тегмаган, вой отам,
Тоғда дарахтлар бормикан, вой отам?!
Улим доғин тотмаган, вой отам,
Дунёда инсон бормикан, вой отам?!

Кипригим супурги қилиб, вой отам,
Йўлларингизни супирай, вой отам,
Кўз ёшларимни сув қилиб, вой отам,
Йўлларингизга сепай, вой отам.

ЛОБАРХОН¹

Лобархонларнинг ўзи,
Бошида йўрмадўзи,
Жаллод эри сўйганда
Юмилмай қолган кўзи.

Лобархонлар ёр, деди,
Унга интизор эди.
Пичоқ ушлаб келганда,
— Не гуноҳим бор, деди.

Лобархоннинг уйда,
Қонли кигиз тўрида.
Лобархонни сўрасак,
Касалхона йўлида.

Гўристоннинг лоласи
Очилмасдан сўлибди.
Лобахоннинг онаси
Очиб кўраман, дебди.

Гўристоннинг буғдойи
Энди думбул бўлибди.
Лобархоннинг онаси
Энди булбул бўлибди.

¹ Оводлик қурбонларидан.

ЭР-ХОТИН, БОЛАЛАРГА АЙТИЛГАН МАРСИЯЛАР

Боғларда очилган гулим, вой гулим,
Сайраб турган булбулим, вой гулим,
Гуллар сўлиб, булбул кетди, вой гулим,
Ортар энди мушкулим, вой гулим.

Қалам-қалам қошларинг, вой болам,
Қаландарлар қилди мени, вой болам.
Хумор-хумор кўзларинг, вой болам,
Хуморилар қилди мени, вой болам.

Йиғлаб айтай қайга кетдинг,
Гули райҳоним болам, вой болам.
Бу онангни ташлаб кетдинг,
Оқилу доногинам, вой болам.

Оқилу доногинамга, вой болам,
Берди ким аччиқ шароб, вой болам?
Кўз ёшларим сел бўлиб, вой болам,
Қилди бағримни кабоб, вой болам.

* * *

Уйларида ўйнаб-кулган, вой тўрам,
Ёрим десам оғзим тўлган, вой тўрам.
Гўдақларин менга ташлаб, вой тўрам,
Бир нафасда тамом бўлган, вой тўрам.

Улоқларни чопдириб, вой тўрам,
Ўғлин тўйин кўрмаган, вой тўрам.
Пойгаларни қўйдириб, вой тўрам,
Қизин тўйин кўрмаган, вой тўрам.

Этагим тўла дур экан, вой тўрам,
Пешонам қургур шўр экан, вой тўрам.
Узайми десам гулим йўқ, вой тўрам,
Куйдимми десам кулим йўқ, вой тўрам.

Экса битмас майдоним, вой тўрам,
Чақирсам келмас меҳмоним, вой тўрам.
От кўтармас полвоним, вой тўрам,
Хонамдаги султоним, вой тўрам.
Қорайган тоғнинг тумани, вой тўрам,
Қақшатди ўлим ёмони, вой тўрам.

Қалъадан қилган қўрғоним, вой тўрам,
Ёвлар келиб буздирди, вой тўрам.
Бемаҳал келган ўлим, вой тўрам,
Ақл-ҳушимдан оздирди, вой тўрам.

Қоратепа йўлини, вой тўрам,
Кетмонлаб чопдира олмадим, вой тўрам.
Бемаҳал келган ўлимни, вой тўрам,
Иложин топдира олмадим, вой тўрам.

Орқамга тушган офтобим, вой тўрам,
Устимга кийган кимхобим, вой тўрам.
Қишлардаги қишловим, вой тўрам,
Езлардаги яйловим, вой тўрам.

* * *

Зил терак-зилмон терак, вой болам,
Майдонга эксам битмади, вой болам.
Золимларга ёлбордим, вой болам,
Арзи додимга етмади, вой болам.

Қайтармадим сўзингни, вой болам,
Укситмадим ўзингни, вой болам.
Етимлик номин тақмадим, вой болам,
Тунлар мижжа қоқмадим, вой болам,

Кўрқмас, арслон билагим, вой болам,
Дилда мақсад-тилагим, вой болам.
Отанг қилганда вафот, вой болам,
Кўз тикдим сенга фақат, вой болам.

Босмачи деган офат, вой болам,
Сени келиб ўлдирди, вой болам.
Ўлган сен эмас фақат, вой болам,
Кўп гулларни сўлдирди, вой болам.

Овга-овга деб эдинг, вой болам,
Қуён овга деб эдинг, вой болам,
Жийрон отга минганда, вой болам,
Кетдим отга деб эдинг, вой болам.

Қатор-қатор уй солган, вой болам,
Деворига гул солган, вой болам.
Солган гули битмасдан, вой болам,
Гўристонга йўл олган, вой болам.

Шаршаранинг бошига, вой болам,
Қор ёғибди, изи йўқ, вой болам.
Болагинам отилди, вой болам.
Йиғлайдиган қизи йўқ, вой болам.

Гўристоннинг буғдойи, вой болам,
Хелпирайди дони йўқ, вой болам.
Болагинам ётибди, вой болам,
Ер остида жони йўқ, вой болам.

Томда товуқ изи бор, вой болам,
Қумда қуён изи бор, вой болам.
Гўристоннинг ичида, вой болам,
Онасин ёлғизи бор, вой болам.

Саҳарлари туриб тинмай дод этай,
Бағрим тилиб сени дойим ёд этай.
Яшшамагур босмачилар дастидан,
Энди бориб кимларга фарёд этай, вой болам.

Баҳориму ёзим эдинг,
Қўлимдаги созим эдинг,
Суянгани сўрим эдинг,
Сайраб турган жўрим эдинг, вой болам.

Дод этаман қонхўрларнинг ишидан,
Зор йиғлайман фалакнинг гардишидан.
Жудоликни ўйламовдим, вой болам,
Куйиб-ёндим золимнинг қилмишидан!

Пишиб турган ошингни ичолмадинг,
Босмачилар ўқидан қочолмадинг,
Кўнглингдаги гапларни айтолмадинг,
Дилингдаги мақсадинга етолмадинг, вой болам.

Дардим бўлиб кундан-кунга энёда,
Охир бордим кирпис¹гача пиёда,
Командирлар ҳолим сўраб озода,
Деди қасос, ўч олурмиз дунёда.

Золимларнинг барин қадди букилсин,
Шоҳи чопон чок-чокидан сўкилсин!
Одамларни зор қақшатган ўғрилар,
Битта қолмай тутдек бари тўкилсин!

Кўккина каптар бўлиб,
Кўнгил теракнинг баргига.
Агар уқсанг қулоқ солгил,
Мунглиғ онангнинг додига.

Минган отинг тоймиди,
Йиқилган жойнинг соймиди?

¹ Крепость. 1918—1919 йилларда Андижоннинг босмачилардан
мудофаа қилган кўнгилли қизил аскарлар турган,

Бу муштипар онангдан,
Кўнгулгинанг қолдими?

Минган отинг тўриқ қашқа,
Сакрадими тоғу тошга,
Болам, сендан айрилиб,
Сийнам тўлди кўз ёшга, вой болам,

Қошгинангни қораси,
Намози шом ораси,
Сенга тикилган ажалнинг,
Топилмади давёси, вой болам,

Кечаси кўрган тушим,
Кўлимдаги давлат қушим,
Болам сендан айрилиб,
Кетди ақл, эс-ҳушим, вой болам.

Рўмолимнинг туғуни,
Бошимга маҳкам ботади.
Бемаҳал ташлаб кетдинг,
Аламинг менга етади, вой болам.

Болам десам ўхшайди,
Тамоми жоним қақшайди,
Уйнаб туриб ўйилган,
Кулиб туриб кўмилган, вой болам.

Бу кўринган тоғлар,
Толеъсизлик тоғидир,
Хазон бўлган боғлар,
Ёлғизимнинг боғидир, вой болам.

Қабристонда бир мазор,
Тевараги мевазор,
Бемаҳал ташлаб кетиб,
Мени қилдинг интизор, вой болам.

Онанг ақли олинган, вой болам,
Сандиқларга солинган, вой болам.
Уз боласин тополмай, вой болам,
Бегоналарга ялинган, вой болам.

Шамоллар келса ҳилпирар,
Бошимдаги қалами,
Шунчалар аччиқ экан,
Фарзанд деганнинг алами, вой болам.

АЗИЗИМЖОН¹

Азизимжон, Азизим,
Келмайсизми, ёлғизим?
Келсангиз, кела қолинг,
Турмайсизми, ёлғизим?

Азизимжон уйғонди,
Унг томонга тўлғонди,
Кўзин очиб қараса,
Қуёш чиқиб қолганди.

Уйқуда кўрган тушин,
Унгимми деб ўйлади.
Хотинин имлаб аста,
Кўрган тушин сўзлади.

— Баланд тепага чиқдим,
Бир туп янтоқ йиқитдим.
Нафас қисиб сиқилдим,
Ерга офир йиқилдим.

Шунда келиб бир қузғун,
Фарёд билан чекиб ун.

¹ Бу қўшиқ синфий душманлар томонидан ваҳшиёна ўлдирилган Совет педагоги Убайдулла Азизий ҳақида тўқилган.

Жанглар қилди мен билан,
Бошим узди зўр билан.

Таъбирин сўзла, жоним,
Қизиб бормоқда қоним?
Хотини дейди унга:
— Ҳар нарса кирар тушга.

Баланд ерга чиққанинг,
Зафар, ёвни йиққанинг.
Қузғун бошинг олгани,
Сенга чангал солгани,

Бунга эҳтиёт даркор,
Атрофингда душман бор!
Азизимжон отланди,
Хотини уйда қолди.

Яшил либосин олди,
Гузор томон йўл солди.
Азизжонни кўрганлар,
Саломлашди у билан.

Яхши йигит есин деб,
Ош тутдилар чой билан.
Азизимжон кўйлаги
Ҳақиқатни излади.

Саккизинчи март куни,
Оводликдан сўзлади.
Азизим чой ҳўплади,
Хотин-қизни тўплади.

Ҳаммасини табриклаб,
Паранжини ташлатди.
Чархи палак айланди,
Азизимжон сайланди.

Евдан беҳабар қолди,
Душман тунда тўпланди.
Азизимга жой эди,
Кўрпа солинган сўри.

Тунда кириб тўрт ўғри,
Уни сўйдилар тўғри,
Ўғрилар қулоқ эди,
Чопгани улоқ эди.

Улар ичида яна —
Домулла чўлоқ эди.
Фойда бермай ақчаси,
Қутулмади барчаси.

Азизимжон қонига,
Ҳам отилди анчаси.
Азизимжон қон ютди,
Ўзини қурбон этди.

Хуррият, озодлик деб,
Ширин жонини тутди.
Азизимжон — Азизим,
Турмайсизми ёлғизим?

Турсангиз тура қолинг,
Келмайсизми ёлғизим?
Азизим тош устида,
Дўпписи қош устида.

Ёлғиз қолган онаси,
Йиғлайди ош устида,
Олдида оши дейдилар,
Кўзида ёши дейдилар.

Азизимжонни сўрасанг,
Ёнида боши дейдилар.
Учоқ боши ўйилди,
Усмага сув қуйилди.

Азизимжон бечора
Қўйдақкина сўйилди.
Азизимжон кўйлаги
Дорда туриб сузилди.

Муштумзўрлар қўлида,
Юрак-бағри эзилди.
Узоқда турган тоғлар,
Ҳар хил маъдан конидир.

Остида оққан сойлар,
Азизимжон қонидир.
Азизимжон ош еди,
Ош емади тош еди.

Уйинг куйгир душманлар,
Унинг бошини еди.
Азизимжон ётади,
Катта очиб қулочин.
Хотини зор йиғлайди,
Ейиб қоп-қора сочин.

Паст мўри-баланд мўри,
Кўринган кимнинг гўри?
Халқи учун жон берган,
Азизимжоннинг гўри.

Бу ўлимнинг дастидан,
Қавму қариндошлар қани?
Ун гулидан бир гули
Очилмаган ёшлар қани?



ОФТОБ
ЧИҚДИ
ОЛАМГА

* *

*

Офтоб чиқди оламга,
Югуриб бордим холамга,
Ана, дала ер, деди,
Холам ўтин тер, деди.
Ўтин тердим бир қучоқ,
Кулча ёпди бир ўчоқ,
Ўғлига берди анча,
Менга бир куюк кулча.

ОШ ПИШДИ

Опишди-ю, апишди,
Янгамнинг оши пишди.
Акамга қўйган ошни,
Ҳакка чўқилаб қочди.
Ҳаккани қува-қува,
Бир парча бўёқ топдим.
Бўёқни хонга бердим,
Хон менга қилич берди,
Қилични сувга бердим,
Сув менга балиқ берди.
Балиқни товуққа бердим,
Товуқ тухумин берди.
Тухумни қўрга кўмдим,
Поқ этиб чанги чиқди,
Янгамнинг жони чиқди.

БИЗНИ КУЙДИРДИ

Сергак қуёним,
Ойдинда қочган.
Андижон молин,
Ясовул очган.
Ака, тушимдан,
Чўчиб уйғондим.
Ёнимда болам,
Ёрга суяндим.
Далага чиқсам,
Илоннинг изи.
Туси бузилмас,
Қуённинг изи.
Онаси ёмон,
Яхшидир қизи.
Бизни куйдирди,
Бир қизик сўзи.

БОЙЧЕЧАК

Бойчечагим боласи,
Кулоғида донаси,
Донасин олай десам,
Чиқиб қолди онаси.
Қаттиқ ердан қазлаб чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан югуриб чиққан бойчечак,

Бойчечагим бойланди,
Кўчама-кўча айланди.
Бойчечакка-кўк сомса.
Чўнтакларга жойланди.

Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айронди.
Айронингдан бермасанг,
Қозонларинг вайронди.

МЕНИНГ АКАМ

Лалалай-лай-лалалай,
Олти пулга чой олай.
Томга сепдим седона,
Териб есин бедона.
Чойнагимнинг сопи йўқ,
Уртоғимнинг тоби йўқ.
Такир-тукир обжувоз,
Менинг акам найрангбоз.
Найрангбознинг хотини
Уйнаб турган қурчоқбоз.

* * *

Ариқ буйида толлар,
Жувоз ҳайдайди каллар.
Ёнида бир пули йўқ,
Хотин танлайди каллар.

Кал-кал ийган кал,
Мадрасада куйган кал.
Мадрасанинг оғаси,
Калларнинг тоғаси,
Кал боради Бухорога,
Кунжара ҳам зоғорага.
Зоғора оғир келди,
Кал боши яғир келди.
Кални, кал деманглар,
Кал амирнинг эркаси.
Бошини олтин деманглар,
Кал мадраса серкаси.

* * *

Анаву болани-я,
Кўзи олани-я.
Хом ошқовоқ
Елпиш товоқ!

* *
*

Оқ каптарим нон ейди,
Кўк каптарим дон ейди.
Кимнинг эси йўқ бўлса,
Қўлини ювмай нон ейди.

* *
*

Йўлдан топдим бир қамчи,
Уни бердим бир чолга.
Чол менга ипак берди,
Ипакни қизга бердим.
Қиз менга рўмол берди.
Рўмолни сувга бердим,
Сув менга балиқ берди.
Балиқни бойга бердим,
Бой менга тариқ берди.
Тариқни товуққа бердим,
Товуқ менга тухум берди.
Тухумни ўтга кўмдим,
Пақ этди, шақ этди,
Ёрилди-кетди.

* *
*

Айнонайнинг айвони бор,
Томга чиқса нарвони бор,
Уйқуси келса алласи бор,
Қорни очса маммаси бор,

ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

Ўзбек халқ оғзаки бадий ижодининг энг кўп тарқалган турларидан бири қўшиқлардир. Қўшиқлар жуда узоқ замонлардан бери мавжуд, улар бундан кейин ҳам халқ билан бирга ўзларида янгидан-янги гоявий мазмун касб этиб яшай берадилар.

Қўшиқларнинг яратувчиси ҳам, куйловчиси ҳам халқнинг ўзидир. Қўшиқлардаги ҳар бир воқеа-ҳодисадан тез таъсирланувчи хас-сос, нозик табиат, муҳим масалани илгари сурувчи билимдон, дидли, завқи баланд, зариф, хушчақчақ шинаванда, ишлаб, ўйнаб чарчамайдиган мард лирик қаҳрамон ҳам халқнинг ўзидир.

Ўзбек халқи жуда қадим замонлардан бери ўз фикрини шеърӣй формада ифодалаб келади. Филолог олимამиз Музайяна Алавия ҳақли равишда айтганларидек, «...қўшиқ термини бир замонлар шеър маъносини ифода этган ва ўзбекларда халқ поэзияси шу термин билан аталган ва умумлашма термин сифатида ишлатилган. Қўшиқларнинг бундай кенг маъноси халқ ўртасида ҳозиргача сақланиб қолган... Кенг маънодан бошқа унинг бир тури кичик формада яратилган ва куйлаб айтиладиган асар бўлган»¹.

Ўзбек халқ оғзаки бадий ижодининг эртақ, латифа, аския-пайравлардан бошқа деярли ҳамма тури асосан шеър ёки қисман шеърӣй формада бўлади. Ҳаттоки, аския-пайравларда, баъзан эртақларда савж деб аталган насрий гапларда қофиядошликни сақлаш санъати мавжуд. Бу одат халқ дostonларининг насрий қисмида кўпроқ кўзга ташланади. Мақол, топшмоқларнинг кўпчилиги шеърӣй формада яратилган бўлиб, улардаги зарб (оҳанг-куй), қофия ва бошқа элементлар худди қўшиқлардагига ўхшайди. Масалан:

Дардманднинг дарди ортар кўз ёши оққан сари,
Беақлнинг нози ортар кўнглига боққан сари.

Ёки:

¹ Музайяна Алавия. Ўзбек халқ қўшиқлари, Тошкент, 1959, 16-17-бетлар.

Таги тоғора
Усти ноғора.
Юз минг чечагу
Бир гули лола.

кабилар.

Ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди битмас-туганмас хазина бўлса, қўшиқлар ундаги қийматбаҳо дурдоналардир.

Улуғ Октябрь социалистик революциясигача яратилган халқ қўшиқларининг мазмуни чуқур, тематикаси бой ва ранг-барангдир. Уларда эксплуататорлар зулми остида оғир моддий ва маънавий қийноқлар билан яшаган меҳнаткаш халқ ҳаётининг аламли ҳақиқатлари: очлик, қашшоқлик азоб-уқубатлари, ҳуқуқсизлик, хўрликлари, душманлари, табиат ҳодисалари билан олиб борган курашлар акс этган. Шунингдек бу қўшиқларда инсон эҳтироси, орзу-умидлари, гўзал ёр тавсифи, унинг вафодорлигини мақташ, дўстлик садоқати, меҳру муҳаббатни улуғлаш, висол дамларини энтикиб кутиш, ёрни соғиниш — кўмсаш, унга етишган пайтлардаги севинчлари, ёр лутф-қарамидан баҳраманд бўлган ошиқнинг ҳароратли қувончи, шу билан бирга, хижрон дарду аламлари, интизорлик нола-фарёди янғрайди.

Халқ оғзаки бадий ижодининг бошқа турлари каби қўшиқлар ҳам коллектив ижод маҳсулотидир. Узоқ ўтмишда яратилган қўшиқлар оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб яшаб келмоқдалар. Улар оғиздан-оғизга ўтганда бадий-ғоявий жиҳатдан ишлана бориб, эшитган кишиларнинг эсидан чиқмайдиган бўлиб қолганлар. Натижада хонлар, амирлар, беклар, руҳонийлар, бой ва савдогарлар аллақачон йўқ бўлиб кетган бўлишига қарамай уларнинг кирдикорлари, феълиятворлари тўғрисида яратилган халқ қўшиқлари ҳамон куйланиб келади.

Улар қўлларидаги ҳокимият, мол-дунёни қурол қилганлари ҳолда, чексиз имтиёزلарга эга бўлганлар, меҳнаткаш инсоннинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қилганлар, уларни инсоний эрқдан маҳрум қилиб, турли-туман азоб-уқубатларга гирифтор қилганлар.

Дарё тўлқин, сувлар тошқин, ўтолмайман,
Отим ориқ, манзилимга етолмайман...
Бу тоғлар — баланд тоғлар,
Мазлумлар йўлини боғлар,
Ғарибга ғариб йиғлару,
Биз ғарибга ким йиғлар!

деб нола-фарёд қиладилар.

Меҳнаткаш инсон учун севиш — севилиш, турли-туман фожиалар, руҳий қийноқлар, хўрликлар келтирган. Феодализм жамиятида дин, шариат ҳукми бўйича қиз болага буюм сифатида қаралар эди, уларнинг шахсий истақлари эътиборга олинмай, пул-мол бараварига сотилар эди. Севучи ошиқ камбағал бўлса, ўз севгилисига етиша олмас эди. Хусндор қиз-жувонларни пул-мол, амал-мансаб кучи билан «шум бой бола, бой бобо»лар ўз севгисилдан ажратиб олиб кетардилар. Халқ яратган лирик қўшиқларнинг кўпчилигида ўзида ихтиёри бўлмаган, қандайдир ташқи кучнинг зўри билан ота, она,

севгили ёридан ажратилган мазлумаларнинг нола-фарёди, замона зулмига қарши ғазаб-нафрати янграйди.

Яна шундай қўшиқлар ҳам борки, уларда зулм зўравонликка асосланган даврни «ёлгон даврон» дейилиб, унга қарши халқ ғазаби, исёнкорлик кайфияти акс этади. Ҳукмрон эксплуататор аччиқ кулги билан фош этилиб, бахтли келажакка умид билан қарайди. Халқ қўшиқларининг деярли ҳаммасида оптимизм, инсонпарварлик пафос билан куйланиб, қадрланади, касб-ҳунар, ҳалол меҳнатни улуғлаш, унга тарғиб қилиш, ростгўйлик, инсонга меҳр-муҳаббат билан қараш, дўстлик, вафодорлик каби олижаноб инсоний фазилатлар биринчи ўринда гуради.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин ўтган давр ичида меҳнатқаш омманинг ижодий қобилияти қўшиқлар яратиш соҳасида ҳам мислсиз даражада ўсиб бойиди. Моддий ва маънавий бойликларнинг битмас-туганмас манбаи бўлган қудратли совет халқининг яратувчилик маҳорати юксалиб, совет воқелигининг актив иштирокчисига айланди. Халқ совет тузуми, социалистик қурилиш йилларидаги ҳар бир ҳодисани ўз қўшиқларида юксак дид, завқ, соғлом ғоя, чиройли бадий формаларда акс эттирди ва акс эттирмоқда.

Совет замонасида яратилган қўшиқларнинг ғоявий мундарижаси ўтмишдагилардан мутлақо фарқ қилади. Бу қўшиқларда революция ғалабаларини мустақамлаш, ички-ташқи душманлар билан олиб борилган курашлар, овозлик самаралари, ижодий меҳнат, тенглик, халқлар дўстлиги, Коммунистик партия ва унинг раҳбарларига, совет ҳукуматига меҳр-муҳаббат ва садоқат ғоялари куйланади.

Совет воқелиги халқ қўшиқларига янги-янги темалар, юксак ғоявий мундарижа билан бирга энг илғор социалистик реализм методини ҳам берди.

Замонавий қўшиқларнинг лирик қаҳрамони — социалистик тузум ҳимоячиси, граждандлар ва Улуғ Ватан уруши йилларидаги жангчилар, тинч қурилиш давридаги ватанпарвар азамат-ишчи, колхозчи, интеллигенциядир.

Совет халқининг коммунизм қуриш учун қилаётган фидокорона меҳнати ва унинг ажойиб самаралари акс этган қўшиқлар ҳозирги кунда колхоз, совхоз далалари, буюк қурилишлар, фабрика- заводлар, ям-яшил ўтлоқ яйловларда ўлкамиз бўйлаб янграмоқда. Бу қўшиқлар совет кишиларининг фаровон ҳаётга муҳаббати ифодаси бўлиб, улар халқимизни янги-янги ижодий меҳнат ғалабаларига илҳомлантирмоқда.

Ўзбек халқ қўшиқлари революциягача бўлган баъзи ёзма манбаларда эслатилган, улардан баъзи намуналари кўрсатилган бўлса-да,¹ уларни халқ оғзидан ёзиб олиш, илмий асосда ўрганиш ва нашр этиш ишлари фақат Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина бошланди.

Кейинги вақтларда ЎзССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти ўзбек халқ оғзаки ижодини тўплаш ва оммалаштиришда самарали ишлар қилди. Бу соҳада республикамизнинг атоқли олими Ҳоди Зарифовнинг хизматлари ало-

¹ Алишер Навоий. Мезонул — авзон, Тошкент — 1949, 68-бет. Маҳмуд Қошғарий. Девону луготит турк, уч томлик. Тошкент — 1960—1963. Ҳамза Ҳакимзода. Танланган асарлар. Тошкент — 1959. (Халқ қўшиқларидан келтирган намуналар кўзда тутилади.)

ҳида диққатга сазовордир. Ҳ. Зарифов биринчи мартаба ўзбек фольклоридан олий ўқув юртлари учун хрестоматия тузди, бу хрестоматияда ўзбек фольклорининг бошқа тур ва жанрлари қаторида кўпгина халқ қўшиқлари ҳам бор.¹ Кейинги йилларда нашр этилган халқ оғзаки ижоди намуналарида халқ қўшиқларига кўп ўрин берилди.² Шунингдек, халқ қўшиқлари ҳам тўпланиб, бир неча мартаба нашр этилди.³

Ниҳоят, ўзбек халқ оғзаки бадий ижодининг қўшиқлар тури филология фанлари кандидати Музайяна Алавиянинг 1959 йилда ЎзССР Фанлар академияси нашриётида босилиб чиққан «Ўзбек халқ қўшиқлари» асарида атрофлича, мукаммал ўрганилди. Бу асар ўзбек халқ қўшиқлари тўғрисидаги биринчи энг йирик илмий тадқиқот бўлиб, уни узоқ йиллар давомида олиб борилган оғир, машшаққатли, меҳнатнинг ажойиб натижаси дейиш мумкин. М. Алавия ўз асарида тарихий, замонавий қўшиқларни яратилган даври, тематика ва гоёвий мазмун жиҳатидан чуқур илмий таҳлил қилиш билан бирга, улардан жуда кўп намуналар ҳам тўплаган.

Биз ҳам Фарғона водийсидан узоқ йиллар давомида тўплаган халқ қўшиқларининг турлари, ритми, вазнларига боғлаб ўргандик ва уларнинг тематикаси, гоёвий мазмуни, ижро қилинадиган ҳолати, вақти ҳамда тузилишига қараб: меҳнат қўшиқлари, лирик қўшиқлар, ўланлар, ёр-ёрлар, аллалар, лапарлар, марсиялар, болалар қўшиқларига бўлиш мумкин экан, деган хулосага келдик. Буларнинг ҳар бири ўз хусусияти, мазмуни, ижро этилишига қараб бир-бирларидан фарқ қиладилар.

Булардан меҳнат қўшиқлари халқ орасида қадимги замондан бери мавжуд бўлиб, уларнинг намуналари Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида ҳам анчагина келтирилган. Улар фақат меҳнат жараёнида: қўш ҳайдашда, кўтаришда, пахта теримида, чарх йигиришда, ов қилиш вақтида, мева теришда ва бошқа вақтларда айтилган. Бу қўшиқларда инсон кечинмалари меҳнат, иш тури, табиат ҳодисаларига қиёс этилиб ифодаланган.

Ола ҳўкиз, таргил ҳўкиз,
Шудгор танобин тортиб ўз,
Қўш ҳайдаймиз баҳор ва куз,
Атрофимиз дала ва туз,
Юр жонивор, хўш жонивор...

Бу мисраларда ибтидоий ҳўкиз қўши усулида ишлаётган деҳқоннинг оғир меҳнати акс этган.

Ёки:

Олапакким хоназоддир,
Қора байир, асла отдир,
Қиракашлик унга ётдир,
Қўзлагани қўш работдир,
Чу, ҳа, тулпор, олапакким...

¹ Ўзбек фольклори, иккинчи китоб, тузувчи, Ҳ. Зариф, Тошкент, 1941.

² Ўзбек халқ қўшиқлари, Тошкент, 1954.

³ Ўзбек совет фольклори намуналари, Тошкент, 1954.

каби мисраларда эса, узоқ йўлни кўзлаган аравакаш кўз олдимиэга келади. Булардан ташқари халқ орасида «Майда гул», «Янчиқ кўшиги» ҳам бўлган.

Теримчилар:

Пахта терсанг тоза тер.

Чаногида қолмасин.

Пахта эккан деҳқонлар

Кўлинг синсин, демасин,

деб куйлаган бўлсалар, чарх йиғирувчи аёллар эса:

Чархим таноб ташлайди,

Бир балони бошлайди.

Кувдошлиги қурисин,

Кунда уриш бошлайди,

деб кўшиқ айтганлар.

Уланлар Фаргона водийсида асосан қишлоқлар, тоғли жойлардаги чорвадорлар орасида кенг тарқалган. Уланларни ўзини ҳанузгача «турк» деб юривчи аҳолининг «Қорабош», «Бекзода», «Барлос» уруғлари орасида кўп учратиш мумкин.

Уланлар — келин тушди (қиз кўчириш) тўйларида келин-куёв томон йигит-қизлар орасида худди лапарлар каби баҳслашув тарзида, баъзан меҳмондорчилик ўтиришлари: баэмлар, гап-гаштакларда малакали ўланчилар томонидан тарафкашлик усулида ижро қилинади.

Ёр-ёрлар «келин тушди», «суннат» тўйларида келин-куёв томоғ қиз-жувонлар, қудалар, куёвнўкарлар (куёвнинг ёр-дўстлари) умуман тўйга иштирок этувчиларнинг ўз истак-хоҳишлари бўйича, ижро қилинади.

Ёр-ёрлар «суннат» тўйларидаги «қўл боғлар» (Тўй қилинаётган боланинг онаси ёки бувисини маҳалла хотинлари устун ёки дарахтга боғлаб, атрофида «ёр-ёр» айтишади. Хотинларнинг «ясовули» кўлида ушлаб турган сават ёки тарелкага тўй қилувчининг қариндош-уруғ, ёр-биродарлари топганича пул ташлай берадилар. Охири тўй эгаси келиб, хотинларга пул бериб, рози қилиб боғланган аёлни ажратиб олганида айтилади. Фаргона водийсидаги ўзбеклар орасида «ёр-ёр» айтишни билмайдиган бирорта киши бўлмаса керак. Бу ердаги тожиклар эса, ўз «ёр-ёр»ларини «Шоҳ, муборак» (қисқача — шомборак) деб атайдилар. Ёр-ёр умумхалқ кўшиғи бўлишидан ташқари, алоҳида малакали мутахассис, сўзга чечан ёр-ёрчилар томонидан куёв-келин тарафкашлари, тортишув тариқасида ҳам айтилади. Бу тарафкашликлардан асосан куёв-келинга мадҳиялар ўқилиб, уларнинг яхши фазилатлари, хулқи, феъл-атвори, характери ҳамда икки ёшининг бир-бирига муносиблиги муболағали равишда мақталади ва уларга бахт-саодат тиланади. Баъзан қиз томонидаги ёр-ёрчилар куёв томонни, куёв томондагилар эса келин томоннинг баъзи камчиликларини ҳажв қилдилар. Бу энгил ҳазил фақат куёв-келин доирасидагина қолмай, тарафкашлик тусини ҳам олади.

Ёр-ёрнинг «келин салом қилади» (келинин арава, машинадан тушириб куёвниқига олиб кириб кетаётган пайт) қисмида эса, янгалар куёвнинг ҳамма қариндошларига юрту элининг бошлиқ-раҳбар-

ларига келинни салом қилдираётганда, ёр-ёرنинг ҳазил кайфияти кучаяди. Ёр-ёр орасидаги бу енгил, бегараз ҳазил (юмор)нинг аралашуви туғилиб-ўсган жойи, ота, она, дугоналаридан ажралиб, янги — нота-ниш хонадон шароитига келаётганини ўйлаб, йиғлаётган келинчакни юпатиш, кулдириб кўнглини кўтариш мақсадлари кўзда тутилади.

Революциягача яратилган ёр-ёрлар куёв-келин мадҳига айтил-диган қўшиқлардан кўра, кўпроқ жафокаш, маълума келинчакнинг фожиаи қисматига ўқиладиган марсияларга ўхшаб кетади. Бу ёр-ёрларнинг ҳазил қисми зўравонликка асосланган нотекис никоҳ ва унинг оқибатида рўй берадиган ғам-кулфатларни фош этувчи ўткир заҳарли кулги (сатира)га айланар эди.

Ёр-ёрлар ҳам асосан $4 \times 3 = 7$ ёки $4 \times 3 \times 4 = 11$ бармоқ вазнида бўлиб, унга ёр-ёр радифи қўшилади, баъзида шу радифнинг ўзи шеър мисрасини тўлдирувчи туроққа айланади.

Марсиялар фақат мотам йиғиларидан иборат бўлиб, у бирор киши вафот этса, унинг маросимларида айтилади.

Бу марҳум ёки марҳуманинг энг яқин кишилари: кўпроқ она, вгачи-сингил, оиласи (хотини) фарзандлари томонидан бошланиб, таъзияга йиғилган аёлларнинг кўпчилиги унга жўр бўлади. Шуниси ҳам борки, мақолларнинг бирида айтилганидек, «маъракага келган хотин ўз дардини айтиб йиғлайди».

Марсияларда марҳум ёки марҳуманинг шахсий фазилатлари, рўзгор ва жамият орасида тутган мавқеи, тирикликда қилган иш фаолияти эслатилиб, унга нисбатан ачиниш ҳисси қўзғатилади. Марсияларда унинг айтувчисига қараб «вой болам» (она), «вой тўрам» (хотин), ёки қариндошлик даражасини билдирадиган «акам», «укам», «опам», «жигарим» сўзлари радиф бўлиб келади, баъзан у нақорат сифатида ҳам такрорланади.

Ёр-ёрчи, ўланчи, қўшиқчилар бўлганидек, мотам маросимларига алоҳида таклиф билан келтириладиган малакали йиғичилар ҳам бўлади.

Марсияларнинг ҳам ўзига хос мунгли оҳанг — куйи бор. У инсондаги айрилиқ ғам-аламларини ифодалайди.

Тоғлардаги кийикни, вой акам,
Етакласам юрмайди, вой акам,
Елғизгина ўғлингиз, вой акам,
Етимликка кўнмайди, вой акам.

Қўшиқларнинг ижодкорлари асосан хотин-қизлар бўлгани учун ҳам уларда инсонни камолатга етказувчи меҳрибон, мушфиқ, жафокаш оналар қалбининг забардаст, сахий, олижаноб, акс садоси жаранглаб туради. Бу ҳолатни айниқса она куйлаган аллада яққол кўриш мумкин.

Аллалар оналарнинг жигарбанд фарзандларига қилган ҳасратларидир. Қадимда аллалар инсон меҳри-муҳаббати билан сийнаси тўла оналарнинг орзу-умид садолари, вафосиз, золим ёрларга, жафокор замонга, тошмеҳр ота-онага билдирилган ғазаб ва норозиликларидан иборат бўлган. Уларда катта қалин бадалига сотилган қиз, чўри, канизак, севгилсиздан зулм билан ажратилган маъшуканинг нола-фарёдлари эшитиларди. Ҳозирги аллалар эса бутунлай бошқача замонавий мазмун касб этган.

Аллалар оналар, бувилар, опалар — умуман хотин-қизлар томо-

нидан бола ухлатиш пайтларида айтилади. Аллаларнинг бошқа қўшиқлардан фарқи шуки, у қачон бўлмасин, бола — чақалоқ, гўдаклар бор хонадонда айтилаверади.

Лапарлар халқ қўшиқларининг бу тури асосан йигит-қиз ўртасида ижро қилинади. Бу жиҳатдан лапарлар ўлашларга ўхшаб кетсалар-да, тематика, гоъвий мазмуни, вази ва енгил муסיқийлиги, ўзидаги юмор-сатира элементларининг ўткирлиги билан улардан фарқ қиладилар.

Лапарлар савол-жавоб тарзида яратилган. Бу мунозара ишқ-муҳаббат, рўзгордаги тотувсизлик, ота-оналарнинг фарзандлари билан бўлган муносабатлари каби ҳодисалар баъзан енгил, баъзан аччиқ кулги асосида акс эттирилади. Халқ қўшиқларининг лапарлар тури ҳам жуда кўп бўлиб, улардаги вази, куй-оҳанг, муסיқийлик хусусияти ҳам ҳар хилдир.

О та

Бозорга бораймн, қизим,
Хонатлас олайми, қизим?

Қ и з

Йўқ-йўқ, жон дадажон,
Асти очилмайдн гулим!

Халқ орасида шартли равишда «байт» деб аталадиган қўшиқлар тури янги куёв-келиндяклар, ёш-яланг, қиз-жувонлар орасидагина айтилади.

Аруз вазида айтилган газал формасидаги шеърларнинг икки мисраси бир байт дейилади. Аммо улардан фарқли ўлароқ, бу байтларнинг ҳар бири куёвнинг келинга, келиннинг куёвга муносабатини ифодалайдиган мустақил асардир.

К у ё в

Қиё-қиё деганда, қиялаб турган келинчак,
Қўлтигининг тагларидан мўралаб турган келинчак.

К е л и н ч а к

Қиё-қиё деганда, қийилдим сизга.
Қизил гулнинг навдасидек эгилдим сизга.

Болалар қўшиқларининг ўзига хос қисқа, енгил вази, шўх-ўйноқ, муסיқийлиги бор. Бу қўшиқларнинг деярли кўпчилиги $2 \times 3 = 5$ туроқли бармоқ вазида яратилган бўлади.

Сергак қуёним
Ойдинда қочган,
Андижон молин
Ясовул очган.

Хуллас, халқ яратган қўшиқларнинг ҳамма турларида юксак, олижаноб гоя ихчам, чиройли, содда бадий формаларда ифодалангандир. Уларни куйлаш, тинглаш ва ўқиш кишига битмас-туганмас завқ бағишлайди. Ҳаваскор ашулачилардан тортиб атоқли санъаткорларимизгача халқ қўшиқларини тез-тез ижро этиб туришларининг сабаби ҳам шунда.

ҲОШИМЖОН РАЗЗОҚОВ

ҚУШИҚЛАРНИ ТУПЛОВЧИДАН

Тўпламга кирган қўшиқлар Фарғона водийсининг шаҳар, қишлоқларида, Қирғизистон ССРнинг Уш шаҳри, Аравон ва Новқот районларида истиқомат қилувчи аҳоли оғзидан *ёзиб* олинган.

Узларининг бой, ранг-баранг қўшиқ-ашулалари билан халқ орасида алоҳида танилган, марҳамат қилиб бизни ўз репертуарлари билан таништирган Қандолатхон Усмонова, Лазокатхон Мақсудова, Санъатхон Раҳимова, Кароматхон Сотиболдиева, Кароматхон Бобоҳожиева, Инобатхон Назирова, Дилбархон Салоҳиддинова, Тўхтасин Ёқубов, Сотиболди Маннопов, Холмирза Холдороров, Шарофат Тожибоева, Қумрихон Жуманова, Рисолатхон Мўминова, Офиятхон Шокирова, Хуриятхон Азимова, Бойхон Холиқов, Қурбон Усмонов, Зухриддин Иброҳимов, Темиралли Имомов ўртоқларга чин кўнгилдан ташаккур изҳор қиламиз.

МУНДАРИЖА

Кўнгилнинг кўйига кирсанг	5
Термалар :	49
Янги замон кўшиқларидан	103
Аллалар : : : : :	137
Ёр-ёрлар : : : : :	147
Уланлар, лапарлар, яллалар, ҳажвиялар	169
Марсиялар :	215
Офтоб чиқди оламга	231
Ўзбек халқ кўшиқлари (Сўнгсўз — Ҳ. Раззоқов)	240